

Санд Чамлийка

# ИЙМОН ва хузун

Йүлдан озорни олиб ташлаш  
иймондан ҳисобланса, фикр ва қалбдаги  
озорларни кетказиш қанчалик экан?!



**Сайд Чамлижа**

# **ИЙМОН ВА ҲУЗУН**

**Турк тилидан Умида АДИЗОВА ўтириди.**



**Тошкент – 2021**

**УЎК 159.9-28**

**КБК 88**

**Ч 19**

**Чамлижа, Сайд**

Иймон ва ҳузун [Матн]: / Сайд Чамлижа; таржимон У.Адизова. – Тошкент: Muҳarrir nashriyoti 2021. – 128 б.

**ISBN 978-9943-7407-1-6**

Инсон ҳаёти давомида кўплаб синов-имтиҳонларга дуч келади. Утарни сабр ва сабот билан енгиб ўтиш иймоннинг тақозосидир. Үнумтмайлик, иймонимизда тушкун бўлсак, ҳаётимиз ҳам тушкун кечади.

Ушбу китобда асримизнинг энг жиддий муаммолари бўлмиш тушкунлик, умидсизлик, асабийлик, бекарорлик хусусида жиддий муроҳазалар баён қилинган. Тушкун инсонлар иймонсиз эмас, албатта. Лекин тутганимиз иймон шохи бизни ҳаёт ташвишларидан чиқаролмаса, у шохни қандай тутганимизни ўйлаб кўришимиз керак.

Муаллиф бу борада жиддий саволларни ўртага ташлайди ва жўяли жавобларни ҳам ҳикматли тарзда тақдим этади.

Ўқинг, уқинг, мулоҳаза қилинг ва ҳаётга ёруғ назар ташланг.

**УЎК 159.9-28**

**КБК 88**

*Турк тилидан*  
**Умида АДИЗОВА ўғирди.**

**ISBN 978-9943-7407-1-6**

© “Muҳarrir nashriyoti”,  
Тошкент, 2021.

# БАСТИША'ХИР роҳима'нир роҳишт

## МУАЛЛИФ ҲЛҚИДА

Туркиялик педагог, психолог, ёзувчи ва маърифатпарвар зиёли Саид Чамлижка таржимаи ҳолини “ғурбат ҳикояси” деб атайди. Ёзувчининг отаси тирикчилик ва жидан икки йил ишлаб келиш учун Германияга боради ва мусофириликдан қирқ йил деганде Ватанига қайтади. Саид хожа 1974 йил 10 октябрда ғурбатда – Германияда дунёга келади. Болалиги Германиянинг Бергнеустад шахарчасида ўтган Саид 1987 йилда Туркияга қайтади. 1993 йилда Токат – Турҳал Имом-хатиб лицейини таомилаб, Мармара университетига талабаликка қабул қилинади.

“Китоб инсонни, инсон дунёни ўзгартиради” жумласини ўзига шиор қилиб олган Саид Чамлижанинг “Фарзанд тарбиясида 33 хато”, “Ёшлик хазинаси”, “Ўқитувчи уруғда ўрмон кўриши керак”, “Аллоҳ болаларни азобламайди”, “Пайғамбаримиз замонамизда”, “Куръон алифбоми, ахлоқ?”, “Ўқи, ўйла ва уйғон!”, “Ўқияпман, демак, яшаяпман”, “Куръон ва ҳаёт” каби ўнлаб оммабоп рисолалари нашрдан чиққан.

Муаллиф “Иймон ва ҳузун” китобида “Умидсизликка тушган кишининг иймони шубҳалими?” саволига жавоб излар экан, баҳсли мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Рисолада умидсизлик, тушкунлик “ўқ”ларидан иймон қалқони ёрдамида ҳимояланиш хусусида фикр юритилади. Саид хожа китобни бошлар экан, тушкунликка тушган кишиларнинг хапдорилар билан ҳолатдан чиқишига уринишини шундай изоҳлайди: “Оёғига тикан кирган одам ё йўлини, ё йўловчилигини ва ёки эътиборсизлигини тафтиш қиласди. Ақлли инсон оёғига ботган тиканни чаён ниши билан чиқаришга уринмайди!” Шунингдек, муаллиф рисоласида энг яхши психолог –

Қуръон, жойнамоз, тасбеҳ ва чин ихлос билан адо этилган намоз, деган хulosани таъкидлайди.

Асарнинг мавзуси “Бу китобни ўқиган одамнинг иймони ортадими? Ғами кетадими?” каби саволларга жавоб эмас! Бу китобнинг биргина мақсади – иймон ва умидсизлик ёнма-ён ярашмайди, иймон бор жойда тушкунликка ўрин қолмайди, деган ҳақиқатни ўқувчига эслатиш.

Ўқувчиларимиз муаллиф ва таржимон ҳақига дуо қилиб қўйса, беҳад мамнун бўлар эдик.

**Таржимон**

## УМИДСИЗЛИККА ТУШГАННИНГ ИЙМОНИ ШУБҲАЛИМИ?

### Сўзбоши ўрнида

*Ӣӯлдан озорни олиб ташлаш иймондан ҳисобланса,  
фикр ва қалбдаги озорни кетказиш қанчалик экан?!*

Бу китоб мавзуси иймонни тафтиш қилиш эмас, балки эътиқодли киши ғам-кулфат қархисида ўзини қандай тутиши кераклигини таҳлил этишдир. Асарда “Имтиҳон дунёси” жумласи қайта-қайта такрорлансада, тинчлантирувчи дориларсиз яшолмайдиган инсонларнинг хаётга қарашларидағи зиддиятларни алоҳида тушунтиришга ҳаракат қилинади.

Хаётда ҳаммамиз ташвиш ва муаммоларга дуч келамиз. Аслида, бу муаммолар ҳаёт имтиҳонининг бир бўлаги. Лекин мана шу ҳақиқатни унутадиган бўлсак, безовта одамга айланамиз, асабийликка йўлиқамиз.

Хасталиклар ҳаёт имтиҳонининг бир бўлагидир.

Саратон, сил ва ва бошқа оғир хасталиклар ҳаёт имтиҳонининг бир қисми.

Бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолиш ҳам ҳаёт синовидан бошқа нарса эмас.

Фарзанд доғи – имтиҳон.

Фақирнинг бойиб кетиши – имтиҳон.

Бойнинг қашшоқланиб қолиши – имтиҳон.

Орзу-мақсадларга Эришолмаслик, синовлардан муваффакиятли ўтолмаслик – имтиҳон.

Бунақа ҳаётий имтиҳонларнинг саноғи йўқ. Айнан мана шу синов-имтиҳонларга сабр қилиш иймоннинг бир бўлаги эмасми? Унутмайлик, иймонимизда тушкун бўлсак, ҳаётимиз ҳам **тушкун** кечади.

Китобда асrimизнинг энг жиддий муаммолари бўлмиш тушкунлик, умидсизлик, асабийлик, бекарорлик хусусида жиддий мулоҳазалар баён қилинган. Тушкунликдаги инсонлар иймонсиз эмас, албатта. Лекин биз тутган иймон шохи бизни ҳаёт ташвишларидан чиқаролмаса, у шохни қандай тутганимизни ўйлаб кўришимиз керак.

Паскалининг шундай сўзи бор: “Кўлсиз, оёқсиз бир инсонни тасаввур қила оламан. Лекин онгсиз одамни тасаввур қилолмайман.

## ХОМ ЭДИМ, ЁНДИМ, ЕТИЛДИМ...

Машаққатлар инсонни пиширади, камолотга етказади. “Хом эдим, ёндим, етилдим” деган Мавлоно ҳам ёнмоқ – етилмоқ эканини аинглатади.

Хаётимизниң энг катта ташвишлари – анлаган одам учун – аслида, ҳаётниң энг катта сабоқларидир. Масалан, дўстидан хиёнат кўрган одамниң дўстлик ҳакидаги холосаси дўстидан хиёнат кўрмаган одамниң холосасидан анча теранроқ ва кенгроқ бўлади.

Зилзиладан кейин қурилган бинолар зилзиладан аввал қурилган бинолардан мустаҳкам бўлишини хамма билади. Хаёт зилзилалари ҳам бизни ўзимизга келтириш учун бошимиздан ўтказган силкинишлардир. Майда-чуйда тебранишлар сабабли тушкунликка тушиб, хаётдан норози бўлганлар катта зилзилаларга йўлиқиб колса, бутунлай ўзларини йўқотиб қўяди. “Ҳеч кимга тоқатидан ташқари юқ юкланмайди”, “Ҳар машаққат билан, албатта, бир осонлик бор” деган илохий қоидаларга қаноат қилмай, тинчлантирувчи дориларга юкунаётган кишилар хаётга ва динга қарашларини бир тафтиш қилиб кўришлари лозим.

“1975 йилда укам менга Қуддусдан Куръон китобини олиб келди. Фотиҳа сурасини ўқиганимда унинг умумий маъносини тушунишга ҳаракат қилдим. Бу аввал ўқиган китобларимниң ҳеч бирига ўхшамасди. Сўзлар негадир менга таниш туюлди. Қачондир йўқотган қадрли нарсами топиб олган кишидай энтиқдим. Оқимини топган ирмоқ каби эдим...” дейди айни машҳурлик чўққисига чиққанда саҳнани тарқ этиб, исломни қабул қилган машҳур инглиз кўшиқчиси Юсуф Ислом (Cat Stevens).

У бир бор, бир боргина ўқиб шундай туйғуларни ҳис этибди. Бир кунда қирқ бор Фотиҳа сурасини ўқиганлар ҳеч нарсани ҳис қилмаса, демак, қандайдир муаммо бор экан.

Ер юзида бахтли ва ҳаловатли яшашни истаганлар Яратган билан муносабатларини мустаҳкам қуришлари керак. Осмон билан муносабатларини мустаҳкамламаган ёки умуман ҳеч қандай алоқаси бўлмаганларга ер юзи тор келади.

## Иқтибос

### Тушкунлик – аср хасталиги

Инсонни ҳис-туйғули муносабатлардан узоклаштирган, иш самарадорлигини туширган ва энг муҳими, ҳаётдан завқланиш ҳиссидан маҳрум қилиб қўйган қора булут “тушкунлик” дейилади. Катта шаҳарларни ифлос ҳаво қорайтирганидек, 21-аср касалликлари ҳам инсон ҳаётини зулматга айлантироқда.

Ишини йўқотишдан хавотирланиш, ўртоғи ё жуфтинг кўнгил синдирадиган сўзлари, автобусга, дарсга, қабулга улгурмаслик ўйлари ҳам асабийлик ва тушкунликка сабаб бўлади.

Бир пайтлар дин бошқарган жамиятларда эндилиқда психотерапевт роли юксаляпти. Техника ва саноат ривожланишидан бери Farbda диннинг ҳаётга таъсири пасайган. Илоҳга бўлган эътиқод ўринини билимга бўлган эътиқод эгаллаган. Аммо билим бугунги кун инсонларининг муаммоларига етарлича жавоб бера олмаяпти.

**Зуҳал Балтошнинг “Тушкунлик ва уни бартараф қилиш ўйлари” китобидан.**

## ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ АҲВОЛИ

Сарлавҳага қараб мени психологияга қарши экан, деб ўйламанг. Аксинча, мен психологияга жуда ҳам қизиқаман ва яхши кўраман. Инсон хатти-ҳаракати сабаблари хусусида ўйлашни, уларни ўрганишни яхши кўраман. Аммо психологиядан ҳам кўра ўқишни

ва ўқиганларимни муроҳаза қилишни кўпроқ яхши кўраман.

Сичқоннинг пишлоқ топиш учун ғайрат қилганини ва бу ғайратни муроҳаза қилиб, инсон руҳиятини ўрганишга чоғланган ғарб олами пишлоққа эришишини муҳим билгани учун пул топишни баҳт деб билди. Лекин пул одамни баҳтли қилмади. Агар пул инсонни баҳтиёр қилганида, бугун ғарбда ҳар бир оиласининг шифокори ва адвокати билан бирга ўз психологлари ҳам бўлмас эди.

Инсон феъл-авторини ўрганиш учун сичқонлар устида тажриба ўтказилсин, демайман, албатта. Аммо баҳтли бўлиш учун чўнтағига пул солиш ғарбни баҳтиёр этмади. Баҳтсизликларини, ғамга чўкиб бораётганини яшириш учун доридан “ёрдам” истаётганлар сони кундан кунга кўпайиб бораётган экан, замонавий психология аввал ўзини тафтиш қилиши керакка ўхшайди. Ғарб маданияти билан бойитилган психология ҳам бирорни баҳтиёр қилолмаяпти.

Замонавий психология деганда рус физиологи Иван Павлов ва унинг машҳур тажрибаси хаёлга келади. Олимнинг итлар устида ўтказган тажрибасию унинг илмга олиб кирган “шартли рефлекс” тушунчаси ҳам “итфеъл” одамларнинг кўпайишига тўсиқ бўлолмади<sup>1</sup>. Ит устида ўтказилган таҳлиллар инсон қадр кўрмаган ғарбни маҳрумликдан қутқаролмади.

Инсоний фазилатларини йўқотган, фарзандли бўлишдан кўра кучук боқишини афзал кўрган кимсалар сонини озайтириш учун қанча ҳаракат қилмасинлар, афуски, натижа паст. Демак, факат психологиянинг ўзи билан иш битмайди.

---

<sup>1</sup> Шартли рефлекслар – одам ва ҳайвонларнинг шахсий ҳаёти давомида ортирган реакциялари системаси; шартли (сигнал) қўзғатувчи билан шартсиз рефлектор қўзғатувчи ўртасида вужудга келадиган мувакқат боғланиш туфайли пайдо бўлади. Шартли рефлекс марказий асаб системасига эга барча ҳайвонларда бор. (Бу ҳақда тўлиқ маълумот учун қаранг – Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-том, 699-бет.)

## “Баҳт нима?” деган саволга Оврӯпонинг жавоби

Худбин дунёқарашга эга ғарб кишиси “қўлга киритиш”, “эришиш”, “ҳаммадан кўпига эга бўлиш”ни ҳаётнинг энг муҳим жиҳати санайди. Қайсиdir даражада мақсадига эришмоқда ҳам. Лекин негадир шунда ҳам баҳтли эмас. Шарқлик инсон учун “худбинлик ва қўлга киритиш” тушунчалик баҳт эмас. Мехмоннавозлик дея эътироф этадиганимиз “баҳам кўриш” туйғусини ғарбдагилар тушунмайди. Баҳтли бўлиш учун баҳам кўришни билиш кераклигини уларга қандай тушунтирамиз?

“Менга жаннат билан жаҳаннамни тушунтириб беринг!” деган саволга жавоб ўлароқ донишманд киши ёш йигитчани бир хонага етаклаб кирди. Хона ўртасида узун хонтахта қўйилган. Хонтахта атрофида одамлар ўтиришибди. Ҳар бирининг олдида бир косадан шўрва, қўлларида бир қулоч келадиган қошиқ. Ҳамма узун қошиқ билан шўрва ичишга урингани учун овқат тўкилиб-сочилиб ётибди. Хонтахта устига ҳам, одамларнинг кийим-бошига ҳам. Донишманд йигитга хонани кўрсатиб: “Бу ер жаҳаннам, болам, чунки одамлар фақат ўзини тўйдиришни истайди”, – деди. Кейин йигитчани етаклаб бошқа хонага борди. У хонада ҳам биринчиси-никидек манзара. Хонанинг ўртасида узун хонтахта, гирдида одамлар юзма-юз ўтиришибди. Ҳамманинг олдида шўрва, қўлларида эса узун дастали қошиқ. Фақат бу ердаги одамлар қошиғи билан қаршисидаги инсонга шўрва ичираётган экан. Донишманд йигитга қараб: “Ўғлим, бу ер эса жаннат, одамлар баҳам кўриш билан муаммоларига ечим топишяпти ва бир-бирини тўйдиришяпти”, – деди.

Ҳикоянинг бошқача вариантларини ўқигандирсиз. Аммо қиссадан ҳисса ўша-ўша: Баҳт – кўп нарсага эришиш эмас, қўлидаги имкон ва фурсатларни бошқалар билан баҳам кўриш!

“Бахтли бўлиш учун бошқаларни бахтли қилинг!” деган тушунчани ғарбликка қандай ўргатиш мумкин?!

Бахтни тушуниш, тушунтириш, таърифлаш жуда қийин. Лекин биз вақти-вақти билан ҳис қиласиган, лекин фарқига бормайдиган бир туйғу бор. Баъзан бирорга яхшилик қилсангиз, у кўзларингизга миннатдор термулиб ташаккур билдиради. “Вой, ҳеч нарса қилганим йўқ-ку!” деб миннатдорлигига жавоб берганимизда қалбимизда бир лаҳза бўлса-да, гўзал ҳиссиётни туямиз. Балки бахт мана шудир!

Эҳтиёжманд оиланинг фарзандига пойабзal олиб бериш – бахт.

Бемор зиёратига бориб, “Аллоҳ шифо берсин!” дейиш – бахт.

Транспортда ёши кексага жой бериб дуо олиш – бахт.

Оғир кунида дўстинг ёнида бўлиш – бахт.

Фарзанди контрактда ўқийдиган қариндошга моддий ёрдам бериш – бахт.

Иккита нон билан яқинлар ҳолидан хабар олиш – бахт.

Ҳамкасларингизни ширинлик билан сийлаш – бахт.

Бахтли, қувончли ишларнинг саноги йўқ.

Чуқур ўйлаб кўришимиз керак бўлган ишлар бор. Айниқса, ғарб бахт топиш учун олдин жуда кўп саволларига жавоб топиши керак. Технология ва илм-фан борасида илгарилаб кетишаётган бўлса-да, ҳануз бахтли эмаслар. Қаерда, қандай хато қилишганини, афсуски, улар билишмайди.

Хуллас, замонавий психология ғарбни бахтли қиломабди, бизни қандай бахтли қиласиди? Бизнинг ўз тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиздан бошқа ҳеч нарса ёруғликка олиб чиқолмаслигини тушунсак, бахт – узокда эмас, ичимиздалигини ҳам тушунган бўлардик. Бахтли бўлиш учун узокқа кетишнинг кераги йўқ, ўзингизга келсангиз бўлди!

## ҲАЛОВАТНИ ҚАЕРДАН ТОПИШ МУМКИН?

Иймоқ

Сұхбатлашиб ўтирибмиз. Бир дўстимиздан гап очилди. Тез-тез Хиндистонга, Тайландга бориб келаётган эмиш.

“Нега?” деб сўрадим, тижорат карвонига қўшилғандир, дея ўйладим. Йўқ, бир неча йил олдин “ҳаловат изляпман” деб юрган эди. Бош урмаган эшиги қолмабди. Тополмабди ҳаловатни. Кейин бир муддат хорижда ишлаб юрганида эътиқодига бироз хиндуизм, бироз буддизм, бироз зардуштийлик ва шуларнинг устига бироз ғарб психологияси билан “қуролланган” роҳиб билан танишибди. Фикрларидан қаттиқ таъсирланибди. Ҳаёти ўзгарибди эмиш. Дўстимизнинг тарбиясини, кизиқишлиари ва ўзгача қарашлари борлигини эслаганимда у воқеалардан ҳайратланмадим.

Бу ҳикоя кўпчиликка таниш келган бўлса, ажабланмайман. Оҳ, билсангиз шу умримда бунақа ҳодисаларга қанча гувоҳ бўлдим. Ўша дўстимизни яқиндан кузатиб юрган ўртоғимиздан сўрадим:

- Ҳозир қандай экан?
- Ҳалиям ўша роҳиб билан алоқада, – деди дўстим.
- Ҳузур-ҳаловат истаб юрибди. Феъли ўша-ўша, ҳар доимгидай очкўз ва инжиқ. Бир медитация ўтказиб олади, кейин тинчланади.

Бу гапдан кейин кулдик. Аслида, замонавий инсоннинг умидсиз изланишларидан кулдик. Ҳар қанча типирчиласа-да, ҳамон кишанларидан қутулолмаётгани бу. Шунча йўл юрса-да, шунча ишларни қилса-да, рақобатчи феъл-авторинг сени таъкиб этаверади.

Хўш, нега? Муаммо нимада?

Айта қолай.

Хоҳ Онадўлида, хоҳ Хиндистонда, хоҳ славян тупроқлари, хоҳ Африканинг бошию охири йўқ саҳроларида бўлсангиз-да... ҳаловат излаб йўлга чиқсангиз, тополмайсиз. Лекин ҳақиқатни излаб йўлга чиқсангиз, балки унинг ҳаловати сизни топиши мумкин.

“А  
ди б  
“роҳ  
роҳа  
эмас  
Бу б  
Ҳая  
нин  
ва я  
гаф  
инс  
тул  
боу  
лар

руп  
ун  
му

яр  
бо  
ра

с  
у  
х

о  
б  
б  
к  
ф

## БУ ЕР ДУНЁ, БУНДА РОҲАТ ЙЎҚ

“Аллоҳ яратмаган нарсани дунёдан изламанг”, – дейди бир ориф зот. “Аллоҳ нимани яратмаган?” дейишса, “роҳатни” деб жавоб берибди. Ҳа, шундай, бу дунёда роҳат изламанг, тонолмайсиз. Бу ерда ҳеч нарса боқий эмас. Роҳат ичига беҳузурлик, завқ ичига алам киради. Бу беқарор дунёда роҳат истаган нима қилиши керак? Ҳаяжонли ва ҳаракатчан қилиб яратилган инсонларнинг роҳати – меҳнат ва ҳаракат қилишда. Ғайрат, ғайрат ва яна ғайрат. Ҳеч бўш турмасдан ишлаш, бирор дақиқа ғафлатга тушмай ҳаракатда бўлиш керак. Инсон бўла олиш, инсон бўлиб қола билиш, инсонга ярашмаган ҳолатларга тушмаслик учун тинимсиз ҳаракат қилиш керак. Бунинг бошқа йўли йўқ, ғолибо. Чунки инсонмиз. Роҳат ва имконларни кўрганда, келажакни унутишимиз мумкин.

Банда ансорлардек бўлиши керак. Шунда сурув-сурув қўйлар, туя-сигирлар, сандик-сандик жавоҳирлар унинг асосий истаги бўлмайди. Дунёда ансорлар ва муҳожирлар каби яашаш керак.

Аллоҳ ҳар нарсани ҳикмат билан яратган экан, яrim йўлда қолганлар, охиратни унутиб дунёга майл боғлаганларнинг ҳам шу юришида бир ҳикмат бўлса керак.

## ҲАЁТ ҚАҲВАГА ЎХШАЙДИ

Мартаба-мавқе учун ҳаракат қилаётган бир гуруҳ собиқ талабалар университетда дарс берган профессор устозларининг зиёратига боришиди. Гап айланиб, иш ва ҳаётдаги руҳий зиқликларга тақалди.

Меҳмонларини қаҳва билан сийлаш учун профессор ошхонага борди ва қўлида катта термосда қайноқ сув билан қайтди. Столга қаҳва ва чинни, пластик, шиша, билур ва шунга ўхшаш ҳар хил турдаги арzon-қиммат қаҳва финжонларини териб қўйди.

Ҳамма ўзига финжон танлаб олганидан кейин профессор талабаларига деди:

- Бир нарсани сездингизларми? Қимматбаҳо, чиройли финжонлар таиланди. Оддий, арzon финжонларни ҳеч ким олмади. Ўзингизни ҳар доим энг яхшисига муносаб кўришингиз, аслида, оддий ҳол бўлиш билан бирга, тулпкунилик ва муаммоларнинг манбай ҳам ҳисобланади. Эсингизда бўлсин, фақатгина финжонининг ўзи қаҳвага ҳеч қандай таъм бера олмайди. Финжонлар жуда қиммат бўтишига қарамай, бизга фақат ичишда ёрдам беради, хотос. Ҳаммангиз қаҳва истаган эдингиз, финжон эмас. Лекин онгли равишда аввало финжонга талпиндингиз, кейин эса зимдан бир-бирингизнинг финжонингизни кузатишга тушдингиз... Ҳаёт ҳам қаҳвага ўхшайди. Иш, пул, жамиятдаги ўрнингиз эса финжон мисоли. Улар шунчаки, яаш учун кураш қуроллари. Сиз танлаган финжон қаҳва сифатини белгиламаганидек, яаш учун қуролингиз ҳам ҳаётингизни ўзгартиромайди...

Ха, устоз айтганидек, фақат финжонга ўралашиб, Аллоҳ тортиқ қилган қаҳванинг лаззатидан бебахра қотманг. Қаҳвани яйраб ичинг!

Энг баҳтли инсонлар ҳамма нарсанинг энг яхшини кўлга киритганлар эмас. Балки ҳамма нарсанинг лаззатини, қадрини ва таъмини билганлардир...

## ҚУВВАТ ДАРАХТИ

Қишлоқдаги эски уйимни таъмирлаш учун дурадгор ёлладим. Йўлда машинасининг ғилдираклари ёрилгани учун ишга бир соат кеч келди. Шунингдек, анча таъмрталаб бўлиб қолган машинаси қишлоққа амаллаб етиб келди-ю, қайтишда ўрнидан жилмади. Кечки пайт устани уйига олиб бораётганимда ёнимда тошдай қотиб ўтирган эди. Манзилга етганимизда мени оиласи билан таништириш учун уйига таклиф қилди. Уйига қараб юраркан, кичик бир дараҳтнинг қаршисида бироз муддат ўтиреди. Шохларга икки қўлинин теккизиб қўйди. Эшик очилганида уста одамни ҳайрон қолдирадиган тарзда ўзгарди. Ҳоргин юзига табассум югурди. Икки

кичкитой болаларини ердан құтариб олиб, хотининг пешонасидан ўпидің күйди...

Мени машинамнинг олдигача кузатиб келганида дарахтнинг олдидан ўтар эканмиз, қизиқишим ортди ва ундан уйга кираётганида қилган ишининг сабабини сүрадим.

– Бу менинг қувват дарахтим, – деди уста. – Баъзан ишимда ўзимга боғлиқ бўлмаган муаммолар чиқади. Қийналаман. Ахир, ризқ-насиба топиш учун ҳаётда мушодала этиш осон эмас-ку? Лекин шуни аниқ биламанки, бу муаммолар уйимга, хотинимга ва фарзандларимга таъсир қиласлиги керак. Шунинг учун ҳар окшом уйга кирищдан олдин муаммо, ташвиш ва дардларимни шу дарахтга осаман-да, ундан баҳт, ҳаётга умид, ишонч ва завқ қувватини рухимга сингдириб, осто намага қадам қўяман. Эрталаблари эса ишим билан боғлиқ муаммоларни яна дарахтдан қайтариб олиб йўлга тушаман. Лекин энг кулгули жиҳати нима, биласизми? Тонгда дарахт шохларидан муаммоларни қайтариб олаётганимда улар кеча осганимдагидек оғир ва мушкул бўлмайди...

## ПСИХОЛОГ МАВЛОНОДАН НАЖОТ ИСТАДИ

Мустафо Мертернинг “Тўққиз юз қаватли инсон” китобини ўқиб жуда таъсиrlандим. Китоб инсоннинг руҳ қатламларига ишлов беради. Китобнинг ўқишилигини орттирган жиҳати эса муаллифнинг ўз ҳаётидан мисоллар келтиришидир. Мустафо Мертер Швецияда психологиядан таҳсил олган.

“Ўз-ўзини йўқотиш ҳолатига келиб қолган инсониятнинг озодликка етишиши учун вақт билан мусобақалашяпмиз”, дея Мустафо Мертер яшаётган даврни шундай изоҳлайди:

Бир неча йиллик психотерапевт бўлишимга қарамай, кўп бора тушкунликка тушдим. Маънавиятдан мадад истадим. Кўп йиллар узоқ шарқ донишманларидан

қолган маданий меросларни ўргандим, уларнинг айтганиларига амал қилишга ҳаракат қилдим. Тушкунликка тушган кезларимда узлатга чекиндим. Сукунатга чекиниш, сершовқин шаҳарнингғала-ғовуридан узоклашиш, бир чеккада дунёни кузатиш мувакқат бўлса-да, рухимга тасалли берди...

Муаллиф китобида психология динга қарама-қарши тулгунча сифатида инсонга дунё билан савдолашишни тактиф қилишидан беҳаловат бўлишини таъкидлаган.

“Аллоҳ билан алоқасини узган инсон ғира-шира дунёда қўли билан ҳикмат изляяпти” дея ўзи ўрганганд ғарб психологияси инсониятни хурсанд қилмаслигини айтади.

На ғарб ва на узок шарқ йогасидан ҳаловат топган муаллиф Мавлоно Румий Ҳазратларининг “Маснавий”сидан мисоллар келтириб китобини безайди. Ғарб психологлари, асосан, Мавлоно Румийнинг “Маснавий”сини ўқишини, ғарб файласуфларининг энг катта илҳом манбаи Румий Ҳазратлари эканини таъкидлайди.

Диннинг асосини эътироф этаркан: “Ҳаётдаги энг катта фестивал – намоз”, – дейди. Бир кунда беш маҳал “фестивал” ўтказган инсон ҳеч қачон баҳтсиз ва тушкун бўлмайди. Инсонни тинчлантириш учун ишлатиладиган энг гўзал “Аnestезин” дориси ҳам намоз эканини алоҳида ургулайди.

Мавлоно Жалолиддин Румий дейди:

“Қадар қулфини синдиришга уринма. Уни фақат Аллоҳ очади.

Аллоҳ мурод қилса, киши сут ичаётганида синартиши.

Аллоҳ мурод этса, кишининг ишини мармар тошга ҳам ўтартиши.

Шунинг учун ҳам қадарни мажбурлаб, қайғуни даъват этма.

Аллоҳга таслим бўл, Унинг розилигини маҳкам тут...”

Ий  
би  
Бу  
та  
рі  
м  
т  
1

## ТАВАККУЛ МАЛҲАМИ

“Юрагим сиқиляпти” деган гап, аслида, рух ва жисм бирлашган майдондаги биологик-рухий инқироздир. Бу инқирозни пайқаган киши муаммони таваккул ва таслимият билан ечишга ҳаракат қиласы. Уринишларига қарамай, муаммо ечим топмаган тақдирда, “Бу масалани ўзим истаган шаклда ечолмасам, мени эшитганды, билганды ва ёрдам қиласын Кудрат борки, У барча таивишиларимни хайрлеси томон ечади” дея зеҳнидаги юкни Аллоҳга таслим этганида рухияти енгил бўлади. Таваккул динда жуда кўп эътироф этилишининг сабаби ҳам шу – у билан қайғудан фориғ бўлиш осонлашади. Таваккул воситасида тинчланган киши зеҳнида кодланган дастурнинг механизмини ишлатиш билан ҳаёт машаққатларига қарши яна-да кучли ва сабрли бўлади.

## ТАСЛИМ БЎЛМАНГ

*Ҳамма «Ҳеч қандай чораси ҳам, иложи ҳам йўқ!» деганида, умидсизликка қарши бош кўтаришининг номи Иймондир...*

Рухий инқирозга сабаб бўладиган таҳдидлар кун саёни ортиб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий жараён ривожлангани сари тушкунликка тушиш, зиқлиқ ҳолатлари ҳам кўпайиб бораверади. Ойлик маошнинг озлиги, иш алмаштириш, корхонани кенгайтириш ташвиши ёхуд моддий йўқотишига учрашдан қўрқиши, тириклийни ўтказолмасликдан чўчиш, хавотирлар, муаммолар, йўқотишилар, турмуш қуриш, оилавий низолар, ажримлар, хуллас, ҳаёт майдонида курашга сабаб бўладиган ҳамма нарса рухиятимизга таҳдид солади. Демак, бундай ҳолатда асабийликни буткул йўқотиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунда фақат асабийликдан ҳимояланиш ва рухий тушкунликдан ақл билан чиқа олиш йўлларини топишимизга тўғри келади. Куйида рухий зиқлийни ҳимояланишнинг айрим қоидаларини келтирамиз.

## **“Йўқ!” денг**

Баъзан қолипингиздан чиқиши истамайсиз. Муттаасил асабийлик остидаги аксарият кишилар “Бу ишни қилолмайман” ёки “ёрдам беринг” дейиш ўрнига ҳамма ишни ўзи бажаришга уринади. Шундай қилиб, ҳаддан ортиқ иш юкламасидан қийналади. Сиз асабийликка қарши курашини иш юкламанигизни камайтиришдан бошланг. Раҳбарингиз топшириқ берса, “хўп, бажараман, лекин бунча ишни бир вақтнинг ўзида удалай олмайман. Буларнинг қай бирини аввал бажаришимни истардингиз?” деб сўрашни билинг.

## **Сув ичинг**

Иш столингизда доим сув бўлсин. Тез-тез сув ичинг. Рухий зиклик ҳолатида инсон оддий ҳолатдагидан икки хисса кўп терлайди ва оғзи қурийди. Тез-тез сув иссангиз, ўзингизни яхши ҳис қиласиз.

## **Ухланг**

Тиниқиб ухланг. Уйқуда миянгиз дам олгани ва рухингиз енгил тортганига ишонч ҳосил қилинг.

## **Ғазабингизни тўкиб-сочинг**

Спорт майдончасига бориб, волейбол, футбол, умуман, бирор ўйин ўйнаш жараёнида ичингиздаги ғуборларингизни ташқарига чиқаринг. Бу ғуборлар салбий қувватдир. Ўйин мобайнида бақириб-чақириб, ҳазилкулгулар билан юрагингиздаги юқдан халос бўлишингиз мумкин. Демак, сурункали асабийлик ҳолатидан чиқиша спорт ўйинлари ёрдам беради.

## **Қоматни тик тулинг**

Мушакларингизни енгил қўйинг. Иссиқ ўринда ўн беш дақиқа ётиш бу борада яхши самара беради. Тик тулинг. Қоматни тўғри тутиб, тик туриш яхши нафас олишга ва мияга керагидан ортиқ қон боришининг олдини олишга ёрдам беради. Асабийлик ҳолатларида

кўпинча қоматимизни букиб оламиз. Бундай пайтда нафас йўллари ва қон-томирлар қисилиб, умидсизлик ҳисси ортади.

### **Одамларга ёрдам беринг**

Бағрикенг бўлинг. Ёлғизлик ҳисси қайғуларни ортиради. Одамларга ёрдам бериш муваффақиятга эришиш ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳиссини бағишлиайди. Қолаверса, бошқаларнинг муаммоси олдида дардларингиз қанчалик майда эканини ҳам кўрасиз. Бунинг яна бир фойдаси шундаки, меҳр-муруватли бўлиш узоқ умр кўриш гарови экан. Мичиган университети олимлари ўтказган ўн йиллик тадқиқот натижаларига кўра, ҳеч кимга ёрдам бермайдиган эркакларга нисбатан ҳафтада бир бор кимгадир фойдаси тегадиган эркакларда тўсатдан келадиган ўлим хавфи икки баравар кам экан.

### **Теннис коптокчасини сиқинг**

Иш столингизда теннис коптокчаси ёки сиқиш мумкин бўлган бирор нима бўлсин. Асабийлашганингизда ўша нарсани сиқинг. Асабийлашганда қон айланиш жараёни бузилади, мушаклар бўшашади. Асаблар тинчланishi учун теннис коптокчасини сиқиш самаралидир.

### **Кўрпага қараб оёқ узатинг**

Ортиқча орзу-ҳаваслар нафақат чўнтакка, балки саломатликка ҳам заардир. Алабама университети тадқиқотчиларининг изланишлари даромадидан ортиқчиқими борларда ҳар хил касалликлар ривожланиши борига қаноат қиласидиган инсонларга нисбатан кўпроқ кузатилишини кўрсатди.

### **Ижтимоий ҳаётга киришинг**

Ён-атрфоингиздагилар билан алоқаларни мустаҳкамланг. Ўз устингизда ишланг, хорижий тилларни ўзлаштиришга ҳаракат қилинг, билмаган нарсаларингизни ўрганиб боринг.

## **Яқинларингизга шафқатли бўлинг**

Ота-она, туғишиларингиз, қариндош-урұғлар билан тез-тез мuloқотда бўлиб туриңг. Оилавий анъаналарни асраб-авайланг. Яқинларингиз ёрдамга муҳтож бўлганда биринчилардан бўлиб ёрдамга ошиқинг. Ўзингиз ёрдамга муҳтож бўлганингизда ҳам яқинларингиздан ёрдам сўрашга тортиймани. Унутманг, меҳр-оқибат, бир-бирини кўллаб-куватлан маминулик ҳиссини бағишлайди.

## **Ҳазил-мутойиба қилинг**

Ишхонада, ҳамкаслар билан ҳазил-мутойиба килиш ҳам фойдали. Енгил кулгу кайфиятингизни кўтариб, асабийлик ҳолатидан чиқишингизга ёрдам беради, шунингдек, иш унумдорлигингиз ҳам ошади. Мутахассислар инсон чин кўнгилдан кулганда, мушаклар кискариб, танага етарли миқдорда кислород киришини ва кон босими меъёрга тушишини таъкидлайдилар. Бир самимий қаҳқаҳа кайфиятни кўтариш билан бирга, саломатликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

## **Чуқур нафас олинг**

Бу усул ўттиз сонияда тинчланишингизга ёрдам беради. Чуқур нафас олинг ва ичингизга ҳаво тўлдириңг. Бармоқларингизни бир-бирига киришитиринг. Шу тарзда беш сония туриңг ва қўлларингизни енгил қўйиб, оҳиста нафас чиқаринг.

## **Тасаввур қилинг**

Ҳар доим саёҳат қилишга имкон бўлавермайди. Лекин иш столингизда ўтириб, хаёлан саёҳат қилиш ҳам асабийликдан ҳимояланишда қўл келади. Бунинг учун кўзларингизни юминг ва ўриндиққа қулай жойлашиб, бошингизни орқага ташланг. Тоғлар, денгиз ва соҳилни кўз олдингизга келтириңг. Тўлқинларнинг товуши, қушларнинг сайраганини хаёлан эшитинг. Атрофни кузатинг. Уч-беш дақиқалик хаёлий саёҳат хуш кайфият бағишлайди.

**Хушбўй ҳидлар ҳидланг**

Иш столингизга лимон, олма, мандарин ёки апельсин каби мевалардан бирортасини қўйиб қўйиш ҳам яхши самара беради. Бир тадқиқотда математик ҳисобитблар билан ишлайдиган кишиларга иш жараёнида кўк олма ҳидлатилганида, асаблари тинчлангани аниқланган. Ванилин ифори ҳам асабларни тинчлантириш хусусиятига эга экан.

**Шовқин-сурондан узоқлашинг**

Агар шовқин-суронли муҳитда яшасангиз ёки ишласангиз, қулоқчинлардан фойдаланинг. Албатта, бирор хикоями, ривоятми, маърузами ёки қушларнинг сайрашиними эшигининг... Булар сизни шовқиндан тўсади ва асабийлашишнинг олдини олади.

**Эътиқодли бўлинг**

Иймонни мустаҳкамлаб боринг. Иймони мустаҳкам инсонга асабийлик, руҳий тушкунлик дахл қилолмайди. Таваккул, миннатдорлик, қаноат ва шукроналик мамнунлик ҳиссини ортиради, асабийликдан ҳимоя қиласди. Кўнгил ҳаловатига эришган инсон умидсизлика берилмайди.

**Ишларингизни режалаштиринг**

Ишлар кўп, вақт кам. Шунинг учун бажаришингиз керак бўлган ишлар рўйхатини тузинг. Аввал энг муҳим ишларингизни бажаринг. Албатта, меҳнат орасида дам олишни ҳам унутманг. Ўзингизга вақт ажратинг.

**Қанчалик муҳим?**

Асаббузарликлардан узоқроқ бўлаверинг. Бирор билан зиддиятга борсангиз, босиқлик билан гаплашиб олинг. Тез ғазабланманг. Ҳамма нарсани кўнглингизга олаверманг. Бироз совуқкон ва бироз бепарво бўлинг. Кўзингизга фавқулодда катта муаммодай туюлаётган ҳолатлар бир ҳафта, ўн кун, бир ой ва бир йилдан кейин

қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин? Бу савояга жавоб топсангиз, ўзингизни анча хотиржам хис қиласиз.

Иймон ва ж

ДОР

Замо  
бахтсиз  
карам  
кор этг  
Ам  
га ма  
карам  
учун  
ни ҳ  
сари  
мога  
куту  
Я  
лар  
ти  
Ха  
ш  
ти

ў  
б  
1

### Яхши овқатланинг

Тез-тез, кам камдан овқатланинг. Ҳалдан ортиқ вакт оч юрманг. Нонунгтала фойдали, мазали неъматлардан тановул қилинг. Кундалик зарур калориянинг 70-80 фоизини нонутшада қабул қилишга одатланинг. Ёнгок, майиз, ўрик қоки, писта-бодом каби егуликлар ҳар дбим дастурхонингиз ва сумкангизда бўлсин.

### Құчилар ғалаба қозонади

Албатта, тавсия ва маслаҳатлар нисбий бўлиб, уларга ҳар доим, ҳамма амал қилиши қийин. Бироқ оқил инсон муаммоларни ҳаётий сабоқ деб билади ва ечимни Аллоҳдан кутади. Ҳар қандай ҳолатда юзингиздан табассум аримасин. Аввало, табассум кайфиятингизни кўтаради, ўзингизга ишончни ортиради, юзингизга нур беради. Қолаверса, чехрангиздаги ярашиқли табассум – рақибларингизга муносиб жавоб. Энг муҳими, динимизда табассум садақа ҳисобланади. Албатта, садақа учун ажру мукофотлар бисёр. Қайғуларни табассум билан енгтан инсон – кучли инсон. Ҳаётда эса фақат кучлилар ғалаба қозонадилар.

Замонавий психология манбаларида шарқдагилар ишлатадиган қалб тушунчаси йўқ. Шарқона илоҳий манбаларда қалбга алоҳида эътибор берилади. Ислом эса қалбни инсоннинг бошкенти ўлароқ кўради. Замонавий психологияга терс равишда, Қуръони Каримда асосий инсоний хусусиятлар ҳақида сўз кетганда мудом қалб атамасига ургу берилади: “қалбда тафаккур қилиш”, “қалбан англаш”, “қалбга муҳрланиш”, “қалбнинг ҳаловат топиши” каби...

Ислом динининг тамал манбай бўлган Қуръони Каримда мулоҳаза, тафаккур, тадаббур, тазаккур ва эслатма каби мантиқий тушунчалар макони сифатида қалб тушунчаси илгари сурилади.

## ДОРИХОНАЛАРДАН ТОПИЛМАЙДИГАН МАЛХАМ

Замонавий ҳаёт инсонни баҳтли қилолмаётгани, баҳтсизлигини унуттириш учун муттасил дориларга қарам қилиб, сархушликда ухлатишга уринаётгани инкор этилмайдиган ҳақиқат.

Аммо табассум учун ҳам савобга эришадиган динга мансублигимизни мулоҳаза қилинг, биродар. Шунга қарамай, кулиш у ёқда турсин, дардларини эсламаслик учун муттасил дори қабул қиласидиганларга нима дейиши ни ҳам билмайсан киши. Ўзимиздан узоклашганимиз сари ўзлигимизни йўқотиб боряпмиз. Ғарбнинг муаммога ечим дея ўйлаб топганлари ҳатто ўзларини ҳам қутқаролмаяпти.

Янада очикроқ айтиш керак бўлса, ҳатто диндорлар ҳам майда-чуйда ташвишларни енгиб ўтиш учун тинчлантирувчи дорилар қабул қилишини биламан. Ҳолбуки, оталаримиз қаттиқ ғазабланганида таҳоратга шошилганларини ва шу йўл билан ўзларини тинчлантирганларини эслайман.

Миллий қадриятларимизга қайтмасдан туриб, ўзлигимизни топа олмаслигимизни қандай мисоллар билан ифодалашни ўйлар эканман, хотираларимни титкилаб кўрдим. Ва университетда ўқиган йилларим раҳматли онколог-профессор, доктор Холиқ Нурбоқий жаноблари гапириб берган воқеа ёдимга тушди.

### **Доктор Нурбоқий ҳикояси:**

“У ҳақда қирқ йил аввал эшитган эдим. Ўттиз йил аввал ўзи билан танишиб, бошидан ўтганларни оғзидан эшитиш имконига мұяссар бўлдим...

Юсуф Диёрбакирда, бадавлат оилада дунёга келган. Отаси маҳалланинг беги бўлиб, ҳаммага қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиласиди. Юсуфнинг айтишига кўра, чамаси беш ёшларида уйлари атрофига бир дарвеш келади ва деворлари остида макон қиласиди.

Юсуфнинг отаси: "Дарвешга биз қарашканың  
кин зинхор унга хизматкордан бирор нарса берил  
манглар" дега оиласига уқтиради. Дарвеш отаси се  
олиб борит кичкина Юсуфнинг юмупшига айтади:  
лакай аввал бироз хуттамаган бу ишидан кейин  
лавзат түя ботлайди ва кекга одам билан Юсуф  
күнгиги гишталари боллади. Дарвеш билан буларни  
хушбаттар Юсуфнинг бола калбила чечаклар очади.

Бир күни дарвеш ота болакайлан:

Ки уф, сенга бир түя ясаб берайми? – деб сурәттади.  
Бундай тақтифга қайси бола йўқ дейди? Кекса олиб  
бунни яхши билгани учун шартини шундай ифодалайди:

– Уйингдагилар сенга бодом, майиз, ковурилган  
нўхат ва бошқа ширинликлар берисса, уни менга олиб  
келасан. Лекин буни ҳеч кимга айтмайсан. Лекин мен-  
га олиб келадиган нарсаларинг факат ўзингта берилган  
егуликлар бўлсин, у ёқ-бу ёқдан топиб олиб келмагин,  
йўқса, түя туюга ўхшамай қолади.

Юсуф бу ишни маҳфий бажаришидан янада севинчи-  
ди. Ҳар гал егуликлар келтирганида "Тую ясаляптими?"  
деб сўрар, Дарвеш ота:

– Албатта, болажоним, сен олиб келаётган ҳар бир  
егулик туюнинг бир аъзосига айланяпти, – деб жавоб бер-  
ар эди.

Кунлар бир-бирини қувалаб ўтар, Юсуфнинг сабри  
тугаб борарди. Шундай кунларда Дарвеш ота хушхабар  
айтди:

– Тую битди, Юсуф. Фақат икки кўзи қолди. Агар ик-  
кита бодом олиб келсанг, туюнгни кўрасан!

Юсуф ўша кеча тонгача ухлаёлмади. Бомдодга аzon  
айтилганида ўрнидан даст туриб, бир бурчакларда  
тўплаб қўйган нўхат, писта-бодомларни ҳовучига олиб  
дарвеш отанинг маконига чопди. Аммо кекса киши тун-  
да эски чодир бошпанасида жон таслим қилган эди. Жа-  
ноза ишлари Юсуфнинг отаси зиммасига тушди. Дар-  
вешни ўша атрофдаги қабристонга дағн этдилар. Бола-  
кайнинг кўз ёшларига тош ҳам тоқат қилолмасди.

Орадан ўн икки йил ўтиб, Юсуф шояга етади. Афсуски, ўша ёшларда рухий хасталикка учрашибди. 1910–1915 йилларда бу касаллик оқибатлари ўлимгача борарди. Юсуфнинг бадавлат отаси боласини аввал Истанбулга, кейинроқ эса Парижга олиб боради. Аммо каерга бормасин, бир хил жавобни эшигиди:

Бу касалликни давоси топилмаган. Молдий ахволингиз яхши, Юсуфи Истанбулдаги рухий хасталиклар шифохонасида ётқизиб, у ерда ўғлингизга маҳсус қаровчи ёллашингиз мумкин.

Юсуфнинг отаси шифокорларининг айтганига кўнишдан бошқа чора топмайди. Ўғлини Истанбулдаги шифохонага ётқизади ва қаровчига икки ҳисса маош тайинлаб, ўзи тез-тез зиёрат қилиб туради. Олти ойдан кейин Юсуфнинг ахволи жуда оғирлашади ва уни бошқа касаллардан ажратиб, ўлиши муқаррар хасталар бўлимига ўтказадилар. Отага эса “Ўғлингизни асраб колиш учун ҳеч қандай умид қолмади!” деган мазмunda телеграмма жўнатадилар. Бундан кейингиларини Юсуфнинг ўзи шундай гапириб берган эди:

“Кирқ даражали оловда ёнар эканман, ўзимни даҳшатли чўлда кўрдим. Қуёш ҳар бир заррамни алоҳида қиздирап, вужудимни ёндираётган кумда ковжиарканман, бир томчи сувга илҳақ жон талвасасида эдим. Жон бераётганимни ҳис қилиб, бир муддат осмонга тикилганимда кўзларимга ишонмай қолдим. Болалигимда қолган Дарвеш ота бир туюнинг юганидан тутганча менга қараб келаётган эди. Яқинлашганида:

– Юсуфим, болажоним, – деди. – Мана, туюнг ҳам тайёр, уни минишинг мумкин!..

Ётган жойимдан машаққат билан қўзғалиб, дарвешнинг ёрдамида туюга минганимда чанқоғим ва беморлигим бир зумда ўтиб кетгандай бўлди... Ўша лаҳзадаёқ кўзимни очдим ва илк сўраганим: “Қаердаман?!” деган савол бўлди. Атрофимдаги шифокорлар ва қаровчилар хушимга келганимдан ҳайратда эдилар. Рухий хасталик билан бирга зотилжам хасталигидан ҳам халос бўлгандим...

Юсуф бошидан ўтган бу ҳодисани гапириб бераркан, тинимсиз кўз ёш тўқди ва шундай деди: “Дарвеш ота кадаб кўзи билан бонимга тушадиган савдоларни хис этган ва шунинг учун ҳам “Садака умрни узайтиради” ҳикматига суюнган, – деди. – Шунингчун факат менга берилган ширинликларни олиш билан менга садака ибодатини бажартириб, шу билан умримнинг узайинишига васила бўлган экан”.

Юсуф саксон ёшлиардан ошиб Ҳақнинг раҳматига эришиди”.

Бир муддат олдин рўй берган автофалокатдан жардатланмай, соғ-омон чиққаним сабабини биламан. Раҳматли Ҳалиқ Нурбоқий устознинг хотирасига ўхшаган мисолларни бошқа китобларда ҳам кўп ўқигандим.

Садака килиш умрни узайтиришига, дуо олиш бошимизга тушадиган бало-қазолардан асрashiiga ишонишимиш учун ғарб олимларининг тадқиқоти керакми?!

Бахтли бўлишни истайсизми? Бошқаларни баҳтиёр килинг!

Дуо олишни истайсизми? Одамларга яхшилик килинг!

Агар буларга ишонмасангиз, дори ичишда давом эта-веринг. Дорини ютганингиздан кейин унинг заарларини санаб бирорларни айблашга ҳаққингиз йўқ!

Бало-қазо, оғатлардан сақланиш йўлларини дориҳоналардан тополмайсиз лекин!

## ҲИКОЯ: “СЕН ЎН ИККИНЧИ КИШИСАН...”

Эҳсоннинг миқдори билинса-да,  
ризқнинг миқдори номаълум.  
Барака айни мана шудир...

Пулинин йўқотган бир кампир кўчага қуидагича зълон илиб қўйди:

“Мен 20 динор пулимни йўқотиб қўйдим. Ким уни топиб олса, фалон манзилдаги фалон хонадонга қайтарсин, чунки маошим оз бўлгани учун пулга жуда мухтожман. Ҳозир ейишга ноним ҳам йўқ”.

Иймон  
Бир  
кампи  
ўзини  
топиб  
олиб  
юрди  
лам!  
ёзма!  
нинг  
уйго!  
Аз  
муҳт  
Са  
кафа  
С  
етиб  
сено

анж  
“Би  
си,  
сиб  
Учи  
ши  
ўл

Бир киши: “Мен ўша пулни топиб олдим” деб, ўша кампир яшайдиган манзилга борди. Пулни олган аёл ўзини йиғидан тўхтатолмади: “Сен, – деди, – ўша пулни топиб олдим деб келган ўн иккинчи кишисан!” Пулни олиб келган одам бир табассум қилди-да, лифт томон юрди. Шу пайт кампир йиғидан тўхтаб, яна деди: “Болам! Сен бориб ўша эълонни йиртиб ташла. Уни мен ёзмаганман, ёзишни билмайман ҳам. Шунча одамнинг менга қилган гамхўрлигидан ҳаётга яна умидим уйғонди, дунё кўзимга гўзал кўриниб кетяпти!”

Азизлар, ўзингиз неъматга ғарқ бўлган ҳолда мухтожларни ташлаб қўйманг.

Садақани бугун улашинг, чунки эртага кийиладиган кафанинг садақа солиб кетадиган чўнтаги йўқ!

\* \* \*

Садақа эгасининг қўлидан чиқиб, фақирнинг қўлига етиб борганида беш нарсани таъкидлайди:

- \* Мен оз эдим, кўпайдим.
- \* Кичик эдим, катта бўлдим.
- \* Душман эдим, дўстга айландим.
- \* Фоний эдим, абадий қилдинг.
- \* Ҳозиргача мени сен қўриқлардинг, бундан кейин сени мен қўриқлайман...

## ДУНЁ ҲАЁТИ ТУШГА ЎХШАЙДИ

*Хасис бой бу дунёда камбағаллардек яшайди,  
охиратда эса бойлардек ҳисоб беради...*

Саҳобаи киромлардан бўлмиш Абу Зар розиялложу анҳудан шундай ҳикматли насиҳат ривоят қилинади: “Бир молда уч шерик бўлади. Биринчиси молнинг эгаси, яъни сен, иккинчиси эса тақдир. У хайрлими ёки мусибат ва ёки ўлимга олиб борадими, сендан сўрамайди. Учинчи шерик эса меросхўрдир. Ү-ҳам тезроқ бошингни ерга қўйишишингни, яъни ўлимингни истайди. Ўлганингдан кейин молингта у эга чиқади, ҳисобини эса

сен берасан. Агар кучинг етса, сен бу уч шерикнинг энг заифи бўлмагин!”

Ҳақиқат тонгида қўллари бўм-бўш уйғонган инсонлар абадият маҳрумлари дир. Ҳақиқий бойлик – ажал келганида инқирозга юз тутмаслик. Аксинча, ўлим билан юзлашганда абадий давлат ва бойликка мұяссар бўлиши дир.

## ДУНЁ ҲАЁТИ ГЎЁ РЎЁДИР

Мавлоно Румий шундай дейдилар: “Дунё ҳаёти тушга ўхшайди. Дунёда мол-дунё эгаси бўлиш тушда хазина топгандай гап. Дунёнинг моли наслдан наслга ўтиб дунёда колиб кетади”,

Ўлим фариштаси ғофил бойнинг жонини олиш билан уни ғафлат уйқусидан уйғотади. У киши ўзи чин эгаси бўлмаган мол учун дунё ҳаётида чеккан машаққат ва азоблари учун оҳ-воҳ қиласи, минг пушаймон бўлади. Лекин бўлар иш бўлган, ҳамма нарса ортда қолган бўлади.

Тупроқ остига киргандан кейин фақирга нима бўлса, бойга ҳам шу бўлади. Дунё ҳаётида нима иш қилган бўлса, қабрда уларга дуч келади. Бу дунёдан кетгандар, хоҳ гадо, хоҳ шоҳ бўлсин, охиратдаги сармоялари бу дунёдан нима олиб кетган бўлса, шу бўлади. Охират диёри... болтадан сопи айрилган, бошга чиқсан бақувват оёқлар залил тушган, қанчадан қанча қуллар сultonга, сultonлар эса қулга айланган, Ҳақ розилигига уйғун бўлмаган дунёвий мақом, мавқе ва мартабаларнинг қиймати ҳеч бўлган, неча муҳтожлар хазиналарга муваффақ бўлиб, неча ғофил бойлар абадият фақири, машҳар тиланчисига айланган макон У. У ерда фақат Ҳақ таолога содиқ бандаларнинг садоқатлари ва салим қабларининг фойдаси бўлади.

## ИНСОН ҚАНДАЙ СИНАЛАДИ?

Аллоҳ таоло одам боласини дунё ҳаётида жон, мол ва фарзанд билан имтиҳон қиласи. Булар хайр йўлида сарфланса, неъмат, аксинча бўлса, изтироб ва азобга са-

Иймо

баб

ним

кад

A

нёсі

ҲА

I

туш

ёпи

мўл

яті

ми

мі

та

ке

ви

ді

м

б

л

б

п

д

с

баб бўлади. Биз учун хайр нима, ёмонлик нима, неъмат нима, зиллат-хорлик нималигини фақат боболаримиз қадриятлари ва дин асосида ажратадоламиз.

Аллоҳ барчамизни берувчи қўл қилсан ва охират дунёсининг энг бадавлат сармоядорларидан айласин!

## ҲАРОМГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛГА ТЎСИҚ ҚЎЯМИЗ

Исломда “Садди зурора” (заарларни тўсиш) деган тушиучча бор. Бу ибора, ҳаромга борадиган йўлларни ёпиш, тўсик қўйиш, деган маънода қўлланилади. Ҳар мўмин ва мўмина бунга амал қилиши керак. Бу хусусиятга амал қилгани сари аввал шахсларнинг, сўнгра жамиятнинг ҳаромга мойиллиги пасаяди.

### “Ҳеч нарса бўлмайди”дан қўрқиши керак!

Вужудимиз бизнинг энг катта омонатимиз ва сиримиздир. Кўриниши мустасно бўлмаган аъзоларимиздан ташқари, номаҳрамлардан ҳам ўзимизни асранимиз керак. Бу илоҳий буйруқ ва ҳам онгли равишдаги танловимиздир. Фитратимиздаги “қизғаниш” ҳиссини вужудимизга нисбатан кўпроқ туйишимиз, кийинганимизда маҳрам ва номаҳрам тушунчаларига жиддий аҳамият беришимиз керак. Тасаттурдаги аёлга макияж, мода услубидаги калта шимлар, енги “тўртдан уч қисмли” либослар хос эмас. “Ҳеч нарса бўлмайди!” ибораси гуноҳга парво қилмасликдир. У бошқа гуноҳларни бошлаб келади. Биздан ўrnak олаётганлар ҳам бу гуноҳни такрорласа, руҳимизни гуноҳлар тоши мажруҳ қиласаверади.

## Оила маҳрамлиги

Ўсмир ёшига яқинлашган қизу ўғил ота-онаси, акаопаларига нисбатан маҳрамлик чегарасини чизиши керак. Билхосса, қиз фарзандлар отаси, ўғил болалар эса онаси билан орага нозик чегаралар қўймоғи лозим. Бу тарбияни ҳам ота-она фарзандларга ўргатиб боради. Ислом дини келганидан бери жамиятни гўзал

тарбия этмоқда. Инсонларга ҳам одоб, ҳам ҳаловатли ҳаёт дастурларини ўргатадиган мукаммал динга мансублигимиз Аллоҳнинг бизга берган улуғ неъматидир. Шунга амал қилиб, ота-оналар болаларига жуда кичик ёшидан бошлаб ҳаё ҳиссини сингдириб боришлари ва бу ишни қўйполлик билан эмас, мулоийимлик билан бажариши мақсадга мувофиқ. Масалан, болажоннинг таглигини алмаштираётганда нозик муносабатда бўлиш ва боланинг маҳрам аъзоларини очиқ қўймаслик керак. Онажонлар бола эмизаётганда ниҳоятда эҳтиёткор бўлишлари, маҳрами ва ҳатто аёллар даврасида бўлсада, нигоҳлар таъқибидан ўзларини асрган маъқул.

Болаларимизга Қуръон ва ҳадис ўргатишдан аввал одоб-ахлоқни ўргатишимиз лозим. Бугунги тезкор ва имкониятлар замонида астойдил истаган мусулмон Қуръони Каримни бемалол ўқиши ва ёдлаши мумкин. Лекин гўдаклиқданоқ, билхосса, мактаб ёшига етгунича ахлоқнинг асосий қоидаларини сахнали томошалар, ўйин ва қўғирчоқ ўйнаш жараёнида ўргатиш, шу йўллар орқали одоб-ахлоқни бола онгига сингдириш билан гўзал натижага эришиш мумкин.

### **Ҳаддини унутган кўзлар**

Жарир розияллоҳу анҳу шундай ривоят қилган: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан номаҳрамга тўсатдан кўз тушиб қолишининг ҳукмини сўрадим. Ул зот шундай жавоб қилдилар:

– Дарҳол кўзингни бошқа томонга оласан!”

Кейинги пайтларда кўпчилик номаҳрамларнинг бирбирига зимдан термулишлари, оила аҳиллигига зиёни тегадиган ёзишмалар, ножоиз дийдорлашувлар ва афуски, хиёнатларга бепарво қарашяпти. Бу каби сабабларни кўп санаш мумкин. Ҳадиси шарифда таъқидланганидек, “Мен Аллоҳдан ҳаё қиласман!” демоғимиз, аҳли тариқат каби “назар бар қадам” (оёқ учига қараб юриш) хусусиятига эришмоғимиз даркор.

### Хушбўйланиш

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламга дунё ҳаётида севдирилган уч нарсанинг бири ифордир. Ҳақ таоло инсонни хуш бўйларни туюдиган қилиб яратгани учун беҳисоб шукрлар бўлсин. Аммо бу ишда ҳам чегара бор. Динимизда бир аёлнинг бегона эркаклар эътиборини тортиши учун атир сениб ўтиши гуноҳ экани айтилган. Шунинг учун аёллар, айниқса, тасаттурдаги муслималар бу масалага жиддий эътибор қаратмоғи лозим.

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ МУНОСАБАТЛАР

*Тўғри, сиз ҳаромга алданиш осон замонда яшаяпсиз.*

*Лекин, билингки, Аллоҳдан қўрқсанга катта савоб бериладиган замонда ҳам яшаяпсиз...*

Селфи (ўзини суратга олиш) замонамизning техника-га оид кўнгилочар қирраси сифатида эмас, ҳаётимизning ажralmas бир қисмига айланди. Қўнимиздаги смартфонларда ўзимизни суратга оламиз, кўзимизга чиройли кўринганини ижтимоий тармоқларда баҳам кўрамиз. Яқинларимизга жўнатамиз. Машруъ доирада бўлса-ку, майли, замонавий тараққиётнинг бир имкони сифатида қаралади ва бундай ҳолатларда эътиroz қилинмайди. Аммо суратларнинг бошқаларга, номаҳрамларга ҳам етиб боришини унутмаслик керак. Демоқчи бўлганимиз, техника воситаларидан фойдаланиш хайрли амалларга васила бўлсин. Бундай неъматлардан фойдаланиб, ёилмаганларимизни ўрганайлик, билганимизни баҳам кўрайлик. Лекин ҳаё-ибо тимсоли бўлган аёл суратларини оламга улашавериши асло мақбул эмас.

Таассуфки, бугунги кунда куёв бола уйидаги янги кelinga ажратилган ясатиқлик хонадан тортиб, тўй маросимларигача, беточардан тортиб чимилдиқча бўлган ишларни суратларга михламоқда, у суратлар ижтимоий тармоқларда тинимсиз айланиб юрибди. Аслида,

махрамлик, авратга оид илоҳий кўрсатмалар ижтимоий тармоқларга ҳам тааллуқлидир. Яқинлари, оила аъзолари билан сайрга, овқатланишга чиққанини ижтимоий тармоқларда бўлишини солиҳа аёлга хос бўлмаган хусусиятдир. “Менинг кузатувчиларим фақат дўстларим, қариндош ва аёл танишларим” деган баҳоналар билан ўзингизни оқлашга уринманг. Ўзимизни, аҳли оиласизни, хатою камчиликларимиз, ютуғу мұваффакиятларимизни ўзгалардан, бегона кўзлардан асрарб-авайласак, уларни пардали ҳолатда тутсак, Аллоҳ ҳам хато ва қусурларимизни ёнади, неъматларимизга барака ато килади.

## БУ ҲАМ ЎТАДИ

Бир дарвеш узоқ сафарида ҳориб, бир қишлоқка тушибди. Қишлоқдагилардан ўзига егулик ва ёток берадиган бирор кимса бор-йўқлигини сўрабди. Қишлоқдагилар ўзларининг фақир ва уйлари торлигини айтиб, уни Шокир исмли бир кишининг ҳовлисига жўнатишибди. Дарвеш йўл-йўлакай қишлоқдагилардан Шокирнинг ўша атрофдаги энг бадавлат одамлардан бири эканини билибди. Ўша ерда Ҳаддод исмли яна бир бой бўлган экан.

Шокирнинг ҳовлисида Дарвешни жуда яхши кутиб олишибди. Унинг қорнини тўйдиришибди, чанқоғини қондиришибди. Дарвеш ҳатто ётиб дам ҳам олибди. Шокирбой ва унинг яқинлари меҳмоннавоз, бағрикенг инсонлар экан.

Дарвешнинг йўлга чиқадиган вақти бўлибди. У Шокирбойга миннатдорчилик билдириб хайрлашар экан, “Шундай бадавлат бўлганинг учун ҳар доим шукр қил”, – дебди. Шокир дарвешнинг елкасига қўл ташлаб жилмайибди:

– Ҳеч бир нарса шундайлигича қолмайди. Баъзан кўринган нарса ҳақиқат бўлиб қолмайди. Бу ҳам ўткинчи...

Дарвеш йўл давомида бу жумлани узоқ мушоҳада қилибди.

Орадан бир неча йил ўтиб, дарвешнинг йўли яна шу

қишлоққа тушибди. Шокирни эслабди ва уни бир кўриб ўтмоқчи бўлибди. Қишлоқдагилардан Шокирбойни сўрабди.

– Ҳааа, Шокирми? – дейишибди одамлар. – У жуда ҳам фақирланиб қолди, ҳозир Ҳаддоднинг ёнида ишлайти.

Дарвеш шу заҳоти Ҳаддоднинг уйига борибди ва Шокир билан учрашибди. Эски дўсти кексайган, эгнига эски-туски кийимларни илиб олган экан. Ерлари селдан катта зарар кўргани учун чорасиз қолиб, тошқин четлаб ўтган, ҳатто янада бойиб кетган Ҳаддоднинг ерларида ишлаётган экан. Шокир оиласи билан уч йилдан бери Ҳаддоднинг хизматкори бўлиб ишлаётган экан.

Шокир бу сафар жуда ғариб аҳволдаги уйида меҳмон килибди. Ва ўзлари қаноат қилаётган бор-йўғини дастурхонга қўйиб, дарвешга икром кўрсатибди. Хайрлашаётганда дарвеш Шокирга бўлган воқеалардан хафа бўлганини айтган экан, Шокирдан шундай жавоб олибди:

–Хафа бўлма. Буям ўтиб кетади...

Етти йилдан кейин дарвешнинг йўли яна шу томонларга тушибди. Ва сўнгги воқеаларни эшитиб ҳайратда қолади. Ҳаддод бир неча йил олдин вафот этган, оиласи бўлмагани учун бутун мол-дунёсини эски дўсти ва хизматкори Шокирга васият қилган экан. Шокир Ҳаддоднинг қўргонида яшар, унинг чексиз ерлари ва минглаб сигир-бузоқлари билан қишлоқнинг энг бадавлат одамига айланган эди.

Дарвеш эски дўстини бундай кўрганидан хурсандлигини айтганида яна ўша жавобни эшитибди: “Бу ҳам ўтиб кетади”.

Бир неча йил ўтиб дарвеш яна Шокирни кўрмоқчи бўлибди. Унга бир тепаликни кўрсатишибди. Тепада Шокирнинг мозори бор экан ва тошда шундай ёзилган экан: “Бу ҳам ўтади”.

Дарвеш “Ўлимнинг нимаси ўтар экан?” деб ўйлабди. Кейинги йил Шокирнинг қабрини зиёрат қилиш учун келибди. Лекин тепаликда қабр кўринмасмиш. Кейин суриштириб кучли сел келганини, тепаликни супуриб-

совуриб кетганини, Шокирнинг қабри ҳам текисланганини билиб, ўша саволига жавоб топибди...

Ўша йилларда юртнинг султони ўзига ҳеч кимда бўлмаган бир узук ясатмоқчи бўлибди. Шундай узук бўлиши керакки, султон тушкунликка тушганида унга қараб кўнгли кўтарилиши, хурсандчиликда эса буткул ўзидан кетиб қолмаслиги лозим. Яъни унинг доим мўътадил ҳолатда туришига ёрдам берсин.

Афсуски, ҳеч ким султоннинг истагини амалга оширадиган бундай узукни ясай олмабди. Бир куни султоннинг одамлари донишманд дарвешни топишибди-да, ундан ёрдам сўрашибди. Султон узук орзусидан ҳамон воз кечмаган экан. Дарвеш султоннинг заргарига бир мактуб ёзиб мурожаат қилибди. Сўнг қисқа фурсатда узук султонга тақдим этилибди. Султон аввалига ҳеч нарсага тушунмабди. Чунки бир қараганда бошқалардан фарқ қилмайдиган оддий ва жўн узук экан. Шу хаёlda узукка тикиларкан, устидаги ёзувга кўзи тушибди. Бироз ўйга ботибди ва юзида фавқулодда бир севинч балкибди. Узукнинг устида “Бу ҳам ўтади” деган ёзув қайд этилган экан...

Киссадан ҳисса: ҳаёт бир текис давом этадиган сафар эмас. Тушиш-чиқишлиари кўп. Ҳаёт йўлида давом этадиган ҳар бир кишининг “Бу ҳам ўтади” деган ёзувли узукка эҳтиёжи бор...

## ШОШИЛИНЧ ҚАРОР ҚИЛМАНГ

Бир қишлоқда кекса одам бор экан. Жуда қашшоқ эмишу, лекин қирол ҳам унга ҳасад қиласмиш. Фақир кексанинг тилларда достон бўлган оппоқ оти бор экан. Қирол шу отга эгалик қилиш учун чолга хазинасининг ярмини таклиф қилиб қилибди, аммо қария унамабди.

– Бу от мен учун фақат улов, жонивор эмас, дўст каби. Инсон дўстини ҳам сотадими? – дермиш доим.

Бир куни эрталаб уйғонишса, от йўқмиш. Бутун қишлоқдагилар қариянинг уйига тўпланишибди. “Эй эси-

паст чол, бу отни сенга қўйиб беришмасди. Ўғирлашлари аниқ эди. Ундан кўра қиролга сотсанг, умрингнинг охиригача шоҳона ҳаёт кечирардинг. Энди на пулинг бор, на отинг!” деб чолни маломат қилишибди.

Қария эса хотиржам қўл силкибди:

– Қарор беришга шошилманлар. Факат от йўқолган, деб қўяверинг. Чунки ҳақиқат шу. Ундан у ёғи сизларнинг изоҳингиз ва хукмингиз. Отимнинг йўқолиши омадсизликми ёки омадми – буни ҳам билмаймиз. Чунки бу воқеа бошланиши, холос. Ортидан нима келиши ни Аллоҳ билади.

Кишлоқдагилар қариянинг устидан кулишибди. Орадан ўн беш кун ўтибди. Бир кеча тўсатдан от ортига қайтиб келибди. Ҳолбуки, ўғирланмаган, ўзи ечилиб тоғларга чиқиб кетган, қайтишда водийдаги ўн иккита ёввойи отни ҳам ортидан эргаштириб келган экан. Буни кўрган ҳамқишлоқлари қариянинг ёнига келиб узроҳлик қилишибди:

– Ёшинг улуғ, ҳаётий тажрибанг кўп-да, сен ҳақ чиқдинг. Отингнинг йўқолиши сен учун баҳтсизлик эмас, ҳақиқатдан ҳам ҳам баҳт қушининг бошингга кўниши бўлди. Энди бир сурув отинг бор.

– Яна қарор беришда шошиляпсизлар, – дебди қария.  
– Фақат отнинг ортга қайтганини гапиринглар, бўлди. Бундан бошқа ҳақиқат кўринмаяпти. Ундан у ёғи нима келтиришини билмаймиз. Бу ҳали бошланиши. Биринчи жумланинг биринчи сўзини ўқибоқ китоб ҳақида узил-кесил фикр билдириш мумкинми?

Ҳамқишлоқлари бу гал қариянинг устидан очикойдин кулишмабди-ю, ўзларича: “Бу одам ҳақиқатдан ҳам аҳмоқ экан”, – деб қўйишибди. Орадан бир ҳафга ўтиб қариянинг ёлғизгина ўғли ёввойи отларни қўлга ўргатаётиб устидан йиқилиб оёғини синдирибди. Оила-ни боқаётган ўғил энди узоқ пайт ётоқда ётиши керак. Ҳамқишлоқлари келиб чолга “Яна сен ҳақли чиқдинг”, – деб ҳамдардлик билдиришибди.

– Шу отлар туфайли ўғлинг анча пайт юролмайди.

Холбуки, ўғлингдан бошқа боқувчинг йўқ. Энди аввал-гидан ҳам фақир, бечораҳол бўласан...

– Сизлар эрта қарор бериш касаллигига чалинибсиз, – дебди қария. – Шошилманглар. Ўғлимнинг оёғи синди. Ҳақиқат мана шу. Бошқаси сизнинг хulosангиз. Ҳаёт мана шунаقا кичик бўлаклардан иборат бўлади. Бундан кейин нима бўлишини ҳеч биримиз асло билмаймиз.

Бир неча ҳафтадан кейин юрга ёғий катта кўшин билан бостириб кирибди. Қирол қўли қурол тута оладиган бутун мамлакат ёшларини аскарликка олибди. Қишлоққа келган аъёнлар қариянинг оёғи синган ўғлидан бошқа ҳамма ёшларни аскарликка олиб кетишибди. Қишлоққа мотам чўкибди. Чунки урушда ғалаба қилишнинг имкони йўқ экан. Жангга отланган ёшларнинг ё ҳалок бўлиши ёки асир тушишини ҳамма билар экан.

Ҳамқишлоқлари яна қариянинг ёнига келишибди.

– Яна сен ҳақли чиқдинг, – дейишибди. – Ўғлингнинг оёғи синган бўлса-да, ёнингда. Бизнинг болаларимиз, балки, энди қишлоққа қайтмаса ҳам керак. Ўғлингнинг оёғи синиши толесизлик эмас, омадинг экан.

– Ҳали хулоса қилишга эрта! – дея кескин эътиroz билдирибди қария. – Холбуки, нима бўлиши ҳали ҳеч кимга аён эмас. Ҳамма биладиган биргина ҳақиқат бор: менинг ўғлим ёнимда, сизнинг болаларингиз аскарликда. Лекин буларнинг қай бири омад, қай бири толесизлик эканини фақат Аллоҳ билади...

Қиссадан ҳисса: дарҳол хулоса қилманг. Ҳаётнинг кичик парчасига қараб буткул қарор бериш оқиллик эмас. Хулоса – ақлнинг тўхташи. Хулосадан кейин ақл мулоҳаза қилишни, ривожланишни тўхтатади.

Шунга қарамай, ақл инсонни мудом хулосага мажбурлайди. Чунки ўзгаришлар таҳликали ва кишини беҳаловат қиласи. Холбуки, ҳаёт қайиғи асло тўхтамайди. Бир йўл тугаса, бошқаси чиқади. Бир эшик ёпилса, иккинчи эшик очилади. Бир мақсадингизга етсангиз, ўша ондаёқ янада катта мақсадни кўзлайсиз.

зат-  
сиз,  
ин-  
аёт  
тан  
ин-  
та-  
иб-  
ан  
и-  
ба-  
р-  
ир

и  
з,

з  
и  
:

## БИЛГИЛКИ...

Ҳаракат қилишдан, курашишдан, уринишдан чарчаб, жасоратинг синганида, билки, Аллоҳ барча уринишларингни кўриб, билиб турибди. Юрагинг тошни тешгулик бўлиб йиғлаётганида, билгинки, Аллоҳ кўз ёшларинг томчисини санаяпти. Ҳаёт тўхтаб қолгандай, вакт зарарингга юраётганини ўйласанг, билгинки, Аллоҳ сени кузатиб турибди. Орзуларинг яксон бўлиб, умидсизликка тушсанг ва ўзингни тинимсиз саволга тутиб нега бундай бўлганини сўраётган бўлсанг, билгинки, Аллоҳ жавобини билади. Сабабсиз қалбингда ғалати бир ҳузур ҳис этсанг, билгинки, Аллоҳ сенга шивирляяпти. Ҳамма нарсада омадинг кулиб, шукронা айтиш учун ҳар лаҳзада асосинг бўлса, билгинки, Аллоҳ сени қўлляяпти. Юрагингда тилаган барча орзуларинг рўёбга чиқса, билгинки, Аллоҳ сендан рози. Қаерда бўлсанг ҳам, нима қилсанг ҳам, нимани ўйласанг ҳам, билгинки, Аллоҳ сени билади, Ўзига таваккал қилсанг, сени ўз ҳолингга ташлаб қўймайди...

## СИНАГАНИНГ УЧУН ШУКР, АЛЛОҲИМ

*Инсоннинг озгина нарсага жуда хурсанд ёки хафа бўлишии унинг қалби заиф эканини билдиради.*

“Бир кун келиб менга берган бу ташвишлари учун Аллоҳга шукр қилишимни билардим”, – деган эди бир дўстим. Жуда мashaққатли кунларни бошидан кечирган эди у. Машаққатлар инсонга катта сабоқлар беришини узоқ муҳокама қилган эдик. Суҳбатимиз мобайнида битта изтироб ўргатганини минг қаҳқаҳа ўргатолмаслигига доир кўп мисоллар топган эдик.

Орадан икки йилча вақт ўтиб, дўстим ҳақлилигига гувоҳ бўлдим. Ўша кунларнинг изтиробли кўринган ҳодисалари унга қанча катта эшикларни очганини

кўриб, “Изтироб бериб синаганинг учун Сенга ҳамду санолар бўлсин, Аллоҳим!” дея шукроналар айтди. Ўша кунларда дўстимга қўйидаги ҳикояни жўнатган эдим:

## ФИНЖОН

*Синовлар бўлмаганида Раббимиз ҳузурига  
қуруқ қўл билан борган бўлардик.*

Кекса аёл қадимий буюмлар дўконидан харид қилган финжонини меҳмонхонасидаги идиш жавонига жойлаштирди. Финжон шу қадар чиройли, нақшлари гўзал, тасвирлари ёркин эдики, гўё оддий қўл иши эмас, нақсанъат асарининг ўзгинаси дейсиз. Аммо, шу билан бирга, бу чиройли буюмни унчалик қимматга харид қилмади. Аёл финжондан мафтун нигоҳларини узолмас эди.

Шу он кутилмагандага финжон тилга кирди:

- Менга маҳлиё бўлиб термуляпсан-а? Лекин мен бундай чиройли эмасдим, аслида. Бошимдан ўтказганларим, кўрган-кечирганларим мени шу ахволга келтирди.

Аёл ҳайратдан тош қотди. Қархисидаги қаҳва финжони гапирияптими?!

Зўрға ўзига келиб:

- Қанақасига? Тушунмадим!.. – деди аёл.

- Мен бир пайлари оддий лой эдим. Бир ҳунарманд келди. Мени қўлига олди. Эзғилади, тепди, қориштирди. Азобларга чидолмай: “Бўлди! Илтимос, тўхтат!” деган пайларим бўлди. Уста кулимсираб: “Йўқ, ҳали бироз бор”, – деди. Кейин мени тахта устига қўйди. У ерда ҳам айландим, айланавердим. Бошим гувраниб кетди. Яна ҳайқирдим: “Илтимос, мени бу ердан қутқар! Энди чирлирак бўлишни истамайман!” Уста эса яна табассум қилди: “Вакти келмади!” Шундай деб мени оловга қўйди. Хумдоннинг оғзини ёпиб, оташни кучайтирди. Хумдон туйнугидан кўриб турардим уни. Олов тафтига чидаёлмадим. Мени ёқиб ўлдирмоқчи деб ўйладим. Хумдон деворларини ура бошладим. “Уста! Илтимос, бу ердан

Иймон  
чиқар  
тушг  
Б  
таш  
дим  
мўйл  
юрг  
уста  
воб  
**хум**  
деб  
ме  
ги<sup>л</sup>  
во<sup>ј</sup>  
ди  
ду<sup>н</sup>  
ни<sup>н</sup>  
на<sup>н</sup>  
ус<sup>н</sup>  
к<sup>и</sup>  
к<sup>и</sup>  
в<sup>и</sup>  
и<sup>и</sup>  
ж<sup>и</sup>  
и<sup>и</sup>  
и<sup>и</sup>

чиқар мени!” деб бақиришга түшдим. Түйнүқдан күзим тушганида уста яна кулимсираб ўтирган эди: “Вакти бор!..”

Бирор соат хумдонда қолиб кетдим. Сүнг уста мени ташқарига чиқарди. Хотиржам нафас ола бошладим. Уста мени иш столи устига күйди ва бүек билан мүйқалам олиб келди. Мүйқаламни сиртимда охиста юргиза бошлади. Қитигим келиб қиқирладим. “Бўлди, уста, бўлди, қитигим келянгти!” дедим. Уста яна ўша жавобни берди: “Ҳали эмас!” Сүнг мени охиста тутиб, яна хумдонга яқинлашиди. “Йўқ, мени яна хумдонга тикма!” деб бақирдим. Кўрқувдан ўлаёздим. Хумдонни очиб мени ичкарига отди ва қопқоқни ёпиб, оташни аввал гидан икки ҳисса орттириди. Түйнүқдан қараб устага ёлвордим. Аммо ундан фақат ўша табассум ва жавобни олдим. Фақат бу гал устанинг ёноғида бир томчи кўз ёши думалаганини кўрдим. Охирги сонияларимни яшаётганимни ўйлаётганимда хумдон туйнуги очилди ва устанинг узун бармоқлари мени ташқарига тортиди. Чукур нафас олдим. Ўзим кутган хотиржамликка эришдим. Уста мени энг баланд пештахтага кўйди ва сўради:

– Энди худди истаганимдай бўлдинг. Ўзингни кўришни истайсанми?

Тасдиқ ишорасини бердим. Кўзгу келтирди. Кўзларимга ишонмасдим. Ойнага қайта-қайта қарадим ва “Бу мен эмасман-ку! Мен бир парча лой эдим...”

– Бу айнан сенсан, – деди уста. – Сен изтироб ва машакқат деб билганларинг таъсирида шундай гўзал финжон ҳолига келдинг! Агар лойлигингда обдон ишламасам, қуриб кетардинг. Дастроҳда айлантирмасам, уваланиб тупроқ бўлардинг. Қайноқ хумдонга тиқмасам, пишмадинг. Бўямасам, ҳаётингда ранг бўлмасди! Лекин сенга ҳақиқий куч ва қувватни иккинчи марта хумдонга кирганинг берди. Энди сенда мен орзу қилган ҳамма нарса бор.

Шу онда лой парчасидан финжонга айланган – менинг тилимдан учайтган сўзлар ўзимни ҳам ҳайратга солди: “Устам! Сенга ишонмаганим учун мени кечир! Менга зарар етказасан деб ўйлагандим. Мени мен-

дан ортиқ яхпи күриб, яхшилик қилмоқчилигингни, қадримни, нархимни оширмоқчилигингни билмадим! Калта ўйлагандим, аммо ўзимни муҳташам санъат асары шаклида күриб сенга таъзим этаман! Мен қайғу ва машаккагет деб билғанларимни менга раво кўрганинг учун миннатдорман! Миннатдорман!”

Хунарманд ұста идишни, Аллох таоло инсонни машаккаттарда тоблаб мукаммал шаклга келтиради.

Каҳринг ҳам, лутфинг ҳам – хүш, дейишни ҳаммамиз ҳам ўғрансак зди...

### Иқтибос

Тонгни қалбдан севганлар тунни ҳам қадрлайдилар. Висол учун йўлга чиққанлар сафар мاشаққатлариға сабр киладилар. Йўлдаги қийинчиликлар висол ҳаловатидан нишона. Сафар машаққатини рад этмоқ – висолни рад этмоқ. Зулматга тоқат қилмаганларнинг ойдинлиги бўлмайди. Муаммо бўлмасин дегани – ҳеч нарса керак эмас, деганидир.

|       |    |
|-------|----|
| Иймон | ві |
| умиди |    |
| қадам |    |
| Ке    |    |
| лани  |    |
| ясади |    |
| кути  |    |
| бир   | и  |
| мула  | Б  |
| амм   |    |
| кўр   |    |
| шўј   |    |
| ва    |    |
| суъ   | ме |
| ва    |    |
| ш     |    |
| б     |    |
| с     |    |

## МАШАҚҚАТЛАР ИНСОННИ ТОБЛАЙДИ

Айниқса, ёшлигига жиддий ташвишларни бошдан ўтказган ва барча машаққатларга қарамай, ҳаётга тик қараган, воз кечмай мужодала этишда давом этган инсонлар бошқалардан кўра кучлироқ бўладилар. Жисмоний машқлар мушакларни бақувват қилса, руҳий машаққатлар руҳни кучли қиласи.

## МУСИБАТДА ЯШИРИН АРМУГОН

Бир куни катта уммонга йўл олган кема ҳалоқатга учраб чўкиб кетди. Кемадан фақат биргина инсон тирик чиқди. Тўлқинлар уни кичик, одам оёғи етмаган бир оролга суриб кетди. Тирик қолган киши илк кунлар бу ердан соғ-саломат чиқиши учун Аллоҳга ёлворар, ёрдам

умиди билан осмондан кўз узмасди. Аммо у ерлар одам қадами етадиган жой эмасди.

Кейин шамол, ёмғир ва вахший ҳайвонлардан ҳимояланиш учун дараҳт шохлари ва япроқларидан бир кулба ясади. Соҳилдан тўлқинлар чиқариб ташлаган консерва қутилари, компас тониб келиб кулбага қўйди. Кунлар бир маромда ўтарди. Балиқ овлаб пишириб ер, уфққа термулар, бу ердан халос бўлиш учун Аллоҳга ёлворар эди.

Бир куни ичиш учун чучук сув олиб келгани чиқди, аммо ортига қайтганида кулбаси олов ичида қолганини кўрди. Тутун буралиб-эшилиб кўкка ўрлаётган эди. Бу шўрлик одамнинг бошига тушган оғир мусибат эди. Алам ва ғазаб билан бўзлади. Энди бу зулмат оролда бошини суқадиган бир бошпанаси ҳам йўқ эди. “Аллоҳим, нега мени бу ҳолга солдинг?” дея фарёд килди. Ўша тунни алам ва қайғу билан ўтказди. Шунча дуо қилганига қарамай, бошига келган бу мусибатни ўйлаб тушкунликка тушди.

Эртаси куни ғира-шира тонг маҳали оролга яқинлашган бир кеманинг чақирув овозидан уйғониб кетди.

– Менинг бу ердалигимни қаердан билдингиз? – дея сўради ҳорғин одам ўзини қутқарганлардан.

Жавоб уни ҳам ҳайратлантириди, ҳам уялтириди:

– Тутун билан ишора берганингизни илғадик!..

## СУКУТ ҚИЛ, КЎНГЛИМ

*Сукут гапиришдан кўпроқ куч талаб этади.*

Сукут қил, кўнглим. Ичингдагини тилга чиқараверма. Тилга чиқарсанг, кўнглинг жўшаверади, хавотир ортаверади ва кутиш янада қийин бўлади.

Сукут қил, кўнглим. Кўп гапирма. Камроқ сўйлаки, ишимиз олдинга силжисин. Оз сўйлаки, Ҳаққа қарши янглиш калом чиқмасин.

Сукут қил, кўнглим. Бир алиф миқдорича сукут. Баҳорга оз қолди. Чида, кўнглим. Денгиздаги кўринмас тўлқинларга ўхшайсан, биламан. Кутишдан бошқа чорамиз бўлганида, сени тўхтатмасдим, ишон менга. Лекин

бошқа чорамиз йўқ. Унутмаки, дори ҳам куттириб таъсир қилади, ҳатто гул ҳам вактидан аввал очилмайди.

Сукут қил, кўнглим. Бу қиши баҳорга дўнгунча. Бу кечча күпидуга айланғунича. Узоқ йўллар яқинланғунча. Ен ташвишинг ортидан фарогат келгунча. Ва юзимиз дийдор ешлари билан намланғунча...

Сукут қил, кўнглим. Сени сендан ҳам яхши билган Раббининг ҳукми воқеъ бўлгунга қадар. Насибанг келгунни қадар. Эришмаганинг сенинг насибанг эмаслигини билганинг қадар сукут қил.

Сукут қил, кўнглим. Унинг келишини кўргунинг қадар Аччикининг болга айланганини билганинггача. Унинг кўнглини сенинг кўнглингга муҳаббат риштаси билан боғланганини кўргунинггача.

Сукут қил, кўнглим. Сабаблар асос бўлгуни қадар. Бахоналар топилгунича, бир-биrimизнинг қисматимиз бўлганимизни билгунимизгача сукут қил.

Сукут қил, кўнглим. Бу сукутингга жавобан ҳамма нарсанинг хайрлиси бўлишига ишониб сукут қил.

Сукут қил, кўнглим. Ҳар сукутинг жавоб бўлсин. Ҳар сукутинг сабринг бўлсин. Ҳар сукутинг duo бўлсин. Калдан ёлвориш бўлсин сукутинг. Кутиш, умидворлик, ишонч ва муҳаббатнинг таъкиди бўлсин сукутинг.

Сукут қил, кўнглим!..

### Иқтибос

“Ҳамма нарсага кучи етган, ҳамма нарсани билган, қудрати чексиз бўлган, мени эшитган, қалбимдан ўтаётганлардан хабардор, мени мендан ҳам яхши билган Қудрат бор ва бу Қудрат мени ҳимоя қилади” дея ўйлаб, илоҳий мададга ихлос қилган инсон руҳини маънавий бошпанага жойлаштирган ва ҳаловат қозонган киши ҳисобланади. Илоҳий Қудратга ишониш инсонга табиий равишда бошқароимайдиган ҳолатларда, ўзини заиф ва ожиз ҳис қилганида тасалли беради. Диннинг таскин бериш қудрати ҳам шу ерда ёрдамга келади.

**Профессор Навзот Тарҳон**

Ийм  
Т  
би  
ме  
га  
ке  
ш

К  
к  
к  
с  
и  
з  
:

## ТУШКУНИЛККА ТУШГАННИНГ ИЙМОНИ ШУБҲАЛИ...МИ?

Оз, аммо соз гапирадиганлар бор. Отам ҳам уларнинг биттаси. Алоҳида яшаганимиз учун бу хос сухбатлар мен учун янада қисқа бўлади. Бироз аввал бир ғалати гап айтди, жим бўлиб қолдим. Анча пайт хаёлимдан кетмади бу гап: “Тушкунликка тушганнинг иймонидан шубҳа қиласман!”

Тушкунликка доир китобларни кўп ўқиганман. Қолаверса, вақт-вақт билан ўқувчиларимга “Тушкунлик нима?” деган мавзуда семинар-дарслар ташкил қиласман. Шу сабабли ҳам тушкунликка тушган одамнинг иймонида шубҳа бўлиши ҳақидаги гап мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Кўп вақт миямда айланиб юрди. Асримизнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлган руҳий зўриқиши ҳақида бунчалик аниқ ва кескин иборани эшитмагандим.

Бир куни бирдўстим ҳаётдаги муаммолар, машаққатлар ҳақида гап бошлаган эди, мен руҳий зиқлиқ ва депрессия ҳақида билганларимни гапиришга тушдим. Дўстим ҳам ўзи гувоҳ бўлган ҳолатларни мисол қилиб, фикрларими ни тасдиқларди. Гап орасида отамнинг ўша гапини айтдим. “Жуда тўғри гап! – деди дўстим. – Ҳатто киши руҳий зиқлиқ туфайли хасталаниб қолса, Аллоҳнинг ҳузурида бунинг ҳам жавобини беради!”

Руҳий зиқлиқ муаммолар учун ҳаддан ортиқ қайғуриш, асабийлашиш маъносини билдиради. Муаммоларни ўйлаб ташвиш чекиш тушкунлик келтиради, тушкунлик эса одамни касал қиласди.

Руҳан зиқ bemор касаллиқдан азият чекаётганидан ташвишланади. Тушкунликка тушиб дард устига дард ортиради.

Яна бирор оиласи билан зиддиятларга учраётганидан эзилади.

Кимдир болаларининг тарбиясида оқсаётганидан ташвишланади.

Бирор моддий муаммолардан бўғилади.

Бирор атрофидагилар ўзини тушунмаётганидан сиқилади.

Бирор яқинларидан бирини тупроққа қўйса, ҳаётдан хафа бўлади.

Ҳаётда муаммо қиласиган, ташвишиланадиган жуда кўп нарса бор. Ҳамманинг муаммоси, дарди ўзига етгулик.

Тушкунлик билан иймон ўзаро қанчалик боғлиқ?

Ҳаёт ташвишилари ҳақида гап кетганда ҳаёлимга пайғамбарлар келади. Аллоҳ набийлар қиссасини бизга қайта-қайта нега эслатади, биласизми? Ўқиб, ибрат олишимиз учун! Пайғамбарларнинг ҳаётидан айрим мисолларни келтириб, сизга савол бермоқчиман.

Айюб алайҳиссаломни беморлик билан синаган Аллоҳ бизни ҳам худди шундай имтиҳон қилиш ҳакига эга эмасми? Беморлигини ўйлаб ташвишланаётган одам “Аллоҳим, нега мени дард билан имтиҳон қиляпсан?” дея маломат қилаётган бўлмайдими?

Нух алайҳиссаломни ўғли билан имтиҳон қилган Аллоҳ сизни фарзандларингиз билан синамасинми?

Иброҳим алайҳиссаломни отаси билан синаган Аллоҳ сизни отангиз билан синамасинми?

Лут алайҳиссаломни хотини билан синаган Аллоҳга “Мени нега жуфтим билан имтиҳон қиласан?” дейиш учун маънавий ҳуқуқим бор деб ўйлайсизми?

Юсуф алайҳиссаломни туғишганлари билан имтиҳон қилган Аллоҳ, балки, сизни ҳам қондошларингиз билан синаётгандир?

Барча пайғамбарларнинг ҳаёти муаммо ва ташвиш – имтиҳонлардан иборат бўлганини ҳисобга олсак, бизнинг ҳаётимизда ҳам муаммо ва синовлар бўлиши оддий ҳолдир.

Отаси ёки онасидан айрилганида тушкунликка тушганлар Аллоҳга “Менинг онамни ёки отамни нега оласан?!” деб иддао қилишга маънавий ҳақлари борми?

“Фарзанд доғи катта дард” дейдилар. Бу дарддан азият кўрган ота-оналар “Аллоҳ фарзанд доғини ҳеч кимга кўрсатмасин!” деб илтижо қиласидилар. Ҳолбуки, олам-

аётдан  
Да кўп  
ик.  
ξ?  
имга  
биз-  
брат  
тим

зган  
сига  
дам  
т?!"

тан  
ох  
га  
ш

н  
н  
и  
.

ларга раҳмат қилиб юборилган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни фарзанд додидан ҳимоя қилмаган Аллоҳ бизни бу дарддан ҳимоя қилишини шарт ўлароқ қўйишга ҳақимиз йўқлигини мулоҳаза қилғанмизми? Беш марта фарзанд доди билан синалган Пайғамбарнинг уммати эканимизни билишишимиз керак.

“Биродар, улар Пайғамбар, биз оддий одамлармиз!” дея эътиrozга шоншилманг. Пайғамбарлар ҳам биздай ўксиган, йиглаган, Аллоҳга сифинган инсонлар. Аллоҳ та-оло хос сифатлар билан сийлагани ва танлагани у зотлар “инсонга хос изтиробларга таъсирсиз бўлган” деган маъ-нони билдиримайди. Бизнинг вазифамиз – ҳаётни тўғри тушуниб қабул қилиш. Пайғамбарларни дарду изтиро-блар, ғам-қайғудан йироқ тутмаган Аллоҳ бизни ҳам таш-вишлардан холи яшатмаслигини унутмаслигимиз керак.

Тушкунлик ва иймон орасидаги боғлиқликни ўйлаб юрган кезларим эди, қаердадир бир жумлани ўкиб қолдим. Ва саволларимга жавоб топгандай бўлдим. Кўнглим ёришди. Бу сўзлар мен излаган олтин калит эди. Уларни сизга ҳам тавсия қиласман: Қачон бир дунё-вий дард сизни изтиробга солса, Раббингизга юзланиб: “Менинг буюк дардим бор!” деманг, аксинча, дардин-гизга қараб: “Менинг буюк Раббим бор!” денг.

## НЕГА БУНЧА ТУШКУНСАН?

Иброҳим алайҳиссалом каби оловга ташландингми?  
Закариё алайҳиссаломдек арра билан арраландингми?  
Юсуф алайҳиссаломдек қудуқقا ташландингми?

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдек Тоифдан тошбўрон қилиб қувилдингми? Намоз ўқиётганингда бошингга ичак-чавоқ ағдарилдими? Тишинг синдими? Юзингга турилдими? Юрtingдан қувилдингми? Сев-ганларингдан айрилдингми?!

Нега тушкунсан?

Ҳазрати Ҳамза розияллоҳу анҳу каби қулоғинг ва бурнинг кесилдими?

Мусъаб ибн Умайрдек қўлларинг кесилдими?

Жаъфар ибн Абу Толиб каби ўқ, камон ва қиличдан жароҳат отдингми?

Аммор, Сумайя, Ёсир розияллоҳу анҳулар каби ис-  
канжа ва қийнокларга душ келдингми?

Билот розияллоҳу анҳу каби оташдай кумларга  
стикритиб, устингдан тошлар қўйилдими?

Нега тушкунсан?

Қонг атайхиссалом каби денгизга отилдингми?

Айнаб атайхиссалом каби жисмингга яралар тошиб  
кетдими?

Нега бунча ғамгинсан?

Қайғурмокчи бўлсанг, намозни қазо қилганинг учун,  
такажжулга туролмаётганинг учун, бирорга озор берга-  
нинг учун, душанба, пайшанба рўзаларини тутолмаёт-  
ганинг учун қайғургин.

Ғамгин бўлсанг, бугун Аллоҳ учун хеч нарса  
қилмаганинг учун, Аллоҳ ва Расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи васалламни мамнун қилолмаганинг учун ғамгин  
бўл.

Қайғурсанг, бир фақирга ёрдам беролмаганинг учун,  
бир етимнинг қўлидан тутолмаганинг учун қайғур.

Ғамгин бўлсанг, дунёда бир бурда нон тополмаётган,  
касалликлар билан курашаётган инсонлар учун ғамнок  
бўл.

Қайғурсанг, Қуръони Каримни ўқиб, уни ҳаётингга  
татбиқ қилолмаётганинг учун қайғур.

Хафа бўлсанг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васал-  
ламни жонингдан, молингдан, яқинларинг, туғишган-  
ларингдан ортиқ севолмаганинг учун хафа бўл!

Қайғурсанг, ҳақиқий маънодаги банда, Набий  
соллаллоҳу алайҳи васалламга чин уммат бўлолмаёт-  
ганинг учун қайғур, у зотнинг шафоатларига ноил бў-  
лолмаслигингдан қўрқиб қайғур!

Балки, “Бўлди, бас!” дерсан?

Балки, ўзингни йўқотиб қўйгандирсан?

Балки, йиглаётгандирсан?

Балки, бу мусибатларнинг сўнгида нимага эришганингни нимадан қуруқ қолганингни ўйлаётгандирсан...

Кулоқ тут, Раббинг сенга гапирияпти:

“Сабр қилғувчиларга, мусибатларга тоқат билан кўксини тутганларга ҳисобсиз ажру мукофотлар берилади...”

Балки, шунча инсон орасидан нега айнан сен танланганингни сўрарсан?.. Унутма, Раббинг танлаганлар қийматлидир...

Ҳаёт имтиҳон эмасми?

Хар бир муаммо – абадий ҳаёtingдан жой олган бир гишт. Нафас олган-чиқарган ҳар бир лаҳзанг бир муаммога ҳомиладор. Улар бўлмаганида, охират диёрида сенга тешили ҳеч нарса бўлмасди.

Аслида, ташвишлар бўлмаса қайғур. Дардинг бор экан, Унга яқинсан. Аллоҳ азза ва жалла кимга яхшилик истаса, уни дард билан имтиҳон қиласди.

Унутма, Раббинг ҳеч кимга тоқатидан ташкари юк юкламайди. Балки, юрагинг оғриётгандир, балки, вужудинг. Балки, рухинг азобланадаётгандир. Балки йўқсилликда қийналаётгандирсан? Балки, бошқа минг бир турли муаммолар... Ҳар қандай ахволда бўлсангда, тилингга бу дуо ярашади: “Ё Раббим, Сени рози қилмайдиган ишларни қилган бўлсам, мени мағифират қил! Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ! Сен барча нуқсонлардан поксан! Шубҳасиз, мен ўз-ўзимга зулм қилдим! Мени кечир. Дард берган ҳам Ўзингсан, Дармоним ҳам Ўзингсан!..”

## ҲИКМАТ

Ҳаёт қозонида қайнаб-қайнаб пишган, мاشақкат ва қийинчиликларда обдон тобланган, баҳтсизликлар чангалидан баҳтини тортиб олиб саодатга эришганлар билан бўлинг. Чунки улар баҳт ва шодлик қийматини жуда яхши биладилар.

## ДУОГА ЖАВОБ

Луо қиғыб Аллоҳдан күвват сұрадим. Раббим мени  
күтіпшіліктеришиң үчүн машақкатлар берди.

Аллоҳдан хикмат сұрадим. Мавлом менга ечимини  
топишшім үчүн мұаммоларни берди.

Баюк Рәззекдан бойлик истаб дуолар қилдим. У мен-  
гінде үшінші басирот (калб күзининг очиқлигини) берди.

Күпратты Раббимдан жасорат сұрадим. У менга усти-  
лан галаға қозонишшім үчүн таҳликаларни берди.

Аллоҳдан меңх сұраб ёлвордим. У менга машақкатли  
күнтарла қүтини чұза оладиган инсонларни юборди.

Аллоҳдан ёрдам сұрадим. У менга имконларни берди...

## ХИКМАТ

Еши үтүт танишларимдан бири отаси хақида шун-  
дай дейди: “Отам раҳматли жуда тақводор, Аллоҳдан  
көркадиган, биз – фарзандларига яхши тарбия берган,  
хақиқий комил инсон эди. Баъзан Аллоҳға йиғлаб илтижо  
килиб: “Парвардигорим, негадир менинг болаларимга  
ташвиш, мұаммоларни юбормаяпсан. Мен ва фарзанд-  
ларимни синовларинг билан йүқламаяпсан. Наҳотки,  
бизни үз ҳолимизга ташлаб қўйган бўлсанг?” дер эди.  
Биз: “Отажон, нега бунақа дейсиз? Ахир, фаровон, тўқис,  
муаммосиз яшаш маза-ку!” дея хафа бўлганимизда,  
отам: “Болам, одам боласи қийинчиликлар, ташвиш-  
лар билан покланади, Аллоҳга яқин бўлади. Ҳамма иши  
жойида, бегам яшаёттганларнинг оғир синов бўлади.  
Мен сизларга охири оғир синовни эмас, охири хайрли,  
роҳат-фароғат бўлган тақдир истайман”, – дер эди...

## ДУРАДГОР

Кекса дурадгор нафака ёшига етганида раҳбарига  
ишдан бўшаб, оиласи ва набиралари даврасида  
яшамоқчилигини айтди. Раҳбари дурадгордан сўнгги  
хизмат вазифасини бажаришини сўради. Сўнгги бор

|   |     |
|---|-----|
| и | ймо |
| б | и   |
| и | р   |
| с | и   |
| и | ф   |
| у | и   |
| у | ч   |
| е | т   |
| и | и   |
| и | к   |
| и | и   |
| и | а   |

бир уй тиклашини истади. Дурадгор рози бўлди ва ишга кириши. Лекин астойдил ишиланини истамагани учун сифатсиз маҳсулотлар билан қўл учиди уйни тиклади. Уй битгач, иш берувчи буюртмасини кўздан кечириш учун келди ва ташки эшик калитини дурадгорга бериб:

– Бу уй сизники! – деди. – Шунча хизматларингиз учун сизга менинг ҳадям бўлсин!

Дурадгор ҳайратдан қотиб қолди. Уятдан лов-лов ёна-ётган юзини яшириш учун бошини ердан кўтаролмади. Уйни ўзи учун қураётганини билганида шундай қиласмиди?

**Киссадан ҳисса: ҳар доим зиммангиздаги вазифани вижданан бажаришга ҳаракат қиласверинг, асло кам бўлмагайсиз!**

## ДУО МУОЛАЖАГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

*Баъзилар: “Дуо қилишидан бошқа иложимиз қолмади”, дейшишади. Во ажаб! Аслида, бундан кўра кучли нарса борми дунёда?!*

Замонавий тиббиёт кейинги эллик йилда ақл бовар қилмас даражада ривожланиб, ҳар қандай дардан халос бўлиш умидини беряпти. Соҳа мутахассислари ҳам бизнинг узок умр кўришимиз учун изланаётганини иддао қилмоқдалар. Аммо шунга қарамай, кейинги пайтларда тиббий муолажага муқобил равишда руҳий қувват, дуо, маънавий муолажа кабиларни ҳаммамиз катта қизиқиши билан кузатяпмиз.

Дуо нима? Дуо билан даво ўзаро боғлиқлигини тиббиёт ходимлари қандай изоҳлашади? Замонлар оша ривожланиб бораётган замонавий тиббиёт муолажалирига қарамай, дуо ва иймон муолажасида бизга шифо бўладиган нима бор? “Исташ”, “талаб қилиш”, “илтижо” маъноларини билдирадиган дуо бизга қандай эшикларни очади, уларни бир қур кўздан кечирамиз. Дуо орқали

Энг олдин бизга шифони ваъда қилган Аллоҳ таоло билан руҳий мулодотга киришамиз. Хасталик – ожизлигимиз, муҳтожлигимиз белгиси. Ожизлик инсонни самимийликка йўналтиради. Самимият эса муҳаббат ва баракадир. Бу руҳиятда инсоннинг кўнглидан кечгандари тилига келади ва табиий равишда мияда айрим гормонлар секрециясини ишга туширади. Бош асаб тизими ва ички секреция безлари бу модда ва гормонлардан ижобий таъсир қилиши жуда кўп тадқикотлар натижасида аниқланган. Мия ва онгда пайдо бўладиган бу ўзгаришлар тўқима ва тана аъзоларимиз учун биз холимизга келтирмаган шифоларга васила бўлади. Дуо ўз таъсири билан йўқликка қараб бораётган инсон танасини сокинлаштирувчи ҳимоя деворига ўхшайди. Фарб оламида эътиқод ва ишонч бир қанча касалликларни даволашда қўлланилмоқда. Инсон руҳи иймондан қувват олиш билангина тетиклашади. Бир сўз билан айтганда, дуо – руҳий муолажа. Кўп сонли тадқикотлар ҳануз давоси топилмаётган саратоннинг баъзи турларида тиббий муолажалар дуо билан биргаликда олиб борилганида, иммун тизими қувватланиб, bemorlar соғайганини кўрсатмоқда.

Ўтган йилларда Amerikan Duke университетида ўтказилган тажрибада мусулмон, масиҳий, яхудий ва буддавийлардан иборат оғир хасталикка учраган беморларнинг яқинларидан хасталар ҳақига дуо қилиш сўралди. Беморлар ва шифокорлар бундан бехабар эдилар. Олти ойдан кейин ҳақига дуолар қилинган гуруҳда бошқалардан кўра оз ўлим қайд этилди. Ўтказилган тиббий-илмий тадқикотлар шуни кўрсатдики, инсон гўшт ва суяқдан бошқа яна ўзига хос хусусиятлар билан яратилган. Бир касаллик ҳар бир инсонда турлича кўринишда намоён бўлади ва муолажа натижаси ҳам айрича бўлади. Айни дори бир беморнинг соғайишига сабаб бўлса, бошқа бир беморга салбий таъсир қилиши ва ҳаттоқи ўлимга ҳам олиб бориши мумкин. Бу каби мисолларни кўплаб келтирса бўлади. **Бутун опимлар-**

иимон  
ни в  
кудр  
ҳики  
бар  
бер  
ваъ  
айғ  
Яхі  
ши  
бў.  
ке  
ва  
ш  
Х  
б  
я  
ҳ  
и

ни ва бизни йўқдан бор қилган буюк Раббимиз яратиш қудрати каби шифо қудратига ҳам эга эканини бизга ўз ҳикмати билан уқтиради. Аллоҳ таоло ўлимдан бошқа барча дардларнинг давосини яратганининг хабарини берган. Шунинг учун шифо излаётганимизда илоҳий ваъдани унутмаслигимиз керак. Замонавий тиббиёт ҳам айнан мана шу нарсани тан олишига мажбур бўляпти. Яхши биламизки, ҳар қандай касалликни даволашда шифокор ва бемор сухбати аҳамиятли. Дардан фориғ бўлиши учун бемор шифокор ва муолажага ишониши керак. Шифокор беморнинг соғайиши учун зарур тавсия ва маслаҳатларни бериши муҳим аҳамиятга эга. Мана шу уч нарса муолажа ва шифо топишга ёрдам беради. Ҳозирги кундаги билимларимизга кўра, замонавий тиббиёт борган сари жиддий эътибор қарататётган дуо муолажасида ҳануз ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бошқа сирлар ҳам бўлиши мумкин. Бунга энди Аллоҳ таолонинг қудрати ва изни билан вақти келганда иқрор бўламиз.

## ҲАЁТДАН НИМАЛАРНИ ЎРГАНДИМ?

### *Мавлонодан:*

Сўнгиз қоронгулик ичидан туғилдим. Ёруғликни кўриб чўчилидим. Йиғладим. Вақт ўтиб ёруғликда яшани ўргандим. Қоронгуликни кўрдим, қўрқдим. Вақти келиб мангу қоронгуликка севганларимни жўнатдим. Йиғладим...

Яшани ўргандим. Туғилиш – ҳаётнинг сўнгига қўйилган бошланғич одим эканини, орадаги муддат ўлимдан тортиб олинган вақт эканини ўргандим. Вақтни ўргандим. У билан мусобақалашдим. Вақт билан мусобақалашиб бўлмаслигини, фақат у билан ҳисоблашиш мумкинлигини ўргандим.

Инсонни ўргандим. Кейин инсонлар ичida яхши ва ёмонлари борлигини... Сўнг ҳар бир инсоннинг ҳам ичida яхшилик ва ёмонлик борлигини ўргандим.

Севишни ўргандим. Кейин ишонишни. Сўнг эса ишонч севгидан ҳам мустаҳкамлигини, севги ишончнинг мустаҳкам асосидан бунёдга келишини ўргандим.

Инсон жисмини ўргандим. Яна инсон жисмида руҳ борлигини... Сўнг эса руҳ аслида жисмнинг устидалигини ўргандим.

Оламни ўргандим. Кейин оламни ёритиш йўлларини ўргандим. Кейин оламни ёритиш учун аввал атрофими ни ёритишим кераклигини ўргандим.

Нонни ўргандим. Кучли бўлиш учун кўп нон топиш кераклигини ўргандим. Кейин нонга ҳақ йўл билан эришиш кўп нон топишдек муҳим эканини ўргандим.

Ўкишни ўргандим. Сўнг ёзишни ўргандим. Ва бироз муддатдан кейин ёзув менга ўзимни ўргатди...

Кетишни ўргандим. Кейин эса чидолмай қайтишни ўргандим. Ундан кейин ўзимга парво қилмай кетишни...

Дунё билан курашишни ёшлигимда ўргандим. Кейин оломон билан бирга юриш фикрига бордим. Сўнгра ҳақиқий юриш оломонга қарши юриш эканини англа-дим.

Ўйлашни ўргандим. Сўнг қолипга тушиб ўрганишни ўргандим. Кейин эса соғлом мушоҳада қолиплардан чиқиб мулоҳаза қилиш эканини ўргандим.

Ориятнинг муҳимлигини ўргандим. Сўнгра маҳрумдан орият кутишнинг орсизлик эканини, ҳақиқий орият гуноҳ қўлининг остида бўла туриб, гуноҳга қўл теккизмаслик эканини ўргандим.

Ҳақиқатни ўргандим бир кун. Ва ҳақиқатнинг аччиқ бўлишини англа-дим. Кейин меъёрдаги қалампир овқатга лаззат берганидек, аччиқ ҳақиқат ҳам ҳаётга маъно беришини тушундим.

Ҳар бир жон ўлим шарбатини тотишини, аммо фақатгина айримлар ҳаёт таъмини тотишини англа-дим...

## КОМИЛЛИКНИНГ ҚИРҚ ҚОИДАСИ

Атрофдагилар билан муносабатнинг ўзига яраша қонун-қоидаси бор. Комил инсон бу қоидаларни яхши билиши керак. Аллоҳга, пайғамбарларга, саҳобалар, салафи солихлар, ўтмишдаги буюк шахслар, устозлар, дўсту биродар, оила аъзолари, болаларга хос бўлган муомала одоби бор. Қуйида комилликнинг қирқ одобини баҳам кўрдик.

1. Ҳар бир мўминни биродар билинг ва биродарлик муносабатини ўрнига қўйинг.

2. Қийинчиликда ҳам, енгилликда ҳам, танглик ва фаровонлиқда бир хил ҳолатда бўлинг.

3. Барча маҳлукотга: жониворларга, инсонларга, жумладан, кексалар ва болаларга меҳр-шафқат билан хизмат қилинг.

4. Инсонлар сизга қандай муносабатда бўлишини истасангиз, уларга шундай, ҳатто ундан-да яхши муносабатда бўлинг.

5. Ўзингизга право кўрганни биродарингизга ҳам право кўринг.

6. Бошқаларнинг манфаатини ўз манфаатингиздан устун қўйинг.

7. Нафсингизга душман бўлинг. Нафсга ҳаромроҳатни маън қилинг.

8. Кам енг, кам ухланг, кам гапиринг, лағв ва бехуда ишларни тарк қилинг.

9. Буюрилганларга амал қилинг, маън этилганлардан сақланинг.

10. Кин тутманг, ҳасад қилманг, золимга душман бўлинг.

11. Суннатларга қатъий амал қилинг. Макруҳларга яқинлашманг.

12. Қариндошлиқ ришталарини узманг. Марҳаматли бўлинг, зиддиятлардан қочинг.

13. Сабрли бўлинг. Гуноҳ ишлардан ташқари ҳар доим дўстларингизни қўллаб-қувватланг.

14. Аввал қалбингизни, сўнг ташингизни гўзал килинг. Қалбингизни зикр билан, ташингизни ибодат ва гўзал ахлоқ билан зийнатланг.
15. Дўстларингизга ва эҳтиёжмандларга таъмасиз, миннатсиз ёрдам қилинг.
16. Ёмонликка яхшилик билан жавоб қилинг. Бермаганга беринг, келмаганга боринг.
17. Хатоларни яширинг; ўз хатоларингиз билан шу қадар машгул бўлингки, бошқаларнинг айбу хатосини мухокама қилишга вақтингиз қолмасин.
18. Даъватқилинмасангиз-да, қариндошларингизни зиёрат қилинг. Заар берманг, заар кўрманг. Таклиф ва такаллуфдан узоқ туринг.
19. Одамларга қўшилинг, дўст бўлинг, лекин тўғри йўлдан оғиштирадиган, хатоларга бошлайдиганлар билан эмас.
20. Бирорга насиҳат қилсангиз, факат ўзига қилинг. Ким бўлишидан қатъи назар, насиҳат, ўйтит ва танқидларни тавозею мамнуният билан қабул қилинг.
21. Сахий бўлинг. Ҳатто муҳтожликда ҳам кўзи тўқ, қаноатли бўлинг.
22. Дўстларингизни қадрланг, вафодор бўлинг. “Кўйлакнинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши”.
23. Самимият ва завқ билан инсонларга егулик тортиқ қилинг, ҳадялар улашинг.
24. Яхшиликда ва дастурхон ёзганда энг яқин дўстингиз ҳамда бегонага бир хил муносабатда бўлинг.
25. Дўстларингиз сизнинг нарсаларингиздан ўзини-кидек фойдаланишига имкон беринг.
26. Мусофир ва фақирларни яхши кўринг. Уларга яхши муносабатда бўлинг. Фақирни камситманг, бойларга қуллуқ қилманг.
27. Очик кўнгил, очик қўл бўлинг. Ҳар бир амалингизни холис Аллоҳ учун бажаринг.
28. Аллоҳ йўлида сарфлаганингизни ҳақиқий бойлик деб билинг.
29. Яхшиликларингизни унугинг, жавоб кутманг.

Миң Чамлижа  
и гүзәл  
и ибодат  
въмасиз,  
нг. Бер-  
лан шу  
тосини  
нгизни  
лиф ва  
түгри  
ар би-  
ўзига  
ит ва  
инг.  
т түк,  
'Кўй-  
улик  
кин  
инг.  
ни-  
рга  
ой-  
и-  
й-  
нг.

Иймон ва ҳузун ..... 55

Миннат қилиб, маҳрум бўлманг. Ўзингизга қилинган яхшикларни унуманг ва ундан ҳам яхши жавоб қилинг.

30. Нафсингизни хар доим тафтиш қилинг. Хатти-харакатларингизни бошқаринг, хатоларингизга тавба қилинг, ўзингизни ислоҳ этинг.

31. Эҳтиёжингизга ўзингиз яранг. Одамларга юк бўлманг. Ризқ Аллоҳдан эканига қатъий ишонинг.

32. Хар доим энг мукаммал ахлоқ ва фазилатли амални танланг.

33. Жазолашга кучингиз етса-да, кечиринг. Озор бериш ва жазолаш ўрнига кечиришни афзал билинг.

34. Инсонларга ҳусни хулқ билан муносабатда бўлинг. Уларга ақли ва илм даражасига кўра муомала қилинг.

35. Машаққат чексангиз-да, дўстларингиз хотиржамлиги учун ҳаракат қилинг. Ўз ҳаққингиздан кечишга түгри келса, кечинг, бироқ бошқаларнинг ҳақ-хукукини хар доим ҳимоя қилинг, хиёнат қилманг.

36. Динда ўзингиздан баландда, дунёда ўзингиздан куйида бўлганлар билан дўстлашинг.

37. Ҳукмдорларга итоат қилинг. Ваколатли инсонлар билан ишларингизни маслҳатлашинг ва маслаҳатларига амал қилинг.

38. Дин ва ахлоқда баҳил, мол-дунё борасида эса сахий бўлинг. Дин ва ахлоқингиздан ҳеч нарсани фидо қилманг, мол-дунёнгизни эса бошқалар учун сарфланг.

39. Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳаммадан кўпроқ севинг ва буюк амрларига риоя этинг.

40. Аллоҳнинг неъматларига шукр қилинг, ҳеч бир тортиқни айбситманг.

## ҒАМ ЧЕКИШ ХАСТАЛИКМИ?

Кимнинг ғами Ислом бўлмаса,  
унинг ўзи Ислом учун ғамдир...

Ғам инсонни хаста қиласи, деймиз. Аммо бу нотўғри тушунча. Ғами, ташвиши бор одам хаста бўлаверса, ҳолимизга вой бўларди! Беғам, беташвиш одам борми? “Дунёда иккита беғам одам бор, бир ҳали туғилмаган,

Дүп азза в хатто (бизн га ра килм Би кара ган з рага! Бу с йүлл жаве К тир! бул ва с эди ула хи киј та:

ср бо бо ди бс пј ту га н Э

ж л м

"**ЖАСИХИ ЗЕ ЎЛГАН**" деган ҳазиломуз иборани ҳамининг ўзига хослигини тушунтириш ва дунёда беташити одам йўклигини эслатиш учун қўллайман.

Ташвиши инсонни хаста килмайди. Ташибини қайғуга йилентириш инсонни хаста килади. Бу иккиси орасидаги фарзанинг амалаганимизда бизни касал қилган муаммойимиз змес. Ўзимиз эканимизни яхши тушуниб етамиз.

Пайғамбарлариниң ҳаёти билан боғлиқ ҳикояларни билмаганлар йўқлир. Билиш бошқа, уқиб, мушоҳада қилиш бошқа. Ўз биламизу, лекин мушоҳада қилмаймиз Пайғамбарлар тарихи бутун мохияти билан лард-истироблар тарихидир. Ҳар бир пайғамбар айрича ташвишилар билан имтиҳон қилинганини фикрлашимиз керак қайсикир пайғамбар ўғли билан синалган, кайси бири жа отаси билан, бошқа бир пайғамбар хотини билан имтиҳон қилингандар. Баъзилари оғир хасталиклар билан кутрашган бўлса, баъзилари хиёнат билан синалган. Азот, уқубат, бало, йўқотиш, хўрланиш, четга сурилиш, масҳара қилиниш каби қайғу номи билан нима бўлса, ҳаммасини пайғамбарлар ҳаётида кўриш мумкин.

Бутун оламларга раҳмат ўлароқ юборилганига иймон келтирганимиз Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи вахшатамнинг ҳаёт ҳикояларини ҳаммамиз биламиз, аммо чуқуррок мулоҳаза қилмаймиз. Дунёга келишдан олдин оталаридан, олти ёшларида оналаридан айрилганлар. Ҳам ўқсик, ҳам етим ўсганлар. Ҳам ота, ҳам она бўлиб уларни тарбиялаётган боболаридан ҳам бола ёшларида айриладилар.

Ўзлари яшаган жамият томонидан четга сурилганлар, хўрланганлар, эзилганлар. Жуфти ҳалолидан айрилиш дардини ҳам тотиб кўрганлар. Бу дунёда отона учун энг катта дард дея изоҳланадиган фарзанд додини ҳам кўрганлар. Яна беш бор бу тахир шарбатни татишига мажбур бўлганлар. Беш фарзандини тупроқка кўйганлар. Ана энди ҳаётидан баҳс этаётган кишимиз Яраттанинг энг севган бандаси бўлганини эслайлик!..

Бу маълумотларни ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин юкорида таъкидланганидек, мулоҳаза қилмаймиз!..

Дүүпини бошдан олиб мушоҳада қилмаймизки, Аллоҳ азза ва жалла энг севган бандалари – пайғамбарларни ҳатто изтироб ва қайғулар билан имтиҳон қилсаю, мени (бизни) нега синамасин? Дарду ғамлардан оламларга раҳмат ўлароқ яратган Пайғамбарини ҳатто ҳимоя қилмасаю, мени (бизни) нега четлаб ўтсин?

Бир неча йил олдин бу гапларни отаси ҳаёт бўлишига қарамай етим каби ўсган қиз талабамга гапириб берган эдим. Ўшанда шогирдим саратон хасталигига учраган онасининг ўлим тўшагида ётганини айтган эди. Бу суҳбатдан бир неча ой ўтиб шогирдим менга хабар йўллади: “Устоз! Энди менинг онам ҳам йўқ!” Узоқ вакт жавоб йўллай олмадим. Нима ҳам дердим, ахир?..

Кейинроқ кўришганимизда у менга бир нарсани эътироф этди: “Устоз, ҳов бирда мен сизга кўзимда ёшлар билан бошимдан ўтаётган кунларни гапириб берган ва сиз менга пайғамбарлар ҳаётидан мисоллар айтган эдингиз. Агар ўшанда сиз менга пайғамбарлар ҳаётидан, уларнинг изтироб ва муаммоларга тўла умр йўлидан ҳикоялар гапириб бермаганингизда мен жонимга қасд қилишим мумкин эди. Чунки мен шу нарсани ўйлаб юрган эдим...”

Кейинги пайларда юртимизда ёшлар ва аёллар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Кимдир қайноаси, кимдир эри билан боғлиқ зиддиятлардан қочиб ўлимни истаса, яна кимдир ишқ-муҳаббатни рўкач қилиб жонига қасд қилишга ботинмоқда. Арзимаган дилхираликлар сабабли де-прессияга тушиш, ҳаётдан хафа бўлиш, руҳий зиқлик, тушкунликка енгилиш... Аслида, мўминнинг қалбига ғам-ғайғу ярашмайди. Мўмин киши барча муаммоларини Аллоҳга ҳавола қилиб, ҳаёт оқимида сузишда давом этади. Зотан, иймон – энг катта имкон.

Раҳматли онколог профессор Ҳолуқ Нурабоқий хожанинг “Намоз сирлари” номли китобида “Бир кун келиб шифокорлар шифо йўриқномасига таҳорат ва намозни тавсия қилишади” деган жумлани ўқиганимда

кўзларимдан ёш чиқиб кетган эди. Таҳорат ва намоз фақат ибодат эмас, жисмоний ва руҳий жиҳатдан инсонни мувозанатда тутган муҳим муолажа ҳамдир.

Рахмат ва магфират ойи рамазонда шайтонлар кинчаланади экан, Аллоҳга сифининг! Аллоҳга сигинмасак, депрессия ва тушкунлик деб ақлсиз ишлар қиладиганлар кўнаяди. Ақлсизлик қилмаслик учун ҳам Раббингизга сифининг!

**Иқтибос**

## ИБОДАТ

Бутун шаҳодат олами айланиб туради. Инсон хатти-ҳаракатлари билан шу эврилишда яшайди. Бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон вақтлари бу дўнишнинг манзили, буржи ва охир-оқибат ўзлигини топиш учун борар маконларидир. Инсон шу манзилларда тоблана-тобланана маромига етади, комилликка эришади. Бу манзилларда тобланмаслик инсон сифатида маромига етмаслик демакдир. Инсонни инсонлик мақомига кунда беш маҳал адо этиладиган ибодат етказади. Инсон намозга киришар экан, ўзини Раббига топширади. Ўзини топширган Эгасининг ризосига эришишни мақсад қиласди. Таҳажжуд намози инсонликка эришиш аҳдининг қатъиyllигига ишора. Ягона илинж шу: “Инсон бўлай!” Инсон бўлиш истаги қачон пайдо бўлади? Бу саволга таҳорат олиш асносида жавоб берилади. Таҳорат олиш пайтида борликдаги ҳолатлар чегарасини эслашга ҳаракат қилинади. Аввал қўллар ювилади. Аъзолар орасида қўлнинг кибрга сабаб бўлиши энг аввало уларни ювишга асос бўлса, не ажаб? Инсон бажарганини айтганининг ўзидаёқ ҳаммасидан олдин қўлларга масъулият тушади. Қўлдан келса бажарилади. Қўл билан амалга оширилади. Амалларнинг аксари қўл асосида амалга оширилади. Боз устига, тана аъзолари орасида ўзини ўзи ювишга кучи етадиган ягона аъзо фақат қўллардир. Қўлнинг истиғноларидан қўрқулик. Қўллар ғурур

йўлларини очади. Инсон инсонлик қудуғини қўллари билан қазийди.

Таҳоратнинг кейинги босқичида оғизга сув олина-ди. Оғизга ҳаддини билдириш жуда муҳим саналади. Мусибатлар кўпайиши, офатларнинг шиддатли тус олиши оғиз орқали содир этилади. Оғиздан оғизга ёйилаётган аксар гап-сўзлар хавотирлидир. Оғиз бар-бод қилиш ва фасод ёйиш учун макондир. Оғизни яхши нарсаларга одатлантириш қийин ва у қатъий интизом талаб этади. Таҳорат олаётганда оғизга сув олиш олдиндаги заҳматли машаққат ва интизомга доир онт ичиш кабидир.

Кейин бурунга сув олина-ди. Бу билан бурун ташки ва ички олам алоқасини боғлашда воситачи эканини хис этиш лозим бўлади.

Юз ювилади. Таҳорат қилаётгандаги юз ювиш ҳар доимги юз ювиш эмас. Дейлик, уйқудан уйғонганда ёки йифлагандан кейин юз ювиш тананинг жисмоний ҳолатидан келиб чиқиб фойда бериши мумкиндир. Таҳорат қилаётгандаги юз ювиш эса, бошқалари каби факат физиологик эмас. Бундаги ювиш ибодат ҳамдир! Юз юзланишга арзийдиган ҳолатга келиши керак. Таҳорат қилинган юз риёдан мутлақо тийилишга аҳд қилган юздир.

Қўллар тирсаклари билан ювилади. Аъзоларнинг боғлиқлиги эсга олина-ди.

Бошга масҳ тортилади. Қўлни намлаб бошни силаш-да ҳам ўзига хос маъно бор. Жуда кўплаб нуқталар жой-лашган қулоқларни намлаш ҳам уларни “уйғотиш” ва ибодатга ҳозирлаш учун восита.

Ниҳоят, оёқлар ювилади. Ердан узилмаслик ва таҳоратни том қилиш учун.

Намозни тўқис адо этиш учун ер билан инсоний мақсадлар ипини узиш ва илоҳий ўлчовларга тайёр ту-риш керак.

Таҳорат олган киши борликдаги майда-чуйдалар-га парво қилмайди. Дунёни дунёдан ўтадиган ёлғон

**сифатида кўради.** Тадорат бутун маъносиз сочмаларни ортда колдириш ва дунёвий истакларни парчалаш демакдир. Энди бу ёғига кишини намоз бошкаради. Намоз инсонни харакатланадиган мослама ҳолатига келтиради. Мослама деганда жонисиз темирни ўйладингизми? Ундаёт эмас! Ҳолбукли, намоз инсонни бошкаряли. Намозни адо этиш учун таҳорат олиш, таҳоратчи бўлиши шарт.

Тақбири таҳрима билан намозга турилади. Намозга турганнинг муҳаббат билан юзланадиган макони бор. Бу маконнинг номи "Каъба" дейилади. Ер юзининг қайси бурчагида бўлмасин, намозга турганлар Ер кефидаги йигирма тўрт соатнинг хар дақикаси, хар сонияси намоз вакти ҳисобланади. Яъни намоз сабабли ҳар нағасда қалблар ўзгаради ва ислоҳга шайланади. Қалблар қалбларга юзланади. Намозда туриш бандаликка туғилган нашъани бандаликдан туғилган масъулият билан бирлаштириш демакдир. Буни Инсон бўлишга жазм этиш деса ҳам бўлади. Инсон бўлиш истаги башариятнинг белини букади. Буни рукуъ дейдилар. Рукуъга борган банда раҳматли бўлиш билан раҳматни кўтариш орасидаги фарқни билади. Инсонлик сари тўғри узатилган бош рукуъга боргач, булут каби бир юксалиб, саждага "ёғади". Сажда Яратганинг ҳадяси қархисида яратилмишнинг мамнуниятга ғарқ бўлгани ифодасидир.

Таҳийёт башарнинг инсонликка ўтирган ҳолатидир. Инсон, мусулмон, мўмин таҳийётда ўтирганида ўнг оёгининг бош бармоғи қиблани кўрсатиб туради. Таҳийётдаги инсон шаҳодат олами билан маъно олами орасида ўз ўрни хусусида фикрлаётганидаги маҳзунликка чўмади. Бироз аввал башариятнинг бир бўлаги экан, намоз томонидан инсонга айланишнинг виқорида бўлади. Маҳзунлик ва виқор билан икки елкасидаги фаришталарга салом беради.

## МҮМИН УЧУН ХОТИРЖАМ ҲАЁТ АСОСЛАРИ

1. Кибрли бўлманг. Камтарин ва мулойим бўлинг.
2. Ўзингизга ҳаддан ташқари ишонманг.
3. Ҳамма нарсаға эришаман деб, ўзингизни қийнамани.
4. Чорасизлик тузогига тушманг. Ҳар қандай ҳолатда умид чироти борлиги ёдингизда бўлсин.
5. Менда ҳар доим ҳаммаси яхши бўлади, деб ҳастингизни чигаллаштириб юборманг.
6. Манманлик ва такаббурликка берилиб, атрофингиздагиларга озор етказманг, одамларни ўзингиздан узоклаштирманг.
7. Одамларга эвазсиз ва таъмасиз яхшилик қилинг.
8. Инсон ёлғизликда баҳт ва ҳаловат топмайди. Атрофингиздагиларни севинтиришга ҳаракат қилинг.
9. Ўлимдан қўрқманг, аксинча, унинг ҳақлигини ҳар доим ёдингизда туting.
10. Одамларга қилган яхшилигингиж ва хайрсаҳоватингизни унутинг. Уларни миннат қилиб савобингизни гуноҳга айлантирманг.
11. Сизга ёмонлик қилганларга ёмонлик билан жавоб берманг, ғазабингизни тийинг.
12. Ҳаловатингизни бузадиганлардан узоқ бўлинг. Қайғуга ботманг.
13. Ибодатларда событ бўлинг.
14. Ҳеч бир амалингиз қиёматга қадар сирлилигича қолади деб ўйламанг.
15. Бироннинг ҳақига кўз тикманг. Адолатли бўлинг.
16. Кибрга енгилиб, ҳаддан ортиғига даъво қилманг. Қалбингизда дунё ҳаваси ортса, қабристонга боринг.
17. Энг қийин пайтларда ҳам умидсизликка тушманг.
18. Ҳолати ўзингиздан яхши бўлганларга қараб хафа бўлгунча, ахволи сизникидан ёмонларга қараб шукр қилинг.
19. Яхши кўрган неъматларингизни бошқалар билан баҳам кўриб завқланишини билинг.

20. Иймон ҳаётдаги энг содик ва воз кечилмас дўстингиз бўлсин. Фазилатларингизни дунё матоҳларига фидо қилманг.
21. Яқинларингизга ишонишни истасангиз, аввало ўзингиз ишончга муносиб бўлинг.
22. Ҳар бир амалингиз, ёзганларингиз ортингиздан эргашиб юришини унутманг. Кувватингизни инсонларга манфаат келтирадиган ишларга сарфланг.
23. Манманлик қилманг, атрофингиздагиларни эшигинг, самимий бўлинг.
24. Ёлғондан нафратланинг.
25. Замонавий ҳаёт оддий ҳолатга айлантирган эркак ва аёлларнинг аралаш-қуралаш муносабати ҳаётингизни асир айлашига йўл қўйманг.
26. Аллоҳ йўлидаги солих дўстларингизни қадрланг.
27. Таъма билан эҳсон қилманг. Берувчи қўл оловчи қўлдан яхшироқ эканини унутманг.
28. Мавҳум нарсаларни ўйлаб ўзингизни қийнаманг.
29. Хавотир ва қўркувда яшаманг.
30. Ўзингизни ҳар доим энг яхшисига муносибман, деб васвасадан бўғилманг.
31. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сахий ва меҳрибон бўлинг.
32. Ота-онангизни рози қилинг.
33. Амалларингизни кўз-кўз қилишдан тийилинг.
34. Ҳар бир амални дин ва дунёингиз манфаатини истаган ниятда амалга оширинг.
35. Ваъда берсангиз, бажаринг, ваъдасига вафо қилмаслик уятга қўйиши ёдингизда бўлсин.
36. Ҳою ҳавасларга кўнгил боғламанг.
37. Ҳар доим иймон-эътиқодингизни мустаҳкам тутинг.
38. Бирор нарса хусусида қарор берганингизда, қалбингизга қулоқ тутинг.
39. Аллоҳнинг буйруғи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилинг.
40. Бутун оламларни ва ўзингизни яратган, сизни тўғри йўлга бошлаб, гўзал неъматлар билан ризқлантирган Раббингизга шукр қилинг, ҳамду санолар айтинг.

килмас  
матоҳ-

ввало

сздан  
лар-

арни

иан  
ати

нг.  
чи

чт.

н,

с.

(

## ҲАЁТИМИЗНИ БОШҚАРАДИГАН ЕТТИ ҚОИДА

### 1. Ҳар ишіда Аллоҳ розилигига эришишни ният қилиш.

Мусулмоннинг ҳаётида ҳамма нарасдан аввал Аллоҳ розилигига эришиш асосий мақсад бўлиши керак.

### 2. Инсонларни мазах қилмаслик ва ёмон гумонлардан чекиниш.

Инсон атроф-жамият билан боғлиқ бўлгани учун ҳар доим бир-бири билан чиройли муомала қилиши керак. Афсуски, бугунимизда ғийбат, бошқаларнинг нуксонини мазах қилиш, лақаб қўйиш, гуноҳларни очиш каби хунук ишлар кўпайганидан жамиятнинг иймон-эътиқоди қай даражада эканини кўриш қийин эмас.

### 3. Яхшилик ва тақвода мусобақалашиш.

Жамиятда ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш учун яхшилик ва тақвода ўзаро мусобақалашиш керак.

### 4. Қавм-қариндош ва йўқсилларни ҳимоя қилиш.

Аллоҳ розилигига эришишнинг йўллари кўп. Улар: атрофимиздаги йўқсил-муҳтожлар ва қавм-қариндошларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш, Аллоҳ берган ризқ-насибадан уларга ошкора ёки маҳфий сарфлаш ва ёмонликка яхшилик билан жавоб қилиш, ўртадан адоват ва кинни ўчириш каби фазилатли амаллар.

### 5. Савдода ҳийла ишлатмаслик.

Ислом таълимотида ўзаро муносабатларда таъкидланган тамойиллардан бири – савдо-сотиқда одамларнинг ҳақига риоя қилиш. Айни пайтда ер юзида коррупция, порахўрлик кучайиб, инсонларнинг ҳақ-хуқуки топталаётгани, бузғунчиликлар авж олаётгани, йўқсиллар, қашшоқ-фақирлар кўпаяётгани бизни жиддий мулоҳаза қилишга ундаши керак эмасми? Бугун молиявий инқироз жаҳон миқиёсида кўп беҳаловатликларга сабабчи бўлаётган экан, инсоният бу муаммога тўғри йўл орқали ечим топиши лозим.

### **6. Адолат.**

Адолатли бўлиш, яхшилик қилиш, яқинларга ёрдамлашишнинг биргаликда келиши, буларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ эканига ишора,adolatsizlik ва ёмонлик қилиш эса беҳаёлик деганидир.

### **7. Ҳаётнинг ҳақиқий мазмунини билиш.**

Яашадан мақсад нималигини билиш ва шу ниятда иймоний умрда яшамоқ керак.

## **ПУЛ БАХТ БЕРАДИМИ?**

### **Ёхуд бахтсизликни пул ва дори билан енгадиганлар ҳақида**

Телевизор ёки компьютер қаршисида бир неча соат киприк қоқмай ўтирган бола мактабда дарсга қулок солмайди. Ўрнида ўтиrolмайди, куч-қуввати танасига сиғмайди. Психотерапевт осонгина ташхис қўяди: “Гиперфаол”. Шу заҳоти бола дори-дармон ича бошлайди. Дори билан куч-қувватни енгишни бошлайди.

Гиперфаол бўлгани учун дори ичган бола ўсмирлик чоғида ҳаётдан зерикиб, тинчлантирувчи дориларни қабул қила бошлайди. Ҳаловатни дорилардан излаган болаларнинг кўплиги замонавий дунё инсонларини қанчалик баҳтиёр қилаётганининг яққол кўринишидир.

Дорилар бола шўрликни ўзига қанчалик тобеъ қилишини билмаймиз, афсуски. Ота-оналарнинг жиддий ўйлаб кўрадиган саволларидан бири – “**бола нега дорига муҳтоҷ ҳолга тушди?**” деган жумбоқ.

Ўзини дунёга келтирган ота-онаси уларни баҳтиёр қилолмаса ва бу болалар ҳаловатни дори-дармонлардан излайдиган ҳолатда бўлса, биз кимни ёки нимани тафтиш қилишимиз керак: замонамизними, ота-онаними ёхуд боланими?!

Ота-онаси билан баҳтиёр бўлолмаган болани дори-дармон қувонтиrolармикан?..

## Пул инсонни баҳтиёр қиласидими?

Бу саволга жавоб бериш учун пулдорлар пулинин қаерга сарфлаётганини кузатиш кифоя. Баҳтсизлигини унудиши (эсламаслик) учун қувват манбаи дея тартиб қилинадиган дори-дармонларни, қиммат спиртли ичимлик ва қиммат тамаки маҳсулотларини қабул қиласидиганлар камбағаллар эмас. Психологга ҳар ой тасаввуримизга ҳам сиғмайдиган хизмат ҳаки тўлайдиганлар пул баҳтиёр қилолмаган инсонлар. Ҳаётидан завқ-шавқ ва маъно тополмай ўз жонига қасд қиласидиганлар орасида бой одамлар жуда кўплаб учрайди.

Инсон ва пул муносабатлари ҳакида гап кетганда, ҳаёлимга Мавлоно Ҳазратларининг гўзал ўхшатиши қўйлади. Олдинроқ бир мулоҳазамни “ўзингизга келинг!” дея тугатганимга сабаб ҳам, бизни биз килган қадриятлар ва тамоийлардан шифо излашимиз кераклигини уқтириш эди.

Мавлоно Ҳазратлари пул ва инсон муносабатлар ҳакида тўхталар экан, кема билан сувни мисол қиласиди. Кема сузиши учун сув қанчалик зарур бўлса, пул ҳам инсон учун шунчалик муҳимдир. Кема фақат сувдагина ўз вазифасини бажара олади. Пул ҳам инсон учун шунчалик аҳамиятли. Аммо сув кеманинг ичига кирса, уни чўктиради. Пул – эҳтиёжларимизни ўрнига келтириш учун муҳим манба. Лекин пул иштиёқи инсоннинг чўнтаги билан чекланмаса, унинг қалбини забт этса, бу киши муҳаққақ чўкади.

*Чўнтақка кирган пул инсонни баҳтиёр қиласиди.*

*Қалбга кирган ондаёқ инсонни синдиради.*

Ушбу ҳикояни бир дўстим гапириб берган эди:

Ўттиз йил Германияда ишлаб пул топган бир муҳожир барча пулларини банкка қўйибди. Бирмунча вақт ўтиб, фоизлари ҳам қўшилиб, бир миллион марка атрофида пул жамғарибди. Пенсияга чиққанидан кейин болалари билан зиддиятлари кўпайибди. “Болаларим мени ўлдириб, банқдаги пулларимни бўлишиб оладилар” деган хавотирдан қўрқа бошлабди. Қўрқув сабабли ухломайдиган бўлибди. Болалари билан уруш-жанжал-

лари кўпайгани сари асабийлашиб, охир-оқибат жинни бўлиб қолибди...

Пул ўзингиз ва яқинларингизнинг эҳтиёжларини ўташ учун чўнталингиздаги бир восита бўлса, баҳтиёрлигинги га васила бўлади. Аммо пул ишқи қалбингизга ўрнашса, “Титаник” каби улкан бўлсангиз-да, чўкиб кетасиз.

Хуллас, пул инсонни баҳтиёр қилолмайди, хапдори баҳтсизлигимизга чора бўлолмайди.

Аллоҳ бизни дорихўрликдан асрасин!

Чўнталимизни пулга, қалбимизни иймонга тўлдирсин!

Шифою малҳамни ўз қадриятларимиз, иймону такво, илму ирфондан топишни насиб этсин!

### “Бир муддат зайдун еймиз, сўнгра...”

У қабулхонага кириб, котибага Назиф Бей билан учрашмоқчилигини айтди. Котибанинг юзи жиддийлашди:

– Назиф Бейни сўрайпсизми?

– Ҳа, Назиф Бей билан учрашмоқчиман, – дея та-корлади у.

– Котиба қайгули оҳангда:

– Назиф Бей билан дийдорингиз Қиёматта қолган, афандим. Ундан ажраб қолганимизга тўрт йил бўлди, – деди.

Бу нохуш хабарни ҳеч кутмагани учун тўсатдан юрагига изтироб чанг солди. “Эй, шунақами?” дея олди, холос. Ҳижронли сукутда бир муддат туриб қолди. Кўзларига бостириб келган ёшлар ёноқларидан сизиб, кўксига томди. Ўзини бир амаллаб қўлга олди-да:

– Раҳматлининг бирор яқини билан учрашсам бўла-дими? – дея сўради.

– Ҳа, бўлади, ўғиллари Селим Бей шу ерда.

– Ундей бўлса, Селим Бей билан учрашай? – дея титроқ оҳангда ўтинди.

Масъул хоним бир кўришда инсонда ўзига нисбатан хурмат уйғотган бу кибор бей афандига: “Селим Бей доим банд бўладилар, қабулга ёздиримай кўришиш имкони ҳар доим бўлавермайди, лекин мен ўзларидан бир сўраб кўраман”, – дея телефонга йўналди.

лижа  
нни  
таш  
гиз-  
шса,  
ори  
ин!  
во,  
уч-  
и:  
га-  
и-  
я-  
и,  
и.  
б,  
а-

я  
н  
й  
и-  
р

– Ким деб танишириай сизни, афандим?

– Ўзимни ўзим танишитирмоқчи эдим, қизим.

Котиба эътиroz қилмасдан хизмат телефонига уланди. Бироздан кейин жилмайиб:

– Салим Бей таклифингизни қабул қилди. Марҳамат, мен билан юринг, – деди.

Зинапоялардан кўтарилдилар. Чўғдай гилам тўшалган коридор бўйлаб бориб катта эшик олдида тўхташди. Котиба эшикни очиб “Марҳамат!” деди. Мехмон ичкарига кирди. Ўрнидан туриб ўзини кутиб олган чеҳраси табасумли ёш йигитга қараб юрди ва қўлини узатиб:

– Марҳабо! Мен профессор Мехмет Бойдемир бўламан, – деди.

– Каминангиз эса Селим Жебичи! Марҳамат, ўтиринг,

– дея ўтиришга даъват қилди ёш тадбиркор.

Мехмет Бей ўзига кўрсатилган жойга ўтирган заҳоти:

– Йигирма уч йил, йигирма уч йил... Бир пайтлар менга стипендия бериб ўқишимга сабабчи бўлган инсоннинг кўлларини тавоғ қилиш учун бу лаҳзаларни кутгандим, – деди ва лаблари титраб, кўзлари ёшга тўлди. – Лекин шундай улуғ инсоннинг қўлини ўпиш насиб қилмади. Ҳозир қанчалик ўкинаётганимни тушунтириб беролмайман.

Ёшли кўзларини артгач, Селим Бейга қаради:

– Аммо ҳеч бўлмаса, шундай инсоннинг фарзандининг қўлини сикқанимдан баҳтиёрман.

Мехмоннинг бу сўзларидан кейин Селим Бей ўрнидан учиб турди. Қулоқларига ишонмасди. Сўзлари ҳайрат нидоси каби жумлаларга тизилди:

– Мехмет Бойдемир дедингиз-а? Тосяли Мехмет Бойдемирми?

Профессор йигитнинг бу ҳаяжонли ҳолатига тушумай боши билан тасдиқ ишорасини берди. Селим Бейнинг кўзлари севинчдан порлади.

– Отам билан бирга сизни кўп изладик, лекин тополмадик, – деди. Профессорнинг ёнига келиб икки қўлини тутди, қадрдон дўст каби маҳкам сиқиб қўйди. – Сизни Аллоҳ етказди.

Бу сўзлардан профессор ҳайратланди:

— Мени изладингизми? Нега изладингиз?

Селим Бей кўзлари кулиб профессорга қаради:

— Биздаги омонатингизни бериш учун...

Профессор “омонат” сўзини эшишиб ҳайрати ортди.

Селим Бей қаергадир сим қоқди. Нарёғдаги кишига “Олдимга кирасизми?” деб тўшакни ўрнига илди. Бирордан сўнг эшик тақиллаб, хонага хушбичим йигит кириб келди. Селим Бей унга ёнига келишни ишора килди ва қулогига нималардир дея пичирлади. Йигит бошини тебратиб эшикка йўналди. Селим Бей меҳмон билан тотли сухбат бошлади. Сухбатлари қовушган сари чеҳраларидағи ҳайрат ва шошқинлик ўрнини бирбирини соғинган қирқ йиллик қадрдонларнинг учрашганидаги севинч, самимият ва ишонч эгаллади. Меҳмет Бей хориждаги таҳсил ва тадқиқотларидан, йигирма уч йиллик юрт соғинчидан гапирди. Кейин Назиф Бейнинг девордаги портретига кўзи тушиб:

— Шундай даражага эришишим ва ҳозирги кунлар учун шу буюк инсондан қарздорман, – деди. – Менга факат моддий ёрдам бериш билан чекланиб қолмай, маънавий жихатдан ҳам қўллаб-қувватлади. Мени ҳеч қачон ёлғиз қўймади. Хорижда таҳсил олганимда бирор хатога йўл қўйганимда хаёлан ёнимда ҳозир бўлди. “Сенга шунинг учун стипендия берганмидим?” дея менга тўғри йўл кўрсатди. У кишини ҳар намозимда дуо қиласман...

Шундай дея кўзларини суратга қадади. Сўнг портрет остидаги бир қарашда бирор маъно бериш қийин бўлган бошка картина диққатини тортди. Бир рамканинг ичидага баъзи жойлари ямалган ва тикилган жуда эски бир жуфт пайпоқ турагди. Бироз эътибор билан тикилиб рамкада баъзи жумлалар ҳам ёзилганини найқади: “Бир муддат зайдун еймиз, кейин эса...” Селим Бей бир савол бераркан, бошини унга ўғирди, аммо хаёли картинада эди. Саволга жавоб бергач, яна картинага тикилди. Иккинчи жумла ҳам биринчи жумла каби уч нуқта билан тугаган эди: “Бир муддат сабр қиласиз, кейин эса...” Қизиқиши

Ийм

орт

ка

би

ка

“Б

ян

бу

ка

к

т

р

к

с

и

:

ортди.  
ишига  
и. Би-  
йигит  
шора  
Йигит  
жмон  
шган  
бир-  
раш-  
жмет  
ма уч  
нинг

кун-  
ленга  
маъ-  
аҷон  
тога  
шу-  
йул

грет  
иган  
ида  
уфт  
ада  
дат  
ар-  
ди.  
чи  
гани  
ши

ортди. Бу биринчи учрашуви бўлмаганида ёнига бориб картинани яхшигина кузатарди. Лекин бу иши ҳозир бироз ўнғайсиз, фақат сухбат орасида кўз қири билан картинани кузатиб, мулоҳаза қилишга уринарди. Ҳар қараганда қизиқиши ортиб борарди. Учинчи жумлада: “Бир муддат юрамиз, кейин...” дея ёзилган ва пастида яна бир нечта жумла бор эди. Энди хаёлини картина буткул забт этди. Охири чидолмади:

– Селим Бей, қизиққаним учун маъзур тутасиз, бу картинага бирор маъно беролмадим...

Селим Бей ўзига хос жилмайиш билан меҳмонига қаради. Чуқур тин олиб:

– Маълумингизким, отам бадавлат инсон эди. Ҳаётимиз тўқис эди. Кейин нима бўлди-ю, ҳамма нарсамиздан айрилдик. Ўша бойликлардан қўлимизда ҳеч нарса қолмади. Қўшкимиздаги хизматчилар ҳам кетди. Энди овкатларни онам тайёрлар эди. Эсимда, бир куни эрталаб нонуштага фақат зайдун қўйди. Тўқис ҳаётимиздаги нонушталар ўрнига фақат зайдун... Ҳайрон бўлиб “Бошқа нарса йўқми?” дея сўрагандим. Бу саволимга онам ҳўнграб йиғлаб юборгани ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Онамнинг кўз ёшларига жавобан отам: “Бир муддат зайдун еймиз, сўнг эса...” деди ва ўрнидан туриб, қатъий нигоҳлар билан бизга тикилди: “Кўникамиз!” Шундай деб иштаҳа билан бир зайдуни оғзига солди. Бир неча кундан кейин масъул вакиллар қўшкимизни ҳам кўлдан олишди. Чекка маҳаллалардан биридаги кичик, эски уйга кўчиб ўтдик. Қўлга илингулик буюмимиз ҳам йўқ эди. Онам эзғин товушда: “Бу уйда ҳеч нарса йўқ, қандай яшаймиз?” – дея хўрсинди. Бунга жавобан отам: “Бир муддат сабр қиласиз, кейин кўникамиз!” – деди. Ўзим ўқиётган хусусий мактабдан кетиб, давлат мактабига ёзилдим. Эрталаб мактабга автобусда борищдан ўмид қилаётганимда, отам қўлимдан тутиб: “Бугун биринчи кун. Мактабга бирга борамиз”, – деди. Юра бошладик. Мактаб менга жуда узоқ туюлди. Чарчаб отамдан орқада қолганимни эслайман. Отам хаёлга толиб тез юраётгани учун орқада қолганимни пайқамади. Бироздан кейин

менга қаради. Исён тўла нигоҳларим-ла музтар тикилдим. Бир он менга изтироб билан термулгандан кейин ёнимга келди. Бир сўз айтишга имкон бермасдан, дарғазаб ва шу билан бирга эркаланган тарзда: “Чарчадим”, дедим. Отам эса нихоятда сокин оҳангда: “Бир мулдат юрамиз, сўнг эса қўни камиз”, - деди. Отам ҳар куни эрталаб барвакт уйдан чиқар ва жуда кеч қайтар эди. Уйга қайтгач ҳам, кичик хонага қамалиб оларди. Кўп ҳолларда йиглаганини сезардик. Бир куни қизиқиш устунлик қилиб отамнинг кичик хонасига кирдим. Ерда бир жойнамоз, жойнамознинг устида тасбех бор эди. Деворда эса арабий ёзувда шундай ибора ёзилганди: “Аллоҳ қарзидан кутулишни ният қилганга кафилдир!” Отам айтгандай бўлди. Қийин бўлса-да, вакт ўтиб қўнидик. Бу ҳол бир неча йил давом этди. Бир куни отам жуда бошқача ҳолатда уйга келди. Кўзларига ёш тўлган эди. Ҳар биримизга алоҳида совға қутиси олиб келган экан. Кўшқдан айрилганимиздан кейин биринчи бор уйга халта кўтариб келган эди. Ҳаммамизни тўплади. “Бугун мен учун қандай кун эканини биласизларми?” - деди. Сўзлар бўғзига қадалди. Кўзларидан шашқатор ёш оқди. Гапиролмай қолди. Ҳар биримизга совғаларимизни бирма-бир берди. Қучоқлаб, юзимиздан меҳр билан ўпди. Ўзлари бир бурчакка ўтириб, чўнтағидан газетага ўроғлиқ бир нима чиқарди. Йиглаётган эди. Ҳаммамиз ҳайрат билан отамга тикилиб турардик. Газетани очиб, ичидан бир жуфт янги пайпоқ чиқарди. Биз отамиз бу пайпоқни нега кўтариб юрганини ўйлаётганимизда, хаёлимизга келмаган бир ишни қилди. Пайпоқни бурнига яқинлаштириб ҳидлади, қайта-қайта ҳидлади. Ортидан ўксиб-ўксиб йиглай бошлади. Ҳеч биримиздан садо чиқмасди. Отам нихоят ўзига келиб: “Биласизлар, катта миқдорда қарздор бўлиб қолдим. Қарзимни тўлаш нияти билан янгидан иш бошлаганимда ўзимга ўзим “Ҳақдорларимнинг ҳақини бермасдан олдин ўзимга бир пайпоқ олиш ҳам ҳаром бўлсин!” дея қасам ичган эдим. Бугун эса Аллоҳнинг ёрдами билан қарзимдан қутулдим. Ҳеч кимдан бир чақа қарздор эмасман”, - деди. Сўнг кўз ёшлар билан оёғидаги

эски пайпокни чиқариб, янгисини кийди. Мен ўша эски пайпокни азиз отамдан ёдгор сифатида ҳамда ибрат учун ўзимга сақлаб кўйғандим. Бу пайпоклар хар куни менга: "Пултарини бергунимча барча топган-тутганим ҳаклорларимнинг ҳакидир", – дейди...

Селим Бейнинг нигоҳлари ўйчан тус олди. Мехмет Бей эса намланган кўзларини артиб, девордаги ок-кора суратга узоқ тикилди.

– Отангиз мен ўйлагандан ҳам буюк экан, Селим Бей. Мен ёўлганимда бундай фароғатли ҳаётдан кейин тангикка тушганимда, балки, ақлдан озишим аник эди, – деди ва Селим Бейга қаради. – Сиз нима қилардингиз?

– Бир муддат зайдун ердим, кейин эса... – Селим Бей ўзига хос табассум билан жавоб қилди.

Шу орада эшик тақиллаб бироз олдинги йигит кўлида бир қути билан ичкарига кирди. Селим Бей қутини олиб Мехмет Бейга узатди:

– Марҳамат, бу узоқ йиллар сизга бермоқчи бўлган омонатимиз!

Мехмет Бей ғалати ҳиссиётлар оғушида кутини очди. Кутидан барқут халтacha чиқди. Халтачани очиб, кутига ағдарган эди, бир нечта олтин танга ва бир хат тушди. Мехмет Бей моҳирона буқланган қоғозни очиб ўқишига тутинди: "Севикли Мехмет Бей ўғлим. Баъзан истаганимизни қиласиз. Аксар ҳолларда эса, мажбур бўлганимизни қиласиз. Таҳсил ҳаётингиз давомида сизга стипендия беришга аҳд қилган эдим. Лекин таълим жараёнингизнинг кейинги олти ойида сизга пул беришга имконим бўлмади. Бироздан кейин яна имконларга эришдим. Лекин бу гал сизни тополмадим. Агар бундай қарзни кўз ёши ва изтироб билан ўташ мумкин бўлса эди, мен бу қарзни ортифи билан ўтаган бўлардим. Зоро, севикли ўғлим, бу олти ойлик вақтнинг тўловини тўлашнинг изтироби билан қанча кечаларни кўз ёш билан тонгга улаганимни Раббим билади. Нима бўлганда ҳам, мендаги ҳақингизни ўз пайтининг қадри билан олтинга айлантириб қўйдим. Бу олтинлар сизники-

дир. Булар қўлингизга етганида қарзимни буткул узган бўламан. Мехр билан Назиф Жебичи".

Мехмет Бей ҳолатдан ҳам мутаассир, ҳам хайрон эди. Бу улт инсоннинг буюклиги қаршисида факат ёш боладай ҳўнг-хўнг йилларди, холос. Селим Бей ҳам таъсирланди. Унинг ҳам ёнокларидан ёш сузиларди. Отасининг оқ-кора портретига тикилди. Бир неча йил ўзига маҳзун термулган шинулар бу гал севинч билан қараётгандек эди...

### Кўзимиз қачон тўяди?

Етишмовчилик нима ўзи? Ҳирсми, пулми?  
Зўтиқодми, таъмами? Мехрми, вактми?

Фикри ожизимча, бу гурӯхга кўп сўзлар сифдириш мумкин.

Кексаларнинг бу борада бир гапи бор: "Одам боласининг кўзини тупроқ тўйдиради!" Биз чиндан ҳам шунчалик, очкўз ва тўймас мавжудотмизми?

Ортиқча вазн муаммоси соғлик билан боғлик таҳтикамага айланган дунёда бизни бу аҳволга соглан нарса овқатга тўймаслиқми?

Катта йўлларда бир у ёққа, бир бу ёққа типирчилаб машинасини сурган ҳайдовчилар, спидометрдаги тезлик лимитига қаноат қиласётган ёшлар, вакти озлигидан шикоят қилиб, йўл қоидаларини бузасётган тижоратчи ҳайдовчилар, мотоциклда шошган куръерлардан: "Нима учун?!" деган саволга оладиган жавобимиз: "Етмаяпти-да!"

Картамиздаги жамғарманинг охири кўриниб қолганида, пулимиз мажбурий ва завқли харидларга етмаётганидан нолиймиз. Ҳатто бу етишмовчиликни таҳлика деб биламиз. Ҳар доим пул озлигидан шикоят қиласиз.

Аслида, етишмовчилик нулдами? Ё истакларимиздами? Севгилисини, хотинини хурсанд қилиш учун ўғриликка, бироннинг ҳақига кўз олайтирганлар бор. Бу қандай севги-муҳаббат бўлди? Севганининг ҳолатини била туриб, уни жиноятга унласа, бу нарса севги эмас. Хотин эрининг ойлик маошини била туриб ундан

иимо  
кўп  
бор  
ини  
эма  
тўл  
ки  
хе  
ка  
ту  
аи  
п  
в  
и

тамлика  
узган  
н эди.  
ладай  
анди.  
кора  
имул-

ми?

иц

сн-  
ун-

ик  
ар-

аб

ик  
зк

и  
иа

б  
а

и

т

и

кўпини истаса, у оила эмас. Буларнинг биргина номи бор – манфаатпарастлик.

Шу кунларда бошимиздан ўтказганимиз молиявий инқирознинг кўллаб-куватловчиси “шоппингмания” эмасми?

Хашаматли уйлар, қимматбаҳо автомашиналар, тўлашга қўрбимиз етмайдиган кредит, тўловлар, урфга кирган ҳар янги матоҳни харид қилиш ҳирси... “Кийгани ҳеч нарсам йўқ!” дея иолиётган аёлнинг кийим жавонига караганимизда, жуда кўті кераксиз нарсаларга кўзимиз тушади. Лекин яна “етмайди”. Та什қарига чиқаётганда аввал қўринишимиизга дикқат қиласиз, а? Пойабзалимиз пайпоққа, пайпогимиз кийимга, кийимимиз камарга, камар тақинчоқларимизга ва буларнинг барчасига мос тушадиган макияжга эҳтиёжимиз бор, шундайми?

Буларнинг барчасини ўринига қўйиш учун ҳаракат қилганимизда, ўртага чиққан қиймат “етмайди”ни изоҳлашга етмайдими?

Кексаларимиз кўчада кийиш учун бир сидра, уйда кийиш учун бир сидра, тўй-маъракага кийиш учун бир сидра кийим-боши бўлганини айтишади. Бугун биз хафтанинг 5 иш кунида беш хил кийим кийиб, янги ҳафтада кийим жавонимиз олдида хўмрайиб ўтирамиз: “Кийгани кийимим қолмабди!” Дугонамизнинг туғилган кунига кийган оқшом либосимизни укамизнинг никоҳ тўйида киймаймиз: “Вой, уни ҳамма кўрди-ку!”

Етишмовчилик ва “етмайди”ларнинг сони бор-у, саноғи йўқ. Биз бу савдоларни маромига етиштириш кўйида чопганимиз сари етишмовчилик кўпайиб боряпти. Охир-оқибат бири кам бу дунёда тўймай яшаяпмиз.

Ечимдан гапир, дейсизми?

Қаноат!..

**Эришсам, шукр, эришмасам, сабр қиласман**

Ризқ – кўп пул топиш дегани эмас, топилган пулни хотиржам сарфлаш демакдир. Ризқ – нон, ош, асал эмас. Меъда бу неъматларни ҳазм қилиши – ризқ. Дунё

тұлған одам мол-дунёсінинг барини еган бўлдими?  
Йўқ, ҳар қанча уринма, фақат ризқингни ейсан.

Бир инсон: "Бир ширмой патир ҳасратидаман", – дея  
йигларди. Қасал зди, нон еёлмасди. Қанчадан-қанча  
бойлар бор, қасалтиги туфайли истаган нарсасини еёл-  
майди.

Кишлоққа боргандалов-даражатларни кўриб баҳриди-  
лим очитали. Сон-саноқсиз япроқлар бор. Ҳаммасининг  
ризқу насибаси бор, ризқи келмаса, қурийди. Атрофга  
қарайман, Аллоҳ мушукка мўйна кийдиради. Илон-  
га қимматбаҳо тери. Текинга. Бу уларнинг ризқидир.  
Қўйлар шунча заҳарли ўтларнинг ичидан фойдали гиёх-  
штварни топиб ейди, ризқини топади. Бургутлар ўлган  
ҳайвонтарнинг жасадини ейди, атроф топ-тоза бўлади.  
Чувалчанглисони ҳол билан "Мен ожизман, заифман", –  
дейди. Аллоҳчувалчангга тупроқдан ризқ беради.  
Денгиздаги балиқ "Мен ўзимга кўйлак тиколмайман",  
дейди. Аллоҳ балиққа либос бичади, тикиб кийдиради.  
Тагин ранг баранг, безакли кийимлар кийдиради.

Ҳалол ризқ – иқтидор ва ихтиёр билан мутаносиб  
эмас. Яъни инсон ақлли ва меҳнаткаш бўлгани учун  
бойиб кетди, деган гап йўқ. Ризқни унга Аллоҳ на-  
сиб этган. Ишлаб топдим дейиш тўғри эмас, бу ўзини  
илоҳлаштирмоқ демакдир.

Қурбақа сигирни кўриб, мен ҳам шундай бўламан,  
дебди. Шишибди, шишибди охир-оқибат пақ этиб ёри-  
либди. Ҳирс мана шудир. Ҳирс бой бўлишни истаган  
одамни еб битиради.

Инсон Аллоҳнинг раҳимлилиги ва ҳукмронлигига  
сигинса, ҳаловат тонади.

Бойлигини хотиржам еёлмаётганлар, уй олиб тинчгина  
яшолмаётганлар, ёстиғимиз остида жамғарған пулларни  
хузур билан еёлмаймиз. Кузатганларимиз шуни тақозо  
қиладики, ҳаёт биз истагандек давом этмайди.

Шундай экан ҳирсмандликка ҳожат йўқ. Албатта,  
яхши яшаш учун ҳаракат қилиш керак. Бадавлат бўлиш,  
кўп пул топиб яхши яшаш учун ҳирс эмас, дастур керак.

Иймо  
Вата  
кур  
риш  
бада  
ли в  
лан  
бўл

га  
хо  
на

м  
т  
бо  
д  
бо  
к

у  
н  
а  
у  
к

1

Ватан ва халқ манфаатини бойлик ортириш йўлида курбон қилиб юбормаслик керак. Бирорларга ёрдам беришни, эҳтиёжмандларга муруват кўрсатишни истаб бадавлат бўлиш учун ҳаракат қилинса, топгани баракали ва татимли бўлади.

Бойликни севган инсон ҳирс билан эмас, қаноат билан талаб қилсин, токи мол-дуниё баракали ва татимли бўлиб келаверсин...

## БЕРМАСА МАЪБУД...

*Амири маҳол деб, Аллоҳ пешонангга ёзмагану, сен ҳаракат қилиб чарчамайдиган шига айтилади.*

Насиб сўзини кўп ишлатишни яхши кўраман. Охирига кўзим етмаса, олдиндан ҳисобини олмаганим бирор ҳолат ё саволга дуч келсан, “насиб” дейман. “Сен ҳамма нарсага “насиб” деб кетасан!” деган яқинларим бор.

Ниманидир қўлга киритиш учун мужодала қилиш муҳимлигига, албатта, ишонаман. Тақдирга иймон келтирганим қадар, ҳаракат ва ғайратга ҳам ишонаман. Ёнбошлаб ётиб ҳеч нарсага ҳаракат қилмай, “тақдир-да!” деган одамдан жаҳлим чиқади. “Туюни қозиқقا маҳкам боғлаб, сўнгра таваккул қилиш керак” деган мезон энг қадрли, энг мантиқли қараш ҳисобланади.

Муваффақиятга эришиш, орзу-режаларнинг рӯёби учун мужодала қилиш экан, “ё насиб” дея югуришнинг, “ё насиб” дея меҳнат қилишнинг маъносини янада чуқурроқ англайман. Манзилингиз қаер бўлса, мақсадга эришиш учун қанча ҳозирлик қилсангиз қиласверинг, шартлар қанчалик сизнинг фойдангизга ишласа ишлайверсин, ҳар бир ҳолатда “ё насиб” дейишни тавсия қиласман.

Тақдирга иймон келтириш ёнбошлаб ётиш маъносини билдирамайди. Мақсадига, орзу-истакларига эришиш учун қўлидан келганча эмас, ҳатто қўлидан келдиганинг ортиғи билан ҳаракат қилса-да, истаганига эришолмайди. Насиб дегани, мана шу ҳаракатларим,

ғайратим билан кўзлаган мақсадимга эришсам, шукр, эришолмасам, сабр жандасини кийишга тайёрман, дегани. Бу китобий изоҳ эмас. Қайта-қайта “насиб” каломини қўллаганимдаги ҳиссиётларимнинг ёзувда ифодаланганидир.

Университет имтиҳонларига тайёрланаётган бир шогирдим бор эди. Бир неча йиллик имтиҳон топшириш тажрибасига эга, синовларни топширолмай енгилиш изтиробини ҳам бошдан ўтказгани учун ҳамма нарсага тайёр эди. Отаси билан бирга имтиҳон топширишга бораётганида кичик автоҳалокатга йўлиқади. Ота-болага зарар етмаган бўлса-да, ҳалокат қўрқувидан чикмагани учун имтиҳонни яхши топширолмайди ва ўша куни университетга кириш фикридан воз кечади.

Бир неча ойдан кейин бир ишга жойлашибди. Учрашиб қолганимизда менга бўлган воқеани айтиб берди. Ишлаётган жойидан жуда мамнун эди. Юз-кўзи, гапсўзларидан “Яхшиям, университетга кирмаган эканман” деяётгандай эди. Балки, университетга кирганида бунчалик яхши имкониятларга дуч келмаслиги, хозиргидек яхши ишламаслиги мумкинмиди?..

Бир ривоят ўқиган эдим.

Султон Маҳмудга жуда фақир, ҳатто қашшоқлигидан фахрланадиган бир одам ҳақида гапиришади. Султон Маҳмуд унга ғуурини оғритмай ёрдам бериш кераклигини ва ўзига буни сездирмасликни айтади. Хизматкорлардан бири пиширилган товуқнинг ичига олтин тангалар тўлдиради-да, қашшоқ одамнинг эшиги тагига қўяди.

Орадан бир қанча вақт ўтади, аммо фақир одам ҳамон ўша ахволда яшаётганди. “Балки, жуда катта микдорда қарздорлиги бордир” дея одамлар эшиги олдига пиширилган товуқнинг ичига олтин тўлдириб қўйиб кетаверишади. Орадан бир неча ҳафта ўтиб, ўша одамнинг ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганини кўрган масъуллар шубҳаланишади. Ўзини фақир ва қашшоқ кўрсатиб, одамлардан тиланиб юрадиган бир юзсиз бўлиши мумкин, деган эҳтимолга борадилар. Ҳолатни

Султон Маҳмудга билдирадилар. Султон Маҳмуд бу воқеани ўзи ўрганиш учун оддий инсон либосида хонадон эшигини тақиллатади. Очлигини айтиб, фақир одамнинг уйида меҳмон бўлади. Овқатдан кейин сухбат асносида Султон Маҳмуд эшигига савобталаблар ёрдам ташлаб кетиш-кетмаслигини сўрайди. Вакт-вақти билан қўни-қўшниларнинг ёрдам бераётганини айтган киши, “ёрдам берганларнинг ҳам, бермайдиганларнинг ҳам ҳақига дуодаман” дея жавоб қиласди. Бу кишидан гап олишга уринган Султон Маҳмуд шу кунгача ўзига қилинган энг ғалати ёрдам бўлган-бўлмаганини сўрайди.

– Икки бор эшигимга пиширилган товуқ қўйиб кетишибди, – дейди фақир киши. – Ҳар хил ёрдамни кўргандим-у, бунақасини ҳеч кўрмагандим.

– Товуқларни едингизми? – дея сўрайди гап айланиб ўзини қизиқтирган мавзуга тақалганидан жонланган Султон Маҳмуд.

– Мен ва оилам йиллар бўйи қуруқ нон билан қорин тўйдиришга ўрганиб кетганмиз, – дейди йўқсил одам.

– Эшигимда пиширилган товуқни кўриб, мен ҳам, болаларим ҳам товуқ ейишга ўрганмаганмиз, дея уни сотдим. Товуқ пулига бир неча кун нон олиб едик...

Бу жавобдан кейин Султон Маҳмуд ўша тарихий сўзларини айтади: “Раво кўрмаса Маъбуд, найласин Султон Маҳмуд?!?”

## ҚЎШНИНГИЗ МУҲТОЖ БЎЛСА, ИЙМОНИНГИЗНИ ТАФТИШ ҚИЛИНГ

*Кам берганингдан хижолат бўлма!  
Йўқчилик бундан-да камдир...*

Ҳаётимизда унутишимиз қийин бўлган кўп ҳолатлар юз берган. Биронинг ичидаги соғинч ҳасрати, кимнинг дир қалбида аламли кутиш, яна биронинг кўнгли армон билан тўла. Баъзан шундай воқеаларга гувоҳ бўласизки, бир неча кун таъсиридан чиқолмайсиз. Яна шундай воқеаларга дуч келасизки, йиллар бўйи кўз ўнгингиздан

нари кетмайди. Баъзи воқеалар ҳаётингизни ўзгартириб юборса, баъзи изтироблар умрбод кўнгил ярангизга айланади.

Унутилиши қийин бўлган кўп нарсалар бор ҳаётимизда. Мен ҳам ҳеч қачон унуголмайдиган бир хабар олгандим. Очликдан ўлган бола ҳақида хабар юборишибди. Хабарнинг тафсилотлари мухим эмас. Аммо бизнинг тупроқларда бир бола очликдан ўлганини биринчи бор эшитишим эди. Бир гўдакнинг очликдан ўлиши кўнглимга давосиз дард индирган. Бир гўдакнинг бир неча кун бир бурда нон емаган, бир пиёла сув ичолмагани сизга изтироб бермаса, юрагингизни кўздан кечиринг. Ҳатто инсонлигингизни ҳам...

Куйидиги ҳикояни бир ўқувчим жўнатган эди. Уни ўқир эканман, очликдан ўлган гўдак ва оммавий ҳиссизлигимиз хаёлимга келди. Ҳикояни ўкиб, қўлимдаги мобил телефон ва уст-бошимдан уядим. Яна емакхоналарда сарфланадиган пулларимдан ҳам. Кўрайлик-чи, сизга ҳам таъсир қиласмикан?

### **“Кулчанинг пулига жаннатни сотиб оламан”**

Сўнгидарс ҳам тугаяпти. Ўқувчилар дарс ниҳояланишини кутиб бетоқат бўлишяпти. Ўқитувчига сездирмай дафтар-китобларини портфелларига сола бошлишди. Фақат Алигина кетишга ошиқмаяпти. Ниҳоят, қўнгироқ чалинди. Ўқувчилар гурр этиб эшикка йўналдилар. Али ўрнидан қўзғалмади. Бамайлихотир нарсаларини йиғишири бошлади. Аҳён-аҳёнда кўз қирида ўқитувчисига қараб қўяр, синфдошларининг бари кетишини пойларди. Ўқитувчи унинг кетишга ошиқмаётганини билди:

- Тинчликми, Али? – деди. – Уйингга қайтмайсанми?
- Али ҳамма синфдошлари кетиб бўлгач, деди:
- Сизга айтадиган гапим бор эди, устоз.
- Яхши. Нима демоқчисан?
- Аҳмад ўртоғимиз бор-ку...
- Ҳа, нима бўлибди Аҳмадга?

Иймон ва хузун.....

- Уларнинг иқтисодий шароити яхши эмас, шекилли.  
Онаси нон халтасига тузукроқ егулик солмайди.

- Хўш?

- Унга ёрдам беришни хоҳлайман. Аммо мен унга ёрдам бераётганимни билса, ранжиб қолиши мумкин. Ҳар куни бир тешиккулчага етадиган пул йифиб, ҳафта охирида сизга берсам, сиз уни Аҳмадга берсангиз, дегандим...

Али шундай деди-ю, чўнтағидан бир ҳовуч майдагулларни чиқариб, ўқитувчисининг столига қўйди. Нурхон муаллима пулларга тегмади. Ўтириб ўйга ботди. Али хакидаги маълумотларни титкилади. Алининг оиласи ҳам иқтисодий жиҳатдан унча яхши эмас. Бу тиришқоқ ва севимли ўқувчи бунча беғубор, мулоҳазали бўлмаса-я?! Бадавлат оиланинг боласи бўлмаса-да, эҳтиёжманларга ёрдам беришни истарди. Бунинг устига, ёрдам қилганини билдиromoқчи эмас.

- Тўхта, ҳой, Али, - деди Нурхон муаллима. - Билишимиша сизларнинг ҳам моддий аҳволингиз унчалик яхши эмас ёки мен янгишляпманми?

- Тўғри, устоз. Отам мардикорчилик қилади. Ҳар доим ҳам иш топавермайди. Аммо мен ҳам ишлайман, дарсдан бўш пайтларимда. Пул топаман.

- Қаерда ишлайсан? - ҳайратланди муаллима.

- Тешиккулча сотаман.

Нурхон муаллима яна ўйга ботди. Ҳали бунчалик беғубор яхшилик кўрмаган эди. Ўзи эҳтиёжманд бўла туриб камбағал ўртоғига ёрдам беришни истаган болани ниятидан қайтариш учун бирор чора излади. Шундай қилиши керакки, севимли ўқувчисининг кўнгли синмасин. “У билан бироз гаплашиб ўтирсам, балки, фикридан қайтарарман”, - дея ўйлади. Кейин Алига қаради:

- Катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?

- Жуда ҳам бой тадбиркор! - қатъият билан жавоб берди Али.

- Нима учун?

- Инсонларга кўпроқ ёрдам бериш учун!

– Ажойиб, – деди Нурхон муаллима. – Менга қарға, Али, Аҳмаднинг оиласининг моддий ахволи яхши эмас, бу түғри. Аммо сизларники ҳам улардан кўп фарқ қилмайди. Одамларга ёрдам беришни қаттиқ хоҳларкансан, шошилма, катта бой бўлганингда мухтожларга кўмак берасан. Бўладими?

– Бўтмайли, деди Али. Ҳозир қилиш им керак буни. Нега бўтмайди?

Бунинг учун сабаби бор: барибир бу пул меники эмас. Яхшилик қилинам үчун Аллоҳ мени инсонларга яхши китоб кўрсатади. Инсонлар ҳам бундан таъсирланиб, мендан кўпроқ тешиккулча сотиб оладилар. Натижада катто кун буйи ҳаракат қилганлардан ҳам кўпроқ тешиккулча сотаман. Аввало маҳалламизда Ҳасан амаки деганлари бор, ҳар куни иккита тешиккулча олиб каштарларга беради. Иккинчидан, “Нихолни қай томонга эгсанг, шу томонга қараб ўсади”, – дейишади. Ҳозирдан яхшилик қилишни ўрганмасам, катта бўлганимда яхшилик қиломайман. Учинчидан, энг муҳими, катта бўлганимда жуда катта ва бой ишбилармон бўлишни истайман. Ўз вақтида етарли сармоя ажратмаганлар катта ишбилармон бўлолмайдилар.

Нурхон муалима рўпарасида катта одам тургандек ўкувчисини диққат билан эшитарди:

– Охиргисини унча англамадим. Бироз очикроқ галирасанми?

– Ҳа, – деди Али. – Ҳозир бой бўлмаганим учун фақат бир кунда бир дона тешиккулчанинг пулини ёрдам қиласман. Бундан ортигини беролмайман. Аллоҳ кучи етганчалик яхшилик қилганга жаннатни ато эта-ди. Ҳозирги кучимга кўра, мен учун жаннатнинг нархи бир тешиккулча пулининг микдоричадир. Агар бой бўлолмай вафот этсам, бир нечта тешиккулчанинг пули билан ҳам жаннатга кира оламан. Бундан ҳам фойдали, сердаромад савдо борми?..

Нурхон муаллиманинг кўзлари ёшланди. Тасдиқ маъносида бошини ўйнатиб, столи устидаги майда пуллар-

ни  
бун  
оли  
хая  
тод  
кул  
са  
зи  
ту  
ке  
ту  
бо

к  
а

ни бир-бир тўплашга киришди. Шу пайтгача унга пул бутдай қадрли туюлмаганди. Гўё дунёнинг энг қиммат отмосу тавҳарлари, маржону ёқутларини ушлагандай ҳафжонлапарди. Ҳовучидаги пуллар ҳатто қимматбаҳо тонштардан ҳам қийматлироқ эди. Бу пуллар, тешиккutta ортидан келган пуллар Жанинатни сотиб оладиган гармоя эди. Тушириб юборишдан чўчигандай ҳовучида зинушларди, тешик кулча пулларини. Ўтирган жойидан суротмай қолди Нурхон муаллима. Юраги ҳаприқиб кетаётганини, таъриф, қийин туйғулар юрагини ўтирастганини хис қилди. Бирдан ҳўнг-ҳўнг йиглайди. Йинглади. Йиглади. Узоқ йиглади.

Ўзига келганида кеч тушганди. Содик қоровул охиста катамлар билан мактабдан чиқиб кетаётган Нурхон муаллиманинг “Тешиккулча пуллари билан жаннатни сотиб олиш...” дея ўз-ўзига шивирлаб кетаётганини эшишиб қолди. Қоровулнинг: “Нима дедингиз, устоз?” деган саволини эшиитмаган Нурхон муаллима, Содикнинг ҳайрон нигоҳлари остида қоронғулик ичига шўнғиб кетди...

Хикояни ўқиб, Алини олқишлиб қўйгандирсиз. Ўзингиздан уялган бўлсангиз ҳам, ажаб эмас. Агар моддий ахволингиз унчалик яхши бўлмаса ҳам, икки дона нон олиб атрофингиздаги бирор фақирнинг эшиги олдига қўйинг.

Бирор мактабнинг эшиги олдида кутиб, пойабзали йиртиқ болага янги пойабзал олиб беринг.

Мухтоҷ қариндошингизга ёрдам қўлини чўзинг.

Болаларингизга олиб келган бир кило олмадан икки донасини қўшнингизнинг болаларига илининг.

Ҳозир одамларга ёрдам қилиш, Алининг таъбири билан айтганда, “Жаннатни сотиб олиш” жуда осон. Фақат қалбингиз кенг, инсонийлигиниз тирик бўлса бўлгани!

Эсингизда бўлсин, нонни бошқалар билан баҳам кўриш уни ейишдан кўра лаззатлироқ!...

## ИЛОҲИЙ ТАҢБЕҲ

Кўчада уст-боши кир, вужуди нихоятда озғин қизалоқ ўтган кетганига тиланиб, садақа сўраётган эди. Қизалоқнинг хвада кийимлари, иркит юз-кўллари кўзи тушибан инсонни паришон киларди.

Тиланчи қизалоқ ёлвораётгани кўчадан кўркам йигит бўди. Ўир карашда қизча дикқатини тортди, аммо орқасига ўтирилиб қарамади. Катта, хашамдор ҳовлисига уни баҳтиёр ва ҳаловат ичида яшайтган оиласи, чиройли тузалган дастурхон кутарди. Лекин дастурхон бошида ўйлари бояги кўчада тиланчилик қилаётган қизалоқка тақалаверди.

Хиссистлари уни таъқиб этар, шу қизчага уч-тўрт сўм садақа бермагани учун ўзига-ўзи эътиrozлар киларди. Сўнг айборлиқдан қочишининг энг осон йўлини топди: Аллоҳга эътиroz билдириди.

- Аллоҳим, Ўзинг ҳар нарсага қодирсан-ку, шугина қизалоқка раҳм қилсанг, уни мухтожликдан ҳалос қилсанг бўлмайдими?!

Қалбининг туб-тубидан шундай Илоҳий Садо тарагиди:

- Сени нега яратганим ва бунча мол-дунёни нега берганимни тафаккур қилмайсанми?!

## ҚАЛБИНГИЗ ВА РУҲИНГИЗНИ ҚУВВАТЛАНТИРИНГ

Берувчи қўл оловчи қўлдан яхшироқлиги, садақа умрни узайтириши, мусибатлардан ҳалос бўлиш учун жонлиқ сўйиши, катта мусибатлардан соғ-саломат, беталафот чиққандан кейин жонлиқ қурбонлик қилган афзаллиги тарих сузгичидан ўтган оят ва ҳадисларнинг бизга қолдирган одатлариданdir. Ислом хамиртуруши билан озиқланган маданиятимиз баҳам кўришни ҳаёт тарзига айлантирган. Биз яшаётган аср эса ғарб маданиятининг худбин қарашлари ҳукмрон бўлган давр

хисобланади. Яъни баҳам кўришни эмас, жамғаришни тағсия киладиган маданият. (Агар буни маданият тайин түгри бўлса!) Қанча кўп жамғарсанг, шу қадар кўп баҳали бўлишини уқтираётган маданият(сизлик). Кўнингдаги имконлар билан бошқаларни севинтириш (ринга, тинимсиз яна бир янгисини тарғиб қилаётган маданият)(сизлик).

Хорижда нашр қилинадиган Social Psychological and Personality Science журналида Kurt Gray исмли тадқиқотчи оғимнинг изланишилари натижасидаги хulosани ўқиб, кўдим. Бизнинг маданиятимиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизга сингиб кетган оддий ҳолатлар тадқиқотчи томонидан исбот қилиниб, илмий изланинг дарражасига олиб чиқилганидан кулгим қистади.

Биз яшаётган олам турли хавф-хатарлар ва машаккатларга тўла. Бу ҳаёт билан муроса қилиш учун кувват, сабр ва ирода каби инсоний хусусиятлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай хислатлар соҳиби бўлган фарзандлар тарбиялашни ким ҳам истамайди дейсиз? Гарвард университетида ўтказилган бир тадқиқот ахлоқ муносабатлари учун юқоридаги хусусиятлар инсонда бўлиши кераклигини исботлабди. Social Psychological and Personality Science журналида чоп этилган тадқиқот хulosаларига кўра, бир кишининг бошқа инсонга яхшилик қилиши, ҳатто бир инсонга ёрдам беришни ўйлаши, ўша инсонни машакқатларга сабр-тоқатли бўлишга ундейди ва ҳатто жисмоний жиҳатдан инсонни янада бақувват қиласр экан. Gray тадқиқотида иккита тажрибани режалаштирибди. Биринчи тажрибада кўнгиллиларга бир доллардан пул берилибди ва бу пулни ё ўзларига сақлаб қолиш ёки хайрия ташкилотларига садақа қилишлари мумкинлиги айтилибди. Ундан кейин қатнашчиларга 5 лиibre (2,5 килограммга яқин) юкни кўтариб тура олганларича кўтариш сўралади. Ўзига берилган пулни хайрия ташкилотларига бағишлиганлар бу юкни бошқаларга нисбатан 10 дақиқадан кўпроқ ушлаб тура олишибди. Иккинчи тажрибада эса орзу

қилиш билан боғлиқ тадбир ўтказибди. Бу тажрибада кўнгиллilarга ўзлари билан боғлиқ хаёлий хикоя тўқишилари сўралибди. Бу хикояда ўзига ёки бошқа инсонга ёрдам берганда ё бирор зарар етказганда, умуман ҳеч нима қилмагандага нималарни ўйлашни ёзиш топширилибди. Аввалги тажрибада бўлганидек, ўзига ё бошқа бирорга ёрдам қилишини хаёл қилганлар кучкuvват ва сабр-тоқатда бошқалардан кўра олдинда эканни аникланибди.

Бу тадқиқотларни ўтказган Kurt Gray тажрибалари ни ахлоқий маънода “Хақиқатга айланган башорат” дея номлабди. Яъни инсон яхшилик қилганини ўйлади, ўзини яхшилик қилгувчилардан деб ҳисобласа, кучли, бақувват ва иродали ҳис этади. Парҳездан депрессияга ча бўлган муаммоларни енгиш учун ҳам атрофдагиларга яхшилик қилиш билан енгиш осон йўл эканини таъкидлаган Gray, “Балки, ишга кетаётib, жуда мазали егуликка қарши туришнинг энг яхши йўли – эрталаб бирор муҳтожга садақа беришдир”, – дейди. Бу усул безовталик ва депрессиядан қутулиш учун ҳам яхши натижа беришини таъкидлаган Kurt Gray “Бошқаларга ёрдам бериш ўз ҳаёти назоратини янгидан қўлга олишнинг энг қулай йўли бўла олади” дея депрессия ва ҳаловатсизлик муолажаси билан боғлиқ ажойиб ечим мисол келтиради. “Берувчи қўл оловчи қўлдан яхшироқдир” деган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларимиз. Олганда, йиғандага эмас, берганда, баҳам кўргандага кўпроқ хурсанд бўлишимизни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча аср олдин айтиб кетганлар. Демак,

севиниш учун севинтилинг;

севилиш учун севинг;

кўпроқ тошиш учун тоиганларингиздан улашинг.

Буларнинг бари сизни маънавий-рухий жиҳатдан кучли қиласди.

Рухий кучнинг моддий кучдан устунлигини англамаган ғарб моддий жиҳатдан кучлилигига қарамай, маънавий жиҳатдан чўкиб кетмоқда.

Ийма  
Р  
бол  
бўл  
1  
куе  
кў  
рў

Н  
Д  
1  
,

Рухияти тушкун (маънавий жиҳатдан синган) футболчи бақувват бўлса ҳам, етарлича тайёргарлик кўрган бўлса ҳам, яхши ўйнаёлмайди.

Мушакларингиздаги қувватга эмас, қалбингиздаги қувватга ишонинг.

Қалбингизни олиш, йиғиш эмас, бериш ва баҳам кўриш қувватлантиради.

Берувчи қўлга боғлиқ қалб, йиғувчи қўлга эгалик қиласиган қалбдан кўра кучлироқдир. Қалбингиз ва қалбингизни қувватлантиринг.

### Иқтибос

Инсон изтироб билан ҳаётга янгича истиқбол ётмоҳидан қарайди. Қайғулар мулоҳазага чорлайди. Изтироб билан инсоннинг ҳиссиётлари, тушуниш қобилияти бойийди. Инсоннинг рухи қайғу билан улгаяди, юксалади. Дардда сохта ҳаётда топилмайдиган буюклиқ бор. Изтироб ортида мудом кенг кўнгил бўлади. Изтироб чекмагунича инсон идеал қатъият билан мужодалага кирмайди. Чунки роҳат инсонни ҳиссиз ба кучсиз қиласи. Чунки “тўкин-сочинликда фазилатлар сарғайиб сўлади”. Изтироб чеккан киши маъзур кўришни билади. Чунки қайғу доим асос излайди. Инсон қалбининг тубига қайғу билан тушади. Ўзи учун энг қийматли маълумотларни изтироб ёрдамида тўплайди. Изтироб рухни харакатга келтиради. Агар енгилиб йикилмаса, инсон изтироб билан катта куч тўплайди. Инсон ўзини қайғу соясида енгади. Инсон ҳақиқатни қайғу ёрдамида идрок этади.

Камол Ўролнинг “Иймон анатомияси” китобидан.

### Иқтибос

Инсон “вов” ҳарфи шаклида яралади. Бир муддат қаддини тик тутса, ўзини “алиф” санайди. Инсон мудом букилиб яшайди. Ҳолбуки, тик ва тўғри бўлган куни ўлади. Бандаликнинг маъниси “вов”дадир, “алиф” илоҳият ва аҳадият (Аллоҳнинг биру борлиги тажалли-

си) тимсолидир. Шунинг учун ҳам лафзи илохий “алиф” билан бошланади. “Алиф” коинотнинг калити, “вов” эса коинотдир. Рабби бандаларининг “вов” каби камтар бўлишини истайди. Мусо “дол” бўлган эди, бироқ Фиръавнинг кўзи “алиф”да қолди. Иброҳим оловда “вов”, Намруд эса биззот, оловда ўтин бўлди. Юнус балиқ қорнида “вов” шаклида ётиб ўзини кутқарди. Инсон она қорнида икки буклансагина тинчланади. Бутун бўйи басти билан чўзилиб ётса ҳам, ким мозорда тинч экан? “Вов” “Алиф” билан нақадар яхши муносабатда бўлса, коинотнинг мувозанати ҳам шундай силлиқ бўлади. Ким кимни эсласа, аввал ўшанга югуради. Коинотда барча жисмлар бўшлиқда айланар экан, балки, шунинг учун ҳам инсон бўшлиқда қолиб кетмагандир. Рабби қалбини иймон билан тўлдирган. Аввали “алиф”дир, бир илохий нафас билан оқибати “вов” бўлади коинотнинг. Маъносини билмаганлар “вов” демайди, “вой” дейди. Буни англаб етганида, вовайлолар дейдилар. Яъни “вов” бўлмагани учун фарёд қиласиганларнинг ҳолидир вовайлолар. “Алиф” – дарахт, инсон унинг шохидир. Азро-ил уни бутамоқ учун келса, нафас товуши дағаллашади. Ҳар бири “дол” бўлади ва ўша дарахтдан ризқланади. “Вов” бўлган дарахтнинг соясидан паноҳ топади. Ва Аллоҳ инсонга садо беради, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тилларидан етказилган хабарда инсонга “ҳам “дол”, ҳам “вов” бўл”, дейилади. Бирорнинг олдида эгилиш нақадар мashaққатли?! Кимнингдир буйруғига итоат этиш нақадар оғир? Не-не шоҳларга бўйин эгмаган инсон, ўзи кўрмаган борлиққа итоат қиласими? Инсон ўзини ҳам билмайди. Икки “лом” бир-бирига уйқашиб коинотни тутиб турган устунлар каби “алиф” атрофида турибди. Коинотнинг кезувчилари юмaloқланиб сўнгги ҳарф каби ортидан кетаркан, инсон йўловчиликда ортда қолмаслик дардини қачон англар экан? Машаққатдадир, пушти паноҳи йўқ. Оламга ва овозларга диққат қилганлар қутлуғ чақириқни эшитади: “Сабр ва намоз билан Аллоҳдан ёрдам сўранг!” Сўнгра

инс  
учу  
“ЭГ  
зис  
ето  
бал  
(й)  
ли

A  
M  
  
a  
d  
c  
y  
e  
j

Чамлижа  
алиф  
в" эса  
мтар  
биръ-  
вов"  
Алик  
Гоня  
йүй-  
сан  
"са.  
Ди.  
Мда  
нг  
Би  
р  
Г.  
1.  
"

Инсон ва хузуу"

инсонни чақиради, балки, жаннат ифорини ҳидлатиш  
шундир бу даъват? Балки, ҳузурига чақираётгандир?  
Энэл ва Мен сенинг бошингни кўкларга етказаман, ке-  
то охирига столмайдиганинг жаннатлар, санаб адодига  
майдиганинг неъматлар ато этаман" демокдадир,  
балки? Сажда қилиш, "вов" бўлиш, "вой" демаслик, "ло"  
(лк) бўлиш Раббингнинг қаршисида бор бўлиш, юксак  
демакдир.

## Иқтибос

### НЕГА ҚАЛБИМДА НАМОЗГА МУҲАББАТ ЙЎҚ

Бир талабам савол берди:

- Маълумки, намоз – исломнинг биринчи фарзи.  
Аммо қалбимда намозга муҳабbat йўқ. Нега намоз ўқиш  
машаққатли туюлади?

Инсонни иштиёқ ва манфаат бошқаради. Мўмин аввало мусулмон одобига хос бўлмаган иштиёқу манфаатлардан тийилиши лозим. Сўнг ҳалол амаллар ва солиҳлар даврасига қўшилиши, "Бугунга қадар нафсим истагандай яшадим. Бугундан бошлаб фақат Аллоҳнинг буюрганига итоат қиласман!" деган ниятда собит туриши керак. Бу қарор инсоннинг дунёси ва охиратини жаннатга айлантиради. Аллоҳ истагандай яшаш инсондан кучли иймон талаб этади. Бундай иймонга ҳақиқий иймон сабоқлари ва сұхбатлари орқали мұяссар бўлинади. Фикри ожизимча, инсон намозларда бардавом бўлиш учун аввало атроф-жавонибини ўзгартириши керак. Дўсту ёрлар, таниш-билишлар, доимий муомала-муносабатда бўладиган кишиларининг инсонга таъсири бениҳоя бўлади.

Саксон ёшдаман, аммо ҳануз маънавий дунёимга фойдаси бўладиган инсонлар томонга ошиқаман. Чунки ҳаром селдай оқади. Ҳаромни қувватлайдилар, ҳаромни тарғиб қиласидилар. Бундай пайтда ўзини мажбуrlаб бўлса ҳам инсон олимлар, солиҳлар даврасига бориши

керак. Ҳар доим ҳам тафсир ўқишига имкон ва вақт топа-  
вермайди. Аммо шундай инсонлар борки, умри, ҳаёти,  
холу ҳаракати, ҳар қадами билан инсонга таълим бера-  
ди. Улардан фойдаланиш ақлнинг озуқасидир.

Аҳамият берилса, масжидга бормайдиган, намоз  
ўқимайдиган инсонлар аввало дунё ҳаётида мashaққатда  
яшайдилар. Масжидлар Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаси-  
дир. Нуҳ алайҳиссаломнинг кемасига ҳайвонлар чиқди,  
аммо ўғли чиқмади. Намоз ўқимаётганлар ҳам Нуҳнинг  
кемасига чиқишини истамаётганлардир. Ўйлаб кўринг-  
чи, халоскор кемага чиқмаганлар кимлар эди? Изланиш  
керак, ўқиш керак...

### Намозга муҳаббат

Намоз ўқишига аҳд қилган инсон жисмонан шундай  
демоқчи бўлади: “Менинг заруратим йўқ. Заруратим  
Аллоҳ буюрганига итоат этишдир!”

Учрашув ва семинарларда менга шундай савол би-  
лан мурожаат этишади: “Фарзандларимизга намозга  
муҳаббатни қандай уйғотишимиз мумкин? Болалари-  
мизни намозларни вақтида, бенуқсон адo этишлари  
учун нима қилишимиз керак?”

Шундай жавоб қиласман уларга:

“Аввало ўзимиз Ислом арконларига хос, мусул-  
мон ҳаётида яшшимиз керак! Энг гўзал ва мукаммал  
сабоқ амали, хатти-ҳаракати билан сабоқ беришдир.  
Мен болаларим ва фарзандларимга намоз ўқинглар,  
демаганман. Рафиқам ва фарзандларим билан сайру  
саёҳатларга чиқадиган бўлсак, “қайси уловга чиқсан,  
тез ва бехатар манзилга етамизу, намозларимиз қазо  
бўлмайди?” дердим. Болаларим намозга бўлган муно-  
сабатим ва муҳаббатимни кўриб улғайдилар. Балки, на-  
моз ўқинглар, дея мажбурлаганимда ғуурлари оғрир,  
намозга мажбурият юзасида.. қарабидилар?

Баъзан намоз ўқиш менинг нафсимга ҳам малол  
келади. Кексаман, бетобман. Таҳорат олиш, намоз  
ўқишига қийналаман. Аммо нафсга оғир ҳолатда намоз

И  
ў  
қ  
х  
о  
в  
а  
ф  
г  
и  
к  
т  
у  
:

Жа-  
топа-  
саёти,  
Бера-

намоз  
этда  
иси-  
ди,  
тнг  
ЧГ-  
Ши

Иймон ва хузун

ўқиши Аллоҳнинг лутфи марҳаматидир! Чунки нафси  
хоҳламаган одам Аллоҳ ҳоҳлагани учун намоз ўқийди  
ва бу билан ихлоси ортади. Ихлос бир амални фақат ва  
фақат Аллоҳ розилиги учун бажармоқдир!

Бир инсон сўради: “Хоҳламай намоз ўқиши намоз-  
га нуқсон етказмайдими?” “Ўзи хоҳламай намоз ўқиши  
ибодат ажрини орттиради!” дедим. Ҳайратдан шошиб  
колди: “шундай бўлиши мумкинми?!?” “Агар қалбинг ис-  
тагани учун, маънавий лаззат, руҳинг енгил тортиши  
учун намоз ўқисанг, ўзинг учун ўқиган бўласан. Аммо  
ўзинг истамай намоз ўқисанг, Аллоҳ розилиги учун  
ўқиган бўласан!” дедим.

Қўққисдан уйғониб кетаман. Соатга қарасам, бом-  
додга яқинлашган бўлади. Рафиқамдан таҳорат олиш  
учун ёрдам сўрайман. “Хоним, яқинда вафот этамиз.  
Келинг, яххиси, ибодат қиласилик!” дейман. “Яқинда ва-  
фот этишимизни қаердан биласиз?” – дейди рафиқам.  
“Биологик умрим тугаб боряпти, тақвимлар шундай  
далолат қилмоқдалар” дея жавоб қиласман. Ҳар намози-  
мизда сўнггиси каби ибодат қилсак, намоз бизга малол  
келмайди. Пешинни адo этсам, асрни ўйламайман. Аср-  
гача етаманми-йўқми, Аллоҳ билгувчи.

Яна бир нарсани ўйлаш керак – дунё ишлари намо-  
зимиздан қийматлими? Намоздан муҳим, ибодатдан  
қадрли иш йўқ! Қабристонларга қулоқ тулинг: “Дунёда  
абадий қолмайсан!” деган илоҳий огоҳлантиришни тую-  
сиз. Дунёда қандай ишлар билан машғул бўлсак, охират-  
да ўшаларни топамиз!..

Ҳакимўғли Исмоил

## ШАРҚ ҲИКОЯТЛАРИ ЁРДАМИДА РУҲИЯТНИ ДАВОЛАШ

Замонавий психология инсонни баҳтли қилиш,  
баҳтсизлигини енгиш борасида иш бермаганини энди  
ғарбликлар ҳам тан олишга мажбур. Ҳапдори восита-  
сида унуттириш-ухлатиш услуби билан яна қаергача

боришади, буни билмайман. Университетда ўқиб юрган кезларимда Эронда туғилган, Германияда яшаган, Швеция ва Америкада таҳсил олган невропатолог ва психиатр олим Нусрат Песечкиан қаламига мансуб “Шарқ ҳикоялари ёрдамида руҳиятни даволаш” китоби қўлимга тушиб қолди. Олим руҳий муолажа учун доридармонлардан эмас, ҳикоят ва ривоятлар билан bemорларни муолажа қиласарди. Аммо қизиқарли жихати шугина эмас. Мени муолажа учун танлаган ҳикоятлари жуда таъсирантириди. Психотерапевт bemорларни даволаш учун фақат шарқ ҳикоятларидан фойдаланаар экан. Шарқ ҳикоятлари ҳам бизга нотаниш эмас. Ҳаммамиз билганимиз ва билишимиз керак бўлган ҳикоятлар. Нусрат Песечкиан Мавлоно Румийнинг “Маснавий”сидан, Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” ва “Гулистон”идан танлаган ҳикоятлари билан bemорларини даволар экан. Муаллиф китобидан ҳикоятлар энгаччиқ сабоқни ҳам татимли ва қизиқарли қиласиган бир қошиқ шакар каби таъсири бўлишини таъкидлаб, ҳикоятлар билан муолажа қилиш кулаги ва фойдали экани хусусида мулоҳаза юритади.

Отасидан қолган компанияда ишлар кўплигидан бўғилган, оиласи ва болаларига вақт ажратолмагани учун оиласи муносабатларда зиддиятларга борган бир тадбиркор муолажа олиш учун ёнига борганида уни тинчлантириш учун дарров дори ёзиб бермайди. Аввал уни узоқ эшигади, сўнг иш ва шахсий ҳаёти орасидаги мувозанатни мутаносиб ҳолатга келтириш билан барча муаммоларидан халос бўлиши мумкинлигини айтади. Бу йўлни унга кўрсатиш учун ҳар хил ҳикоятларни мисол қилиб келтиради. Шу ҳикоялардан бирини келтираман.

### **Қозиқни қалбга урманг**

Бахтиёрлиги ўзидан воз кечиш, умиди жаннат бўлган донишманд бойлиги ошиб-тошиб ётган бир шаҳзодани учратиб қолибди. Шаҳзода чодирда ётиб дам олиш учун шаҳар ташқарисига чиқсан экан. Чодири жуда қимматбаҳо матодан тикилган, ҳатто уни ерга қадаган

қозиқлар олтиндан экан. Оддий ва ҳашаматсиз ҳаётни маъкул кўриб келган донишманд шаҳзодага дунё молининг, чодирнинг олтин қозиқларининг ҳеч маънисизлиги, инсон харакатлари ва истакларининг охири йўқлиги ҳақида гапирибди. Шунингдек, илохий масканларнинг нақадар роҳатбахш ва кўркамлигини айтибди. Сўнг кутиш дунёдаги энг гўзал баҳт эканини таъкидлабди. Шаҳзода жиддий туриб унинг гапларини эшишибди. Донишманднинг қўлини тутиб шундай дебди: “Бу гапларинг мен учун йўл кўрсатувчи бўлди. Дўстим, кел, мен билан илохий масканлар сайрига ҳамроҳ бўл”. Шундай дебди-да, шаҳзода ортига ҳам қарамай, ўзи билан ҳеч нарса олмай йўлга тушибди. Донишманд бу ҳолатдан хайрон бўлибди ва шаҳзоданинг орқасидан югуриб, баланд овозда шундай дебди:

– Шаҳзодам, чиндан муқаддас маконларга бормокчимисиз? Агар жиддий бўлсангиз, бориб ўзимга зарур ашёларимни олиб келгунимча мени кутиб туринг.

Шаҳзода табассум билан шундай дебди:

– Мен бойлигим, оту олтинларим, чодирим, болаларим ва қўлдимда нима бўлса, ҳаммасиниташлаб чиқдим. Сен икки-уч кийиминг учун орқага қайтасанми?!

Донишманд ҳайрат ичидаги сўрабди:

– Шаҳзодам, қандай қилиб бутун мол-дунёнгизни ташлаб кета оласиз?

Шаҳзода паст, аммо жуда тушунарли оҳангда шундай дебди:

– Биз чодирнинг олтин қозиқларини тупроққа урганимиз, қалбимизга эмас!

Боболаримиз, момоларимиздан кўп ривоятлар, эртак-ҳикоятлар эшигганмиз. Авваллари оилавий ҳаётимизда бўлган, бугун негадир буткул йўқолиб кетган “ҳикоя ва эртаклар айтиш қадрияти” нақадар аҳамиятли эканини тушуниб етишим учун бу китоб васила бўлди. Тунлари танча атрофида ўтириб болалари ёки набираларига ривоятлар айтиб бериш маданиятидан маҳрум бўлганимиз бадалини жуда оғир тўлаяпмиз. Кеча танча

ёки хонтахта атрофида ўтириб китобхонлик қилган, болаларига эртак, ривоятлар айтиб берганлар ўрнини бутун ТВ қаршисида сериал томоша қилаётганлар эгаллади. Бу туфайли юзага келаётган оқибатларни дорилар билан даволашга уриняпмиз. Аммо афсуски, кундан кунга аҳвол ёмонлашиб боряпти. Ҳикоят ва эртаклар рухга малҳам бўлишини, бу малҳамни ота-оналар болаларига ўз қўли билан ичирса, таъсири янада кучайиши ни англашимиз керак. Ҳар оқшом уйда сериал томоша қилмай, болаларига Мавлоно Румийдан қиссалар ва бу қиссалардан чиқадиган ҳиссаларни айтиб берадиган маърифатли оталар кўпайсин, деб қоламиз.

### **Севги, бойлик ва омад**

Бозорга тушиш учун уйдан чиқсан аёл эшиги олдидаги ўриндиқда ўтирган оппоқ соқолли уч кекса чолга кўзи тушиб, аввал тўхтаб қолди. Сўнг самимият билан, чин дилдан уларни уйига таклиф қилди:

– Бу ерда ўтирган экансизлар. Учовингиз ҳам очқагандирсиз. Марҳамат, ичкари киринглар, сизларга бирор егулик тайёрлайман.

Кексалардан бири аёлдан эрининг уйда бор-йўклигини сўради. Аёл ҳозир эри уйда эмаслигини, бироз олдин чиқиб кетганини айтди. Қария бошини икки ёнга тебратди:

– Эрингиз уйда бўлмаса, биз ҳам даъватингизни қабул қилолмаймиз.

Оқшомда эри келганди, аёл қарши томонда ўриндиқда ўтирган уч кекса билан бўлган сухбатни унга айтиб берди.

– Сиз уйда бўлмаганингиз учун ичкарига киришни истамадилар, – деди.

Кексаларнинг бу муносабатидан эркакнинг раҳми келди.

– Бир қара-чи, – деди хотинига. – Ҳамон ўша ерда ўтиришган бўлса, уйга таклиф қилавер.

Аёл эшикни очиб рўпарадаги соч-соқоли оппоқ ўша қарияларга дуч келди.

## Иймон ва хузун

– Эрим келди, ҳозир уйда, – деди ва уларни яна таклиф қилди. – Бирга овқатланиш учун сизларни яна уйга таклиф қилмоқчи эдим.

Аёлнинг даъватига қариялардан бири шундай жавоб берди:

– Биз бирор уйга учовимиз бирга кирмаймиз, – сўнг бир тин олиб, шундай изоҳ берди, – ўнг томонимдаги шеригимнинг номи Бойлик, бу томонимдаги шеригимнинг эса исми Омад. Менинг отим Севги.

Ўзи ва шерикларини таништирганидан кейин Севги аёлга ғалати бир тавсия берди:

– Энди уйингизга боринг ва эрингиз билан ўзаро кенгашиб, бир қарор беринг. Орамиздан фақат биттамизнига уйингизга таклиф қила олишингиз мумкин. Қайсимизни таклиф қилишни ўйлаб, қарор беринг ва бизга ҳам қарорингизни билдиринг.

Аёл Севгининг тавсиясини эрига айтган экан, эркак кувончдан осмонга учай деди:

– Омон, бунча яхши-я! – деди. – Қайси бирини таклиф қилишимизни ўзимизга қўйганларига кўра, биз ҳам Бойликни таклиф қиласиз. Уйимиз ҳам бир пасда бойликка эришади.

Аёл эрининг қарорини маъқулламабди:

– Биз Омадни даъват этсак, оқилона иш тутган бўлмаймизми, хожам?

Қайноаси билан қайнотасининг ўзаро сұхбатига ичкаридаги хонадан келин ҳам қулоқ тутганди. Келин уларнинг хонасига югуриб кириб ўз тавсиясини сўйлади:

– Энг тўғриси Севгини даъват қилишdir! Шунда хонадонимиз меҳр-муҳаббатга бурканади.

Келиннинг тавсияси қайнота ва қайнонага жуда маъқул келди. “Энг тўғри қарор мана шу бўлди, Севгини таклиф қиласиз!” – дейишди. Аёл эшикни очди ва уч қариядан сўради:

– Қайси бирингиз Севги эдингиз? Уни ичкарига олишга қарор қилдик. Марҳамат, Севги ичкари кирсин.

Севги ўрнидан туриб уйга қараб **юрио келди**, шунда шериклари ҳам туриб, Севгининг орқасидан уйга тўғри юра бошладилар. Аёл ҳайрат ва ҳаяжон билан Бойлик ва Омаддан сўради:

- Сизлар ҳам киряпсизларми? Мен факат Севгини таклиф қилдим-ку?

Аёлнинг саволига уч қария бирдан жавоб беришди:

- Агар орамиздан Бойлик ёки Омадни таклиф қилганингизда, биз, даъват этилмаган иккимиз ташқарида кутардик. Лекин сиз Севгини таклиф қилдингиз. Бу ҳолатда учовимиз бирданига уйингизга киришимиз керак, – аёлнинг “Нега?” дея сўрашини кутмай, Бойлик ва Омад сўзларини шундай давом этишди, – чунки севги бўлган ҳар жойда биз – Бойлик ва Омад ҳар доим унинг ёнида бўламиз!

## ИЧКИ ХОТИРЖАМЛИК

Ҳар йили минглаб абитуриент ука-сингилларимиз имтиҳон синовларига киришади. Яхшилаб тайёрланишса-да, имтиҳонлар яқинлашганида абитуриентлар ва яқинлари асабийлаша бошлайдилар. Имтиҳон куни абитуриентлар олдидаги энг катта тўсиқлардан бири саволларнинг қийинлиги эмас, “имтиҳон ҳаяжони” бўлади, афсуски. Имтиҳондан олдинги асабийликни енгиш учун ота-она, устоз ёки дўстлар ёрдамида тинчланиш мумкин бўлса-да, имтиҳон вақтида абитуриент бир ўзи қолади. Бу ҳиссиётни хоҳ асабийлик, хоҳ қайғу, хоҳ ҳаяжон денг, албатта, ҳар бир абитуриентда учрайди. Ёшлар билиши керак бўлган муҳим ҳақиқатлардан бири – улар имтиҳон пайтида ҳис қилган ҳаяжон табиий ҳолат экани. Имтиҳон ҳаяжонини буткул йўқотишнинг иложи йўқ! Ҳаяжонланиш аслида мувваффакиятга қўйиладиган қадамлардан бири. Имтиҳонга кирган ва кирадиган абитуриентлар бу ҳаяжонни бошдан кечирганлар ва кечиралилар. Имтиҳон ҳаяжони ёки қайғуси ёшлар

Иймон ва хузун

ўйлаганидек заарли ҳиссиёт эмас. Аксинча, ҳис қилиш керак бўлган фойдали бир туйғудир. Қайғу ҳаддан ошганида зарар бера бошлайди. Имтиҳон ҳаяжонининг энг катта сабаби абитуриент салбий, ўйлар қайғусига тушади. “Имтиҳонларни яхши топширолмасам нима бўлади?”, “Ота-онамга қандай жавоб қиласман?”, “Ўртоқларимга нима дейман?”, “Устозларимнинг юзига қандай қарайман?” Шу ва шунга ўхшаш саволлардан иборат ўйлар абитуриентни қайғуга солади. Келажак билан боғлиқ салбий ўйларнинг ортиши имтиҳон стрессини орттирибгина қолмай, оддий саволларга ҳам хато жавоб беришга сабаб бўлади. Имтиҳон пайтида кучли ҳаяжонга тушган абитуриентлар бажариши керак бўлган машқлардан бири нафас машқи ҳисобланади. Ўтирган жойида чуқур-чуқур нафас олиш абитуриентни тинчлантиради. Нафас машқини ижобий ўй-хаёллар ва ички хотиржамлик билан қувватлаб, ҳаяжон ва стресс даражасини туширишдан ва тинчланишдан бошқа чора йўқ. Шу ўринда абитуриентларга ички хотиржамликка эришиш учун бир мисол келтираман. Ички хотиржамлик фақат имтиҳон ҳаяжонидагина бўлиб қолмай, қайғуга тушган ҳар бир инсон бажариши мумкин бўлган энг қулай ва фойдали тинчланиш услубидир.

### Ички хотиржамлик – ўзини дуо қилиш

Беш ёшлар чамасидаги қизалоғи билан харидга чиқкан она ҳам рўзғор учун зарур харидини қиляпти, ҳам қизини овутяпти. Тинимсиз ҳар ёнга қўл чўзаётган қизчасининг бебошлигидан қийналяпти. Дўконда айланниб юрар экан, шоколад бўлмасини кўрган бола онасининг қўлидан сирғалиб чиқиб, “Шакалат ейман! Шакалат олиб беринг!” дея бўлмани бошига кўтаргудек бўлди. Шоколадларга қўл узатиб, олмоқчи бўлганида бир нечта қути ерга ағдарилиб, ширинликлар сочилиб кетди. Харидорлар қизчанинг инжиқлиги ва атрофни тўзғитгани учун она-болага норози кўз ташлаб қўймоқдалар. Дўкон хизматчилари дарҳол ерда сочилиб ётган шо-

коладларни йигиштириб олишиди. Она эса жуда хотиржам холатда қизининг қўлидан тутиб: “Ойша, тинчлан! Ҳозир ҳаридни тугатиб уйга қайтамиз”, – деди. Кассага яқинлашганида қизалоқ энди касса олдидаги конфет, сақичларга ёпишиди: “Ойи, конфет олиб беринг! Ойи, сақич олиб беринг!” дея бақириб, ширинликларга қўл чўёзи. Қанд ва сақичларниң қутилари ерга тушиб, сочилиди, яна ҳаридорлар ва дўкони хизматчилари оғринган нигуҳарини она-болага тикишиди. Хизматчилар жаҳлини сездиримасликка уришиб, тўкилган, сочилган ширинликларни йигиштириб олдилар. Аёл яна хотиржам алпозда қизчасининг қўлидан ушлади ва: “Ойша, сабр қил! Мана, ҳаридимизни ҳам тугатдик. Ҳисоб-китоб қиласиз ва уйга қайтамиз”, – деди. Ҳарид ҳисобини тўлаш учун кассага йўналган аёл кассир қайтимга берган майда пулларни сумкасига қўяр экан, қизалоқ бу гал онасининг қўлларига ёпишиди: “Ойи, пул беринг! Менга пул беринг!” Шу аснода ҳамённи тортқилагани учун, ичидан пуллар ерга тушиб кетди. Дўкондагилар қизалоқнинг ҳаддан ошган бебошлигидан ғазабланган, лекин аёл ниҳоятда хотиржамлик билан қизининг қўлидан ушлади: “Ойша, тинчлан! Ҳисоб-китоб қилдик. Энди уйга боряпмиз!” – деди.

Бу воқеаларни кузатиб турган кекса онахон аёлга яқинлашди ва шундай деди:

– Қизим! Мен беш нафар фарзанд дунёга келтириб, ўстирдим. Атрофимда жуда кўп она кўрдим. Лекин фарзандига нисбатан сиздай сабрли онани ҳеч қачон кўрмадим. Қизингиз Ойшага жуда сабр билан муомала қиласиз...

Қизининг қўлидан тутиб, дўкондан чиқаётган аёл онахонга қараб жилмайди:

– Холажон, қизимнинг исми Ойша эмас, Фотима. Ойша менинг исмим. Мен қизимни эмас, ўзимни тинчлантиряпман!..

Ички хотиржамлик ўзини ўзи тинчлантириш демакдир.

Ўзига ўзи насиҳат қилиш демакдир.

Ўзига ўзи дуо қилиш демакдир.

## Иқтибос

Ғазаб қилаётган одам: “Мен жоҳилман! Омадсиз, бир ишни эплолмайдиган кимсаман. Сен билан муносабатга киришадиган салоҳият, тажриба ва сабрим йўқ!” дея бонг ураётган бўлади.

## ҲАЁТ ЗАВҚИ

Бир пайтлар моддий имкониятлар етарли бўлса-да, тез-тез қайғуга ботадиган, ҳаётнинг зерикарлигини кўп таъкидлайдиган бир шаҳзода бўлган экан. Ака-укалари, дўстлари ишлар, саёҳат қилар, овга чиқар, ўзаро сұхбатлашиб ўтирас, китоб ўқир, шаҳзода эса хонасига қамалволиб тинимсиз ўйланаркан. Шоҳ ўғлининг бу ҳолидан кўп ташвишланарди. Бир куни юртининг энг доно кишисини саройга чақириб, унга ўғлининг ахволини гапириб берди ва бу муаммога ечим топишини сўради. Кекса донишманд уч-тўрт кун ўйлади, муроҳаза қилди, ақлига ҳеч нарса келмади. Муаммога ечим топмагани учун кўрқди. Бу хижолатлик сабабидан юртни тарк этишга қарор қилди. Ғамгин ва тушкун ҳолатда юртини тарк этар экан, бир яйлов атрофида қўй-эчкиларини боқиб юрган чўпон билан сұхбатлашиб қолди. Донишманднинг яхши муносабатидан куч олган ёш чўпон қария дўстига:

– Амаки, жониворларга қараб турасизми, мен мана шу кўриниб турган қишлоқдан ўзимга егулик олиб келайин. Бугун ўзим билан егулик олиб келишни унутибман, – деди.

Илтимосни қабул қилган донишманд боши шоҳнинг талаби билан машғул ҳолатда жониворларга қараб турган экан, бир улоқча ўтлаб юриб жарликка думалаб тушибди. Донишманд пастга тушиб уни олиб чиқмаса, улоқчанинг ўзи юқорига кўтарила олмас эди. Донишманд ёш чўпонга берган ваъдасини рисоладагидек бажариш учун улоқчани жарликдан олиб чиқишига аҳд қилди. Эҳтиёткорлик билан жарликка тушди ва аввал улоқчани орқасига боғлаб олди, сўнг юқорига чиқиши учун тирма-

ша бошлади. Бир неча бор омадсизликка учраб пастға қулади, лекин донишманд тирмашишдан воз кечмай ҳаракат қиласында бироз машиққат билан бўлса-да, улоқча билан юқорига чиқди. Бу орада ёш дўстига берган ваъдасини бажарганидан севинар экан, шохнинг талабини унуди. Юқорига чиқиб олгач, бу ҳолатни тушуниб етди ва миясида чақин чақнагандай бўлиб, шундай ўйлади: “Инсон бир иш билан жиддий машғул бўлса, унда асабийлик, руҳий тушкунликдан асар ҳам қолмас экан”. Шундан кейин донишманд дарҳол юргига қайтиди ва шохнинг хузурига бориб, ечимни тақдим этди.

- Мухтарам шоҳим! Ўғлингизнинг руҳий тушкунликдан халос бўлишини истасангиз, унга жавобгарлик, масъулият юкланг! Ўғлингизга юклаган масъулият қанчалик жиддий бўлса, унинг ҳаётдан завқланиши ва саъй-ҳаракати, мужодала азми шунча кўп бўлади...

## БУЛАРНИ ҲАЁТ ЎРГАТДИ

\* Кенглик ва хотиржамликни ўргандим. Ўлимдан бошқа ҳеч нарса муҳим эмас.

\* Кайфиятим бўлмаса, хомуш ва тушкун бўлсам, бунинг учун ҳеч кимнинг айби йўқлигини ўйлаб, табассум қилиш кераклигини ўргандим.

\* Жасурликни, ҳатто журъат тополмасам, жасоратлидек ҳаракат қилишни ўргандим. Булар орасидаги фарқни ҳеч кимсага сездирмаслик ўз қўлимда.

\* Норозилигим фақат ўн беш дақиқа давом этишини, ундан кейин, албатта, нималарнидир билишим кераклигини ўргандим.

\* Ҳеч ким сир сақлаёлмаслигини англадим. Чунки ниманидир эшитган инсон, албатта, бу ҳакида кимгадир айтишни истайди.

\* Жавобини билмаганим ва амин бўлмаганим масалаларда “Билмайман” дейишнинг ниҳоятда фойдали эканини ўргандим.

- Имкон ва хузун*
- \* Оғзим юмилганида хатоларим кўпаймаслигини ўргандим!
  - \* Муваффақият лифт эмаслигини, уни қўлга киритиш учун кўтарилишни ўргандим.
  - \* Атрофдаги инсонларнинг менга фақат ўз изнимга кўра муомала қилишларини ўргандим.
  - \* Қизғончиқлик, ҳасад бахтиёрликнинг душмани эканини, бахтли бўлиш учун атрофингдагиларга ишониш охирин кўринмас синиқликка гирифтор қилишини ўргандим.
  - \* Одам ўзидан кўра омадсиз кишини кўрганда омадидан, бахтсиз инсонларни кўрганда бахтиёрлигидан гапирмаслигини ўргандим.
  - \* Бошқаларни месимай, изтироб берадиган, кўнглини оғритадиган кимсалар аслида кучсиз ва ожиз эканини, муҳаббатни, севишни фақат кучли инсонлар билишини ўргандим.
  - \* Одамлардан хафа бўлмайман. Чунки ҳаётида хатолари, муаммолари, бахтсизликлари бўлган кишиларнинг атрофидагилар ҳам ўзидай бўлишини ўргандим.
  - \* “Мен қандай қилиб бу хатоликка йўл қўйдим?” дейиш ўрнига, энг мукаммал ўйлайдиган кишилар ҳам хато қилишини, муҳими, хатолардан сабоқ олиш ва улардан камроқ зарап кўришни ўргандим...
  - \* Ҳаётдаги энг аҳамиятли ечим – нима муҳимлигини англаш ва бошқасини орқага ташлаш эканини ўргандим.
  - \* Мени танқид қиласидиган, мени таҳлил қиласидиган, акл ўргатишга уринадиганларга жавоб бермасликни ўргандим. Чунки бу тортишув ҳеч қачон тугамайди.
  - \* Фақат сабоқ олиш учун орқамга қарашни, ёрдам истаб эмас, ечим учун, фақат баланд товушда ўйлай олиш учун муаммойимни кимгадир айтишни ўргандим.
  - \* Имконсиз нарсанинг ўзи йўқлигини, қатъий истак чорасиз туюлган ҳар бир эшикка чора дейилган калит бўлишини, ҳақиқий кураш – ғалаба қозониш учун кичик муваффақиятларни йўқотмасликни ўргандим.
  - \* Вақт ва сўзни эътибор билан сарфлашни ўргандим. Чунки уларни қайтариб ололмайман.

\* Қанчалик ҳаракат қилмай, айримлар ўзини бахтсиз ҳис қилиш учун сабаб топа олишини ўргандим. Энди кимнидир бахтили қилишіга уринмайман.

\* Одамларнинг мен ҳақимдаги фикри эмас, ўзим ҳақимда қандай ўйлашим аҳамиятли эканини ўргандим. Ҷошқаларнинг фикри билан ўзимни айбдор ҳис қилмайман.

\* Кечириш ва унутиши. Агар инсон кучли бўлса, ўзига қилинган ноҳақликларни унутиши ва кечиришини, гина-адоват қалбдан хотиржамликни йўқотишини ўргандим.

\* Ҳаерда, қандай шароитда бўлмасин, яшайдиган жойимни гўзал ва обод қилишни ўргандим...

\* Ҳар доим “Мен тўғриман, мен ҳақиқатни айтаман, сен бошқачасан!” деганларга ишонмасликни ўргандим.

\* Ахвол қанчалик ваҳимали бўлса-да, совуққонликни йўқотмасликни, табассум қилишни, ҳамма нарсанинг негатив ва ёмон жиҳатини кўрадиганлардан узоқлашишни ўргандим.

\* Жаҳлимни чиқарган инсонга жавоб беришдан аввал ўн сония ўйлашни, нафас олиб ўзимни тинчлантиришни ўргандим.

\* Бугунги ҳар бир қайғуйим, ҳар бир изтиробим эртанги бахтимга жой ҳозирлаётганини ўргандим.

\* Бажаришим керак бўлган ишлардан асло воз кечмасликни, рўёлар баъзида кўзга кўринадиган ҳақиқатлардан кучли бўлишини ва бунга ишониш муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл эканини ўргандим.

\* “Йўқотадиган нимам бор?” дейиш ўрнига, “Қўлга киритишим керак бўлган кўп нарса бор!” дейишни ўргандим.

\* Ҳаётни керагидан ортиқ жиддий қабул қилмасликни ўргандим.

\* Энг муҳими, ўз ўзимга кулишни, ўзимни хурсанд қилишни ва севишни ўргандим.

## Иқтибос

Илмон ва хузун

С.Бекхет дейди: “Енгилсанг ҳам, мардона енгил”.

Хаёт борган сари кишини фақир қиласи. Тобора камайиб бораверади. Лекин кўпаймасанг ҳам, далли-дулли, қуюшқонга сиғмайдиган хаёлларинг бўлсин. Масалан, “Мен юрсам, мен билан тоғлар ҳам юради”, деган ғалати орзуларинг бўлсин. Сен юравер, тоғлар сен билан силжийверади. Тоғларни ошиб ўтсанг, шу эмасми сен билан бирга юргани? Бир муддат шу умид билан яшасанг, бир оз вакт шу билан овунсанг, шу умид бироз муддат кўзларингни чақнатса, шу етмайдими? Қалбингда бўлса-да, бир юртни эгаллай оласан. “Денгиз долғаланмай турмайди” дегани бежиз эмас ахир. Бекорга “йигит ярасиз бўлмайди” демаслар. Сенга бир алам етса, унга сен сабаб бўлмасанг, нима бўлибди шунга? Енгилиш – урушнинг икки эҳтимолидан бири. Ҳар кимнинг бир ҳикояси бўлади ва албатта бу ҳикоянинг бир қаҳрамони. “Инсонлар курашарди ва мен ўтирадим. Қўлимда қовоқ уруғлари...” Қовокнинг ва уруғининг айби йўқ. Лекин бундай ҳикоя ҳам, қаҳрамони ҳам бўлмайди. Йўлида ўзингни фидо қиласиган, курашадиган ва, майлики, енгиладиганинг бир шай, бир мақсад, бир инсон ва ёки нимангdir бўлмаса, ҳаётнинг қандай мазмuni бор сен учун? Ҳеч ким бир умр енгиб яшамайди! Табиийки, бир умр енгилиб яшамайдилар ҳам. Буларнинг бари “Яшасин енгилиш!” дегани эмас. Ҳеч ким енгилиш учун курашмайди. Курашнинг бутун ғайрати унда енгиб чиқиш орзузи билан боғлиқ. Сўнги енгилиш бўлса-да, асл ғалаба бўлади бу. Умидини сўндиrmай, умид билан енгилган одам муҳаққақ ғалаба қилгандир! Гўзал енгилиш гўзал муҳаббатга ўхшайди. Афсонага айланади кун келиб. Гўзал енгилишнинг ўзи зафар бўлади, бошқа зафарларни алғовдалғов қилиб ташлайди. Фиръавннинг сеҳгарларининг кўзини очган Мусонинг асосига енгилгани эмасмиди? Одамнинг қайси боласи Қобилга енгилди деб Ҳобилни унугади? Мазлум енгилиш золим енгишдан афзалдир доимо. Умид билан енгилган, лекин умидини енгмаган, гўзал ишқ каби гўзал енгилиш керак бизга. Қани, бирга та-

Ахтисиз  
Энди  
Эмас,  
нини  
Бдор

Зига  
ни,  
ни

ко-

н,  
т.  
и  
-  
и

корлаймиз: "Бугунгача мудом курашдим ва доим енгилдим. Майли. Яна бир бор кураман ва гўзал енгиламан!"

## КАПАЛАК БЎЛИШНИ, УЧИШНИ ИСТАЙСАНМИ?

Бир бола бир қанча ипак қуртларини тўплаб, баҳор келганида капалакларнинг пилладан қандай чиқишини кузатмоқчи эди. Лекин капалакларнинг пилладан чиқаётганида сарфлаган ғайрати ва типирчилаши қалбидаги шафқат ва қайғу уйғотди. Отаси бир куни бу ҳашаротларнинг биттаси пилладан чиқиши қийин бўлганида ипакни қайчида кесди. Лекин натижажа ниҳоятда ҳайратланарли бўлди – кўп ўтмай капалак ўлди. Бу воқеа сабабли ота ўғлига ҳаёт дарсини берди:

– Ўғлим, бу ҳашарот пилладан ташқарига чиқишига уринганида ғайрат ва қувват сарфлаб вужудидаги заҳарни ташқарига чиқаради. Агар ўша заҳар ташқарига чиқмаса, ҳашарот ўлади. Шунингдек, бу уринишлар сабабли олдинда ўзига керак бўладиган мушаклари бақувват бўлади. Инсон ҳам янада кучли, янада сабртоқатли, янада иродали бўлиши ва шунингдек, истаган нарсасига эришиши учун мاشаққатлар билан курашиб етилади, ривожланади ва кучли бўлади. Агар инсон осонгина орзуларига эришса, феъли заиф кимсалар, одатда, ўзларига бино қўйиб юборадилар ва охирокибат енгиладилар... Капалак бўлиш осон эмас!

## АҲВОЛИНГНИ СЎРАМАЙМАН, ЧУНКИ...

Ҳаёт... Пасту баланди бисёр сафар.

Ҳаёт... Дард билан баҳт тўла туйғу таоми.

Ҳаёт... Соғинч ва висол орасида ўтган умид долғаси.

Ҳаёт... Баъзан қалбингни бир нималар жизиллатади.

Номини соғинч дейсанми, ҳасратми... Ёнади-да... Ишонгган тоғларимизга қорлар ёғади баъзан. Дўстим деб суюнганинг орқангдан пичоқлаши мумкин. Ҳаммадан кўп

иимон  
орка  
баъз  
рини  
Худу  
нин  
куни  
шад  
тиғ  
ҳај  
ту  
ла  
чу  
бў

н  
и  
:

орқангизда туриши керак бўлганлар тушунмайди сизни баъзан. Хўрсиниш керак бўлган жойда сукут қиласан. Борингга шукр, деганларинг ҳам баъзан кўринмай қолади. Худди шундай алғов-далғов ҳиссиётлар ичидаги яшаётганингда, қалбинг соғинч ҳасратида жизғинак бўлаётган кунларда электрон манзилигингга бир мактуб келиб тушади ва сени аччик-аччик кулдиради. Дард билан, изтироб билан кулиш шундай аччик кулиш бўлса керак...

“Сендан “яхшимисан?” деб сўрамайман” деган сарлавҳали хат шундай кунларда электрон манзилимга келиб тушди. Фақат электрон манзилимга эмас, ундаги жумлалар юрагимга нақшланди. “Овоз чиқариб ўқи, эшитайликчи?” деганларида сўзлар бўғзимда тугунланиб қолди, бўғзимдаги тугунлар овоз торларимга тўғаноқ бўлди.

### **Сендан “яхшимисан?” деб сўрамайман**

Бошқалар сўраганида уларга жуда ажойиб, мухташам, ниҳоятда мамнунлигингга оид юзлаб жавобларинг бор, биламан. Яна бир бор ўша сўзларни эшишишимни билганим учун ҳам сендан бу саволни сўрамайман. Сўрамайман, чунки ҳаётингда битмас-туғанмас қайгуларинг юрагингни қонатишини, умринг қисқариши, кўнглинг парчаланиши, яашаш учун завқинг қолмаслигини биламан. Сўрамайман, чунки яқин-яқинларгача атрофингдагилар ҳасад билан қарашга мажбур бўлган бир қанча ишларни бажариб, меваларини тўплаш учун тинимсиз ҳаракат қилаётганингни, лекин бу ерларда сенга ўхшаган инсонларнинг қаршисида қандай улкан тўсиқлар турганини ва сенинг бу тўсиқларни енгиб ўтиш кучинг тугаб бораётганини ҳам биламан. Аҳволингни сўрамайман; чунки умид қилганинг, истаганинг ҳаётни қуролмаганинг, лекин албатта шундай кунлар борлигини, чекинмаслигингни ҳис эттирган кишиларнинг масхараомуз муносабатлари сени қанчалик оғринтирганини, бундай муомалалардан қанчалик чарчаганингни биламан. Сўрамайман: чунки бу ерларда инсон салоҳиятига кўра эмас, кимнинг ёни-

далигига қараб қадр-қиймат топишини ва бундан сен қанчалик изтироб чекишингни, ҳарқанча уринсанг-да, энди ўзингни бу ерларга хос ҳис этолмаслигингни биламан. Ҳолингни сўрамайман; чунки келажакдан умидларинг бисёргилигини ва уларнинг рўёби учун жонингда жон қолгунича ҳаракат қилаётганингта қарамай, яхши кўрганларинг ва энг яқин инсонларим деганларнинг ҳаётга қарашларингни тушунмаслиги сени кўп хафа қилаётганини биламан.

Сўрамайман, чунки инсонлар ҳурликнинг нималигини билмайдиган, билганларга эса бир неча ўлчов катта келиши, ҳурликни фақат ўзига хос ўлароқ кўрилиши сенга изтироб беришини биламан... Сўрамайман, чунки, “эркакчиликда шу ҳам машаққатми?” демай, яширмасдан, сездирмасдан, уялмасдан йиғлай олишингни, “Кўз ёш тўкиш қачондан бери ҳақ бўлди; олинди, сотилди, берилди, лутф этилди” дея исён қилганингни биламан. Сўрамайман, чунки баъзан бор овозинг билан ҳайқириб, баъзан эса сукут билан, баъзан сахифаларни тўлдириб ёзиб, баъзан эса оғзингни тўлдириб гаплашиб бошингта тушганларни гапирмоқчи бўлганингни, лекин эплолмаганингни кўриб ғамга ботиб қолганингни биламан. Ҳа, сендан “Яхшимисан?” дея сўрамайман. Энди юз-қўлингни юв, табассум билан кўзгуга қара, ўзингга кел ва одамлар ҳар доим сени кўришни истаган ниқобни юзингга тақ. Жилмай ва “Ажойибман! Нега яхши бўлмаслигим керак?” де”.

Бу ёзувларни ўқиб аччиқ-аччиқ кулдим. Ҳам юрагимни оғритди, ҳам қалбимни фараҳларга тўлдириди. Кўнглингизни оғритиш учун эмас, юрагингизни фараҳлатмоқ умиди билан сизга ҳам улашдим...

### Ажал етгунча...

Ўлим - инсон асло қабул қилишни истамайдигани, аммо қочолмайдиган энг катта ҳақиқат. Инсон ўлимни ўзига ҳам, яқинларига ҳам раво кўрмайди. Ҳамма учун ўлим жуда совук тушунча ҳисобланади. Ғарбликлар бу

и  
мавзул  
ҳам  
кўриб  
ўликк  
- хеч  
тайёй  
ўрал  
бош  
ган

Е  
бош  
фақ  
ёле  
ди  
ти  
чи  
Бс  
че  
и  
т  
л

Иимон ва ҳуру

мавзудан шунчалик қочишиади, ҳатто қабристонлари ҳам шаҳардан ташқарида жойлашган. Қабристонни кўриб, ўлимни эслаб қолишларидан ҳам чўчишиади. Ўлим ўликка изтироб берадими ёки орқасидан йиғлагангами – ҳеч ким билмайди, лекин бирор бирорга “ўлимга тайёрман!” демайди. Қадимда эркакларнинг бошига ўралган салласи катта бўлишининг сабаби “Кафанимни бошимда олиб юраман. Ҳар лаҳза ўлимга тайёрман!” деган маъно билдиришини ўқиган эдим.

### “Сен ўлгунча мен ўлай”

Боласи дард чангалида инграб ётган она гўдагининг бошида йиғлаб, “Аллоҳим, менинг умримдан олгину фарзандимга бер. Менга фарзанд доғини кўрсатма!” дея ёлвориб тинимсиз дуо қилар экан, шу аснода эшик олдидаги челакдан сув ичмоқчи бўлган сигирнинг шохитикилиб қолибди. Сув тугаб, жонивор бошини челакдан чиқармоқчи бўлган экан, челак бошидан ажралмасмиш. Бошини чиқаролмай мўрашга тушибди. Мўраши тунука челакнинг ичидагати эшитилибди. Бу овозни эшитган ичкарида йиғлаб ўтирган она Азроил келди деб, вахимага тушибди. Шу заҳоти боласининг ёнидан бироз нари сурилибди ва “Касал мен эмас, мана бу ётган бола!” дебди...

Азроил эшигимизга келиб, ўлим совуқлиги энсамизни совутганида биз нималар деймиз экан?

### Тўсатдан келган ўлим

Инсон қачон ўлишини билганида нималар бўларди?

Бу саволни биринчи бор ўқиганимда жуда қаттиқ таъсирланганман. Инсон аввал ўзини ўйлайди. Бир ойлик умри қолганини билган инсон нималарни ҳис қиласди? Ўтаётган ҳар кун, ҳар соат ўлимга яқинлаштиради...

Уч кунлик умри қолганни билганлар нималарни ўйлайди? Бир кунгина яшаши мумкин бўлганида-чи? Соат санайди. Ўлим соати яқинлашгани сари инсон ақлдан озгулик ҳолатга тушади. Фақат бирорнинг ўладиган вақти эмас, яқинларимизнинг ўлим вақтини билсак,

уларнинг дардига қандай қараган бўлардик? Сиз учун дунёда энг қадрли бўлган инсонларни бир ўйланг. Биттагина гўдагингизни, жуфтингизни, жуда яхши кўрган онангизнинг ўлим лаҳзалари яқинлашганида нималарни ҳис қиласиз? Куни тугаб, саноқли соатлар қолаётгани инсонни шошириб қўймайдими?

Демак, қачон ўлим келишини билмаслик буюк неъмат экан!

### Ажал вақти адашмайди

Муроҳазаларимни қофозга туширганда бошимдан ўтган воқеалардан мисол келтираман. Аммо бошқаларнинг тилидан ёки бирорларнинг бошидан ўтказгандек ёзишни маъқул кўраман. Бироқ бу гал мисол келтирмоқчи бўлганим воқеани шахсан ўз бошимдан ўтганини таъкидлаб, ёзишга аҳд қилдим.

Тун сукунатида ижод қилишни яхши кўрганим учун, асосан, кеч ухлайман. Уйқум қаттиқлигини катта камчиликларимдан бири деб биламан. Ухлашим ҳам, уйғонишим ҳам қийин... Бир ёз оқшоми эди. Ўшанда ҳам ярим тунда ўрнимга чўзилдим. Бир соатларча ўнгтапга думалаб, бир амаллаб ухладим. Кейин тўсатдан кимдир эшикни ураётгандай бўлди. Тушимда бўляпти деб ўйладим. Аммо эшик қайта-қайта урилаверди. Босинқирайман, деб ўйладим, шунда ҳам кўзимни очмадим. Чунки бузилса, уйқумни топишим қийин бўлади. Ёстиқ остига бошимни тиқиб олдим. Лекин бу гал ўша қўл елкамга ура бошлади. Аввал буни ҳам тушимда бўляпти деб ўйладим, аммо кейин ўнгимда урилганини сезиб, безовталандим, жаҳлим чикди. Кўзларим уйқусизликдан ачишарди. Бисмиллоҳ деб, калима қайтариб хаёлимни жамлашга уриндим, бўлмади. Аммо у қўл ҳам мени ухлатмаслиги аниқ эди. Мажбур ўрнимдан туриб ошхонага кирдим. Соат учдан ўтган экан. Бир неча йилдан бери тонгда мева ейишга одатланганим учун мева олиб едим. Айвонга чиқиб, тоза ҳавода бироз ўтирдим. Ўн дақиқа чамаси у ёқ-бу ёкка ўралашиб, ётоғимга кирдим. Бу орада

и  
айв  
ўқи  
нар  
ўтиј  
риб  
ган  
очи  
киф  
да!  
сез  
ҳај

ла  
Сў  
ла  
ты  
и

л  
и  
т  
.

айвон эшигини очиқ қолдирганимни ҳам сезмабман. Дуо ўқиб ухлашга ҳаракат қилдим. Ўша кеча мени у қўл бошқа нарса безовта қилмади. Эртаси куни кечки пайт уйда ўтирганимда укам ишдан келди. Уст-бошини алмаштириб, ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин бирдан эсига тушган ҳолатни айтиб берди: “Яхшиям кеча айвон эшигини очиқ қолдирибмиз. Мен эрталаб ишга бораётиб ошхонага кирдим. Қарасам, газ плита очиқ қолган экан. Паст оловда қолгани ва яна айвон эшиги очиқ бўлгани учун хидини сезмабмиз. Айвон эшиги очиқ бўлмаса, балки икковимиз ҳам газдан заҳарланиб ўлишимиз мумкин эди...”

Укамнинг гапларини эшитиб, баданимга тикон ўрмалагандай бўлди. “Ажалимиз келмаган экан-да”, дедим. Сўнг укамга яrim кеча қандай уйғотилганимни, нималар қилганимни айтдим. У ҳам ғалати ҳодисаларни эшитиб бошқача бўлди. Бу ҳодисадан аввал ҳам тақдирга иймоним чексиз эди. Фақат бу воқеа уни қувватлади.

### Азроил айбдор эмас

“Бевақт ўлди! Ёш кетди, шўрлик!” каби ачинишлар аслида жуда ноўрин. Яқинларимизни биздан айирадиган нарсани баъзан фалокат, баъзан ҳалокат, баъзан баҳтсиз тасодиф, баъзида касаллик ҳисоблаймиз. Албатта, инсон тадбирли бўлиши керак. Бироқ тадбир қилаётганимизда ажал вақти адашмаслигини ҳам унутмайлик. Яқинидан айрилганлар марҳумнинг бевақт эмас, айни вақтида кетганини англаб, дод-вой эмас, ортидан дуо қилсалар яхши. Фарзанд доғи она учун, албатта, жуда оғир. Фақат, фарзандини яратган Зотнинг ўзи қайтариб олганини билиши керак. Яратган баъзан бериб, баъзида олиб, имтиҳон қиласди. Берганида шукримизни, олганида сабримизни ўлчайди. Аллоҳ таоло бандаларини хоҳлаган йўсинда имтиҳон қилиш ҳуқуқига эга.

Аллоҳ таоло бизни фақирлик билан ҳам имтиҳон қилишга ҳақли, бойлик билан ҳам. Фақир қилиб сабримизни, бой қилиб шукримизни ўлчайди Яратган. Ё Раббий, умрнинг ҳам, ўлимнинг ҳам хайрлисини насиб эт! Ё

Раббий! Елканизга кўтаролмайдиганимиз юкни юклама!  
Аллоҳим! Имтиҳонимизни иймонимиздан оғир қилма!..

Бир неча йил олдин бир марсия эшигандим. Ўзимча хиргойи қилиб юрардим. Ўша марсиядаги сўзлар билан бу мақолани тутатмоқчиман:

Ажал келганда сенга  
Бош оғриғи баҳона.  
Қабр тошимга ёзсинлар:  
“Бутун менга, эрта сенга!”

## ЎКИНМА

Ўкинма!

Қайғуда қолган бўлсанг, демак, юрагинг бор экан. Юраксизлар хафа бўл(ол)майдилар. Қайғуни хис килсанг, демак, баҳтиёрсан. Уйғоқ қалб сохиби экансан. Қалбинг ғофил бўлса, нима қиласдинг?

Қалбинг лойига ҳузун кўшилмаганида нима қиласдинг?

Демакки, назардан четда қолмабсан. Демакки, сен кўнгли уйғоқлардансан.

Ўкинма!

Ғамгин бўлсанг, демак, ушишоққина бўлса-да ботқоқдан чиқишинг учун имкон бор, дегани. Шунинг учун қалбингни туртяпти. Қадрини билгин, сени қайғуришга муносиб кўряпти.

Хузунлар қалбинг тупроғини ағдар-тўнтар қилаётган бўлса, демак, сен экин экишга муносиб заминсан. Қайғулар кўнглингни ачиштириб, оғритаётган бўлса, демак, ишончинг тошдай қаттиқ, ёрилган кўксингда умид уруғлари кўкаряпти.

Ўкинма!

Бошинг қуи солинган, қўлларинг бўйнингга ўралган бўлса, демак, қалбингни ёритадиган хабарлар оқимининг томчилари ҳаётингга томяпти. Ишонган тоғларингга қор тушса, эртангнинг боғларида ранг-баранг гуллар очилишига ишора беряпти. Қаҳри қаттиқ бўронлар севинчла-

рингни совурса, шамоллар умидинг яроқларини узиб улоқтиrsa, демак, катта тоғ экансан. Бироз кут, пойингдан сўлим булоқлар кўз очиб, шовуллаб оқади...

Ўкинма!

Ғамни хис қилсанг, ўзингни йўқотиб қўймайсан. Кибринг кир тузоғига илинмайсан. Худпастлик ботқогига ботиб қолмайсан. Исён йўлларидан юрмайсан.

Хою ҳавасларинг ортидан сени сарсон қилиб, тубсиз жарлиқларга судрамаса, сени Ўзига чорляяпти, демак. Назардан четда қолмабсан.

Ўкинма!

Ғамгин бўлсанг, қутлуғ тасалли эшиги қаршисида куттиришяпти сени. Бевафодунё эшигидан кўзларингни юм! Кўнглинг қўлини сабабларнинг беҳуда овунчоқлари чўнтағидан чиқар. Сохта ҳаваслардан умидингни уз. Юрагингни ҳирсдан совут. Ғамгинлигинг, эшик очиляпти, деган садодир.

Ўкинма!

Ғамгин бўлсанг, йўқотадиган нарсаларинг бор демакдир.

Йўқотадиган нарсалари бор инсонлар азалдан муваффақиятга эришганлардир. Кўлга киритмаганларингни санаш билан вақtingни исроф қилма. Кўлингда борларини сана ва шукр қил. Насибанг бўлган неъматларни санаб адo қилсанг-да, нафасингни санашга нафасинг етмайди. Қара, бой экансан, тўғрими?

Ўкинма!

Сени Эшитаётган бор. Сен ўзингни севишингдан аввал У сени севди. Сени ўзинг билмай чўкиб қолган қудуқлардан ҳам У чиқариб олди сени.

Сен тортаётган изтироб ва дардларни билмайдиган ва эшитмайдиган сўқир ва кар эмас У. Юрагинг оташда ҳар сафар қоврилганида Унга бир қадам яқинлашиб бораверасан. У йўқотганларингнинг ўрнини тўлдиришга ваъда беради. Сени ҳаммадан яхши тушунади. Сени ўзингдан кўп билади. Унга йўллаётган истакларингни кўз ёши билан имзолайсан. Ҳаётингнинг ҳар томонга

сочилган синиқлари орасидан умид заррасини топиб,  
уни тоғларга айлантиради У.

Ўкинма!

Борлик жисмига ҳар бир қайғу чизикдир. Қайғу  
борликда борлигингни билдиради.

Эслайсанми, бир пайтлар эслашига ҳам арзимайдиган  
нарса эдинг? Ҳеч ким изламаган, сўрамаган, эътибор  
бериб исмингни бир жойга ёзмаган пайтларда сенинг  
номингни биринчи бўлиб У эслади. Сени ёнига олди. Ҳар  
доим ёнингда бўлди.

Сен ўзингни унутиб бошингни ёстиқقا қўйганингда  
ҳам ҳар гал У сени тонгга етказди. Сен Уни кўп бора  
унутдинг, лекин у сени ҳеч қачон унумади!

Ўкинма!

Бошингни ердан кўтар! Елкангдан тутиб, силкитиб  
сени ўзингга келтиришни истаяпти Севгилинг. У сени  
ёлғиз қўймади...

“Ўкинма! Албатта, Аллоҳ биз биландир!”

## НЕГА МЕНИНГ ИМТИҲОНИМ БУНЧАЛАР ОФИР?

“Дард сўйлатади” дейди катталар. Изтироб чекаётган  
одам тилига келганини қайтармайди. Ҳамма нарсага,  
ҳаммага исён қилгиси келади. Оғриқ зўридан инграган  
одамнинг нолаларидек, изтироб чекаётган одамнинг  
нима деётганини билиб бўлмайди. “Нега фақат мен?!”  
деб сўрайди ўзидан ўзи. “Шунча одам бор, шунча ёмон-  
лик қиласиган бор-да, нега улар эмас, мен?!” Ўзини из-  
тироб чекишига лойик деб билмайди инсон.

Баъзан “Кошки” дея бошланадиган пушаймонликлар  
инсоннинг ич-этини ейди. Гоҳида “Яна менми?!” дея бош-  
ланадиган ҳаётдан олинган аччик сабоқлар тилга олинади.

Баъзида эса, “Кошки бошимга бу иш тушмаса эди.  
Бошка ташвишим, ғаму қайғум бўлса-да, бу мусибатни  
қўрмасам эди” деб исён қиласи инсон.

Иймо  
“Ко  
демак  
имти  
сасал  
ятим  
эркин

К  
Б  
туғи  
кўри  
кил  
роб  
оғи  
га т  
дар  
ган

ни  
ви  
ха  
уй

М  
М  
н  
в  
л  
б

Г  
Н  
С  
и

“Кошки бошимга бу иш тушмаса эди!” деганлар, демак, имтихонни тушунишмабди. Қайси ўқитувчи имтихонда ўқувчилариға тайёрлатади? Таълим муасасаларидаки имтихон варақаларини танлаш имкониятимиз йўқ экан, ҳаёт имтихонида синовларни танлаш эркини талаб қилишимиз тўғримикан?

### Кошки...

Бир шогирдимнинг чақалоги фалажлик билан туғилибди. Она сифатида фарзандини қаттиқ яхши кўришини, аммо фарзанди билан синалаётгани оғирлик қилаётганини айтди. “Ҳар бир мاشаққатнинг изтироби бор. Лекин фарзанди билан синалиш менга жуда оғирлик қиласпти” дея дард дафтарини очган онаизорга таскин беришнинг имкони йўқ эди. Аммо шогирдим дардини шундай изоҳладики, мен унга тасалли берманган бўлсам-да, айтганларидан чиройли хulosага келдим.

Онаси доимо қизига қайнонасидан чеккан азобларини гапириб беради. Онасидан эшитганлари сабабли бувисини ёмон кўриб улгаяди. Опаси турмушга чиққанида ҳам уйда шу муаммолар муҳокама қилинган. Опаси ҳам уйга келса, қайнонасини ёмонлашдан тинмасмиш.

Шогирдим қайнона дикқат марказда бўлган оилавий муаммолардан шунчалик безиб кетганки, “Ё Раббим, менга қайнонадан қайғу берма, бошқа нима билан синасанг синайвер” дея такрорлайдиган бўлибди. Онасига ва дугоналари даврасида асло қайнона билан яшамаслигини, мумкин бўлса, онаси вафот этган бирор одам билан турмуш қуришини айтиб юрган.

Аллоҳ истаганини берибди. Совчиликка келган йигитнинг онаси вафот этганини эшитиб ич-ичидан суюнибди. Чиройли тўй бўлиб турмуш қуришибди. Беш йил орасида иккита соғлом фарзандли бўлишибди. Қайнона қайғуси онаси ва опасидан эшитган эртак бўлиб қолибди. Учинчи фарзанди ногирон туғилганида хонадонига ғам кўланкаси соя солибди. Бир неча ой ногирон болани қабул қилолмабди. Бир умр ногирон бола парва-

риш қилишга мажбурликдан эзилаётган экан. Фарзанди чекаётган дард учун ўртансинми, фарзанди чекаётган дард учун ўртанаётган юрагига куйсинми? Вакт ўтиб күникибди ва тақдирига бўйин эгиби.

Буларни гапириб бераётиб шогирдим кўзларида оқкан ёш билан: “Кошки менда қайнона муаммоси бўлса-да, фарзандим соғлом туғилса эди”, – деди.

Самимият билан дард тўла кўнглини менга очган шогирдидан ҳаёт сабогини олган ўқитувчи бўлдим мен. “Кошки бу дард билан имтиҳон қилинmasam эди” деганларга бу ҳаёт сабогини мен ҳам айтиб бераман.

“Мен нега қудукқа ташландим?!” деб ўкинган Юсуф алайхиссалом Мисрга подшоҳ бўладиган йўл қудукдан ўтишини билмасди. Кудукда Раббига таслим бўлган Юсуф саройга киришга муваффақ бўлди. Саройда илоҳий ахлоққа таслим бўлган Юсуф алайхиссалом зиндонга тушди. Зиндон – Мисрга подшоҳ бўлиш учун сўнгти сўқмоқ эди.

“Нега бу мусибат билан имтиҳон қилиндим?!” дея исён қилмаган Юсуф алайхиссалом ҳаммага сабоқ бўлсин.

Оловга ташланган Иброҳим алайхиссалом кўзларини юмиб олган, гулханнинг гулзорга айланганини билмас эди. Фақат тақдирига таслим бўлган эди. “Кошки бу дард менга келмаса эди” демаган Иброҳим алайхиссалом ҳаммамизга энг оғир мусибатларда ҳам таслим бўлиш ахлоқини ўргатади.

Отаси Иброҳим алайхиссаломнинг пичоги остига ётган Исмоил алайхиссалом тиф кесмаслигини билмасди. Ул зот Аллоҳ азза ва жалла ҳамда отасига таслим бўлган эди. “Нега бошимга бу кунлар тушяпти?!” дея исён этмаган Исмоил алайхиссалом йўлимизни ёритади.

Маккадан қочиш учун ҳижрат қилишга мажбур бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳининг ҳижрат орқали ўтишини билмасалар-да, илоҳий буйруқни адo этдилар. Манзилини тарк этиш амрига таслим бўлган эдилар, холос.

Таслимият ҳижратни, ҳижрат фатҳ эшигини очади.  
Аллоҳга таслим бўлгач, Маккани таслим қилади.

Аллоҳга таслим бўлган зотни олов ёндиrmайди.  
Таслим бўлишни билган қудуқдан саройга, зиндан-  
дан тахтга чиқади.

Эй, “Кошки бу мусибатлар бошимга тушмаса эди” де-  
гандар, таслим бўлинг!

Мусибатларга эмас, мусибат билан сизни синаётган  
Аллоҳга таслим бўлинг!

### **Бошқалар айбдор эмас**

“Менинг оилам ҳам бой бўлса эди”, “Менда ҳам яхши  
имкониятлар бўлсайди”, “Менинг ҳам қўлимдан тут-  
ганлар бўлса эди...” дейдиган орзумандлар бор. Ҳаётда  
ўзимиз истаган нарсаларга эришолмасак, айбдор то-  
пишга жуда устамиз. Айглаш учун атрофимиздаги  
ҳамма нарсани, ҳаммани мисол қила оламиз. Ойнага  
караш ҳеч хаёлимизга келмайди. “Кўз ўзини кўрмайди”  
дея бехудага айтишмаган. Бошимизга келган ёмон-  
ликларни атрофимиздагилардан кўришни истаймиз.  
Яхши ўзлаштирмаган ўқувчилар ўқитувчиларини,  
таълим тизимини, имкониятларни айблайди. Ишдаги  
омадсизликларни, оиласвий ҳаётдаги ташвишлар саба-  
бини четдан излашга одатланганмиз.

### **Тўсиқлар**

Ҳаёт тўсиқлар билан тўла йўлдир. Кимга тегишлиги-  
ни билмайман-ку лекин “Юраётган йўлингизда тўсиқ  
бўлмаса, демак, янглиш йўлдасиз”, деган иборани жуда  
яхши кўраман.

Тўсиқ учрайдики, кучимиз синалсин.

Тўсиқлар учрайдики, сабримиз синалсин.

Тўсиқлар учрайдики, аҳдимиз синалсин.

Тўсиқлар бўладики, мужодала қилавериб қувватимиз  
ортсин.

Ҳар доим бир юкни, бир хил вазнни кўтарган одам-  
нинг кучи ортмайди. Ҳар йили ўтказиладиган спорт  
мусобақалари, ҳар йили такрор-такрор алмашадиган  
рекордлар кейинги йил рекорд ўрнатмоқчи бўлганлар

учун тўсиқ бўлмайди, уларнинг бундан-да бақувват бўлишларига сабаб бўлади.

Юсуф алайҳиссаломнинг тўсиқлари тўсиқми ёки омадми?

Юсуф алайҳиссалом қудуқقا ташланмаганларида, Мисрга бора олармидилар?

Мисрда қул бозорида сотилмасалар, саройга кира олармидилар?

Тухматга учрамаганларида, зиндонга тушиб узок йиллар тафаккур қиласмидалар?

Зиндонга кирмаганларида Мисрга шоҳ бўла олармидилар?

Кайси жамиятда, қайси замонда, қандай имкониятда, қандай оилада, қандай муҳитда яшасак-да, пайғамбарлар тарихи бизга “Иймон – энг катта имкон” эканини англаатади.

## Ё ИБРАТ БЎЛАСИЗ, ЁКИ ИБРАТ ОЛАСИЗ

Бир киши бир умр ичкилик, қимор, гиёҳвандликка ружуъ қўйиб, ғайру машруъ ҳаётда яшади. Бемаксад умргузаронлиги фақат ейиш-ичиш, ўйин-кулгу, кўнгилхушлик билан ўтадиганларни ё итдай шарафсиз ўлим ёки ҳибс кутади. Бу киши умрбод қамоққа маҳқум бўлибди.

Ортидан икки ўғли қолибди. Катта ўғил отасининг айни ҳаётида яшабди. Яъни ўйин-кулгу, кўнгилхушлик, ичкилик, қимор, гиёҳвандлик... Хуллас, отанинг ортидан юравериб, охир-оқибат ўзини қамоқхонада, отасига қўшни камерада кўрибди.

Иккинчи ўғил мактабда аъло баҳоларга ўқишига ҳаракат қилибди. Университетни тамомлаб, ўз тижоратини йўлга қўйиб, ширкат ташкил этибди. Отаси ва акасига руҳан ўхшамаган йигит таниқли ишビルармон, бадавлат одамга айланибди.

Бу оиланинг қўшниси бўлган журналист аёл бир отадан туғилган, бир уйда яшаб, бир хил муҳитда ўсибулғайган икки ўғилнинг икки хил ҳаётидан ҳайратланиб,

|     |    |
|-----|----|
| ула | ар |
| кам | с  |
| изн | и  |
| ёшл | ч  |
| сид | у  |
| тиб | т  |
| туш | и  |
|     | ни |
|     | чу |
|     | ут |
|     | к  |
|     | с  |
|     | з  |

улар ҳақида мақола ёзишга аҳд қилибди. Аввал қамоқхонага бориб, катта ўғил билан учрашиш учун изн олибди. Ўзини таништириб, гуноҳ йўлида саргардон ёшлар ва уларнинг тақдирида оиласининг таъсири хусусида туркум мақолалар тайёрлаш ниятида эканини айтибди. Катта ўғил журналистнинг “Нега бундай аҳволга тушингиз?” деган саволига:

– Отамни биласиз-ку! Шундай отанинг ўғлидан яна нима кутасиз?! – дея жавоб бериди.

Кейин катта компаниянинг бош директори – иккичи ўтилни излаб бориб, қабулига кирибди. Журналист унга ҳам нима мақсадда келганини айтибди.

– Оиласизни танийман, қандай тарбияланганингиз, қанақа мухитда ўсганингизни яхши биламан. Шундай оиласада туғилиб ўсан бола қандай қилиб бунақа дара-жаларга эриша олди?

– Отамни биласиз-ку! Шундай отанинг ўғлидан яна нима кутасиз?! – деган жавобни бериди.

Журналист мақоласини шундай сўзлар билан тугатибди:

**“Ё ибрат бўласиз ёки ибрат оласиз. Ўзингиз танланг!”**

## МАШГУЛЛИК МУОЛАЖАСИ

Яратганинг инсонга берган неъматларини санамоқчи бўлган киши катта қомус ёзишига тўғри келади. Не тонгки, бутун бошли қомусларни тўлдира оладиган неъматларни кўролмаган одамзод эришолмаган баъзи бир неъматларни деб тушкунликка тушади. Дунёдаги энг қашшоқ, йўқсил инсон бўлсангиз-да, шукр қилишингиз керак. Чунки неъматларингиз қайғусини қилаётган кемтикликларингиздан кўпdir. Ҳамма биладиган, бир қарашда санаш муамкин бўлган неъматлар бўлганидек, неъматлигини билмайдиганингиз неъматлар ҳам бор. Масалан, тирикчилик учун, пул топиш учун меҳнат қилишга мажбурлик неъматидир. Ҳа, меҳнат

қилиш Яратганинг одамзодга берган энг буюк неъматларидан бири. Дунёдаги энг қийин иш бекор вақт ўтказишидир. Буни ишсиз қолганлар янада яхши билади.

Аскарларга от қашлатишнинг асосий маъноси ҳам аслида шу. Иши ҳаракат, курашдан иборат бўлган бу гурӯҳ бўш қолса сиқилади. Бўш қолган аскар ё ўз дардларига, ёки атрофидагиларга ўралашади. Бекорчиликнинг инсонга салбий таъсирини тасдиқлаган мисоллардан бири нафақага чиққан кексаларнинг ҳолатлари ва муаммоларидир. Талабалик ва иш фаолияти жараёнини тамомланган инсон пенсияга чиққанидан кейин уйида ўтиради. Таътиллардан ташқари эртадан кечгача машғул бўлган инсон нафақага чиққач, бекор қолиб ҳам оиласвий зиддиятларга дуч келади, ҳам бир қанча касалликларга йўлиқади. Бу ҳақиқатни яхши билган баъзи давлатларда нафақадаги ходимлар ўқувхонаси каби ташкилотлар фаолият кўрсатади. Нафақачиларнинг қизиқишлирига кўра машғулотлар тавсия қилинади. Истаса, балиқ тутсин, истаса, боғбонлик қилсин, нимадир қилиб машғул бўлиши керак. Соғлом ва ҳузурли ҳаёт учун инсоннинг севимли машғулоти бўлиши керак. Майда-чуйда дардлар печакдай сизни ўраб безовта қилишини истамасангиз, муаммолар ақлингизда ин қуриб, илма-тешик қилишини истамасангиз, албатта, бирор иш билан шугулланинг. Бир ишдан чарчасангиз, бошқасига югуринг! Машғуллик билан ўзини муолажа қилмайдиганларни шифокорлар даволашга мажбур бўлишади.

## ТАВАККУЛ МАЛҲАМИ

Насиба, қадар, қисмат, таваккул каби кундалик ҳаётда ишлатишга одатланганимиз атамаларнинг кундалик ҳаётимиздаги ўрнини кўп ўйлайман. Бу атамалар ҳаммамизнинг тилимизда озми-кўпми айланади. Аммо уларни айнан эҳтиёжимиз бўлган кезларда унутадигандекмиз, назаримда. Тўғри малҳамни ўз вақтида, тўғри нисбатда қўлламаганимиз учун муаммоларга дуч

келамиз. Таваккул малҳамини қўллаш керак бўлган ҳолатларда унга бепарволик қилганимиз бадалини туш-кунликка тушиб тўлаймиз. Машаққатлар, қийинчилик ва муваммолар, изтироблар, хузнларга тоқати йўқ, заиф инсонларнинг вужудида микроблар ҳаракатланади. Бунака ҳолатларда бир қанча касалликлар пайдо бўлади. Гул, саратор, ошқозон яраси каби катта хасталикларни зам ва асабийлик келтириб чиқаради. Гриппга ўхшаган кичик бехузурликларга ҳам баъзан асабийлашиш, кайтаришдан кейин йўлиқамиз.

Изтироблар қаршисида “Бунинг ҳам бир хикмати бордир” дейиши осон эмас. Айниқса, бирор ноҳакликдан “хикмат” излаш хаёлимизга осонгина келмайди. Бош этишга, тан олишда қийналамиз. “Бу қандайadolat бўлди?” деба хайқирамиз. Иймони заиф инсон Илоҳийadolatдан ҳам шубҳалана бошлайди. Ҳаётнинг шафқатсизликлари, қийинчиликлари олдида тўғри нигоҳ билан қарай олиш учун мен маъно топадиган нарса, Куръони Каримда келтирилган Хизр алайҳиссалом қиссасидир. “Хизр қиссаси кўз ойнаги”дан воқеа-ходисаларга қарай олган кишининг тинчлантирувчи дори-дармонларга эҳтиёжи қолмайди.

## ИНСОН ХИЗР БИЛАН БИРГА ЮРГАН МУСО КАБИ

Тасаввур қилинг, дунёдаги энг донишманд одам билан сафарга чиқиши имкониятига эга бўлдингиз. У шундай бир донишмандки, сиздан олдин ҳам, сиздан кейин ҳам у билан сафарга чиқиши ҳеч кимга насиб этмади, этмайди ҳам. Донишманд сизга ҳамсафар бўлишни биргина шарт билан қабул қиласди: сафар давомида донишманднинг бирор ишига аралашмайсиз. Ўзи сизга гапирмаганича савол бермайсиз. Донишманднинг ишларига аралашмаслик ва рўй берадиган воқеаларга сабр қилишга сўз бергач, сафарга чиқасизлар. Сафарингиз кемада бошланади. Кема эгаси сизларга иззат-икромни зиёда қиласди. Факат донишманд ҳеч бир сабабсиз кемани тешади. Кема се-

кин-аста сувга тўла бошлайди. Сизларга шунча яхшиликлар қилган кема эгасига миннатдорлик ўрнига донишмандинг қилиғини кўриб жаҳлингиз чиқади. “Одамгарчилигинг қаерда қолди? Нимага бундай қилдинг?!” дея газабланасиз. Донишманд “Сен ишларимга аралашмаслигинг, нима қилсан ҳам, савол-сўроқقا тутмаслигинг керак эди-ку?” деганида берган ваъдангиз эсингизга тушади. Жаҳлингизни боса олмаганингиз, бошқа ишларига ара-лашмаслигинги, савол бермаслигинги айтиб узр сўраганингиз учун донишманд сиз билан сафарда давом этади. Бирга юра бошлайсизлар. Йўлда кичкина болага дуч келасизлар. Кўринишидан факир ва қашшоқ бўлгани кўриниб турган болани донишманд ўлдиради. Унинг қотилликка қўл урганидан ҳам кўра, бегуноҳ болакайни ўлдирганига чидолмайсиз. “Бегуноҳ боланинг жонига нега қасд қилдингиз?! Бу бола сизга нима қилди? Бунча ҳам шафқатсиз одам бўлмасангиз?!” дея донишмандга жаҳл-ғазабингизни сочасиз. Донишманд: “Сенга мен билан ҳамсафар бўлишга тоқат қилолмайсан, демаганимидим?” дея сафар аввалидаги огоҳлантиришни эслатганида, хатоингизни эслайсиз. “Менга сўнгги имконни беринг. Ваъда бераман, агар бир бор ишингизга аралашсам, савол берсам, сизга берган ваъдамга хилоф иш тутсам, сиз билан сафарни давом эттирмайман” дея уни кўндиришга уринасиз. Бир қишлоққа етиб борасизлар. Йўл чарчоғи, очлик ва сувсизликдан икковингиз ҳам чарчаб, ҳолдан тойган-сизлар. Қишлоқдагилардан егулик, ичгулик сўрамоқчи бўласизлар. Қайси эшикни тақиллатсангиз, юзингизга қаттиқ ёпишади. Ҳеч ким сизларга эътибор бермайди. Қишлоқ ўртасидаги ҳовуздан сув ичиб, қўлингизга тушган бир-икки тишлилар егуликни еб, бир четда дам ола-сизлар. Бироз дам олган донишманд қишлоқдаги нураб йиқилаёзган бир боғ деворини тиклашга тушади. Моҳир устадек деворни бақувват қилиб тиклайди. Ишини битириб, йўлда давом этишни ният қилганида, “Бу қишлоқдагилар бизга яхши муомала қилишмади. Егулик, сув беришмади. Сиз буларнинг деворини таъмирладингиз.

Иймчи  
Хеч  
гиз,  
келди  
— де  
бажа  
Учиш  
бўлп  
Сен  
хак  
си  
ши  
ни  
йў  
се  
ёғ  
ёт  
К  
Б  
Р  
,

Ҳеч бўлмаса, деворни тиклаганингиз учун пул олсайдингиз, эҳтиёжларимизга яарди!” дея донишмандга тикка келдингиз. “Сен билан ҳамсафарлигимиз шу ерда тугади! – дея сўз бошлади донишманд. – Берган ваъдаларингни бажаролмадинг. Энди сен билан ҳамсафар бўлолмайман! Учинчи бор мени савол-сўроққа тутяпсан. Сафарда гувоҳи бўлганинг воқеаларга сабр қилишинг осон эмасди, албатта. Сен билан йўлларимиз айрилмасдан йўлда кўрганларинг ҳақида тушунча бераман... Биз чиқсан кеманинг эгаси бизга иззат-икром кўрсатган бўлса-да, кемасини тешиб қўйганим учун мендан жаҳлинг чиқди. Мен у кемани кема эгасини мукофотлаш учун тешдим. Камбағал ва йўқсил бўлишига қарамай, одамларга яхшилик қилишни севадиган кема эгасининг уловини тешмасам, жангта тайёргарлик учун атрофдаги барча кемаларни тортиб олаётган золим подшоҳ унинг кемасини ҳам тортиб оларди. Кемаси қўлидан кетмаслиги учун уни тешиб қўйдим... Бегуноҳ гўдакни ўлдирганим учун мендан жаҳлинг чиқди. Боланинг ота-онаси диндор ва яхши инсонлар. Бола тирик қолса, катта бўлиб ота-онасига зулм қиласди. Шундай яхши одамлар фарзанди зулмидан азият чекмасин дея у болани ўлдирдим. Бу болалари ўлди, улар яна бир фарзанд кўрадилар. Иншааллоҳ, туғилажак фарзандлари уларни хафа қилмайди, ўзларига муносиб фарзанд бўлади... Бизга яхши муносабатда бўлмаган қишлоқдагиларнинг деворини тиклаб берганим учун мендан ҳам жаҳлинг чиқди, ҳам ҳайратландинг. Қишлоқда тиклаганим девор етим болаларнинг девори эди. Бу деворни мен тикламасам, ҳеч кимга яхшилик қилмайдиган қишлоқ аҳли етимларнинг деворига ва девор тагидаги хазинага эгалик қилмоқчи бўлишарди. Деворнинг тагида хазина борлигини ҳеч ким билмайди. Етим болалар катта бўлиб, молларига ўзлари эгалик қила оладиган бўлгунича хазина кўринмасин дея деворни тиклаб қўйдим. Энди тушуниб етдингми, ўғил? Кемасини асраб қолиш учун тешганимни, фарзандидан азият кўрмасин дея фарзанд доғини кўрсатганимни, етимларга ёрдам бериш учун девор тиклаганимни энди

тушуниб етдингми, ўғлим? Мен билан ҳамсафар бўлиб кўрганларингга сабр қилолмадинг. Умид қиласанки, бу эшитганларинг сенга дарс бўлади ва бошинингга тушадиган ташвишларга сабр қиласан. Майли, Аллоҳга омонатсан!"

Куръони каримни қабристонда ўқин учун туширилган китоб каби тушунадиганлар, пайшанба оқномлари "Ёсин" ўқин учун Куръонни қўлига оладиганлар, Рамазон ойида хатм қилишдан ташқари Қуръон билан муносабати бўлмаганлар Хизр алайҳиссалом қиссасидан ҳаёт сабоги олишлари ақлга сиғмайди, албатта. Қуръонни ҳаёт кўзойнаги қилмай, диний маросим ва маълум бир кунларда ўқиладиган китоб қабилида иш тутадиганлар ҳаёт ташвишлари қаршисида Аллоҳга эмас, дори-дармонларга топинишга мажбур бўишади. Хизр алайҳиссалом қиссасидан ибрат олган мусулмон бошига тушадиган мусибатларга сабр қилишни билади. "Биз билан юрадиган, бошимизга тушган мусибатлар ҳикматини англатадиган Хизр алайҳиссалом ёнимизда эмас-ку!" дея ўйлайдиганларга икки нарсани тавсия қиласан: Қуръон тафсири ва пайғамбарлар тарихини такрор ва такрор ўқинг! Чунки Қуръон – ҳаёт раҳнамоси, пайғамбарлар тарихи эса изтироблар ўтмишидир. Пайғамбарлар тарихини ўқиган инсон изтироблар қаршисида ўзини тутишни ўрганади ва унга берилажак охиратдаги мукофотларни ҳам кўра олади. Ҳаёт сафарида Хизр алайҳиссалом билан юрган Мусо алайҳиссалом каби юришни ва ниҳоясига етказишни Аллоҳ ҳаммамизга насиб этсин!

## АЛЛОҲ ДЕЙМИЗ ВА ҲАЛОВАТ ТОПАМИЗ

Инсон хилма-хил ҳис-туйғулар ичida яшайди. Баъзан яхшилик фариштасидек барчани, ҳамма нарсани қучишни истаса, баъзида ҳеч кимни кўришни истамайди, ҳеч нарса унга ёқмайди. Фақат ташқи дунёда эмас, ички оламида ҳам шундай зиддиятлар билан яшайди.

Баъзида мол-дунё ҳирси шунчалик кўзини кўр қиласиди, ҳеч кимни кўрмайди, кўра олмайди. Кун келиб эса худди ўша инсон “Дунё моли учун ўзимни ҳам, ўзгаларни ҳам чирқиритиш, ранжитишнинг кераги йўқ эди” дея ўйлади.

Фариштасифат инсон ҳам кези келганда шайтонга калишини терс кийдирадиган ишларга қўл урганини кўрганимизда, “Ўзини йўқотиб, йўлидан адашган!” деймиз. “Аллоҳ ҳеч бандани йўлидан адаштирмасин” деймиз. Ҳатто ибодатларда ҳам шундай эмасми? Гоҳида сидқилдилдан, жўшиб, баъзан эса истар-истамас, совуқонлик билан бажарамиз.

Намоз ўқиганда неча марта “Аллоҳу акбар” дейишни санаб кўрганмисиз? “Аллоҳ нега бизга бир кунда қирқ бора Фотиха сурасини ўқитар экан?” дея ўйлар эканман, неча бор такбир келтиришимизни санаш хаёлимга келди. Бир кунда беш маҳал намоз ўқийдиган инсон икки юздан ошиқ такбир айтар экан.

Намоз ичида ўқийдиган оят ва дуоларда “Аллоҳ” лафзини неча марта такрорлашимизни санамадим. Бир кунда икки юз марта такрорлайдиган бошқа нарса бормикан ҳаётимизда?

Бу қадар такрорнинг, албатта, бир қанча ҳикмати бор. Фақат менинг ақлим етган ҳикматлардан бири одам боласининг ҳар қандай ҳолатга жуда тез мослашишидир. Аллоҳ азза ва жалла бандаларининг бу ожизлигини яхши билгани учун ҳар қандай ҳолатда йўлга тушиб кетишининг чорасини кўрсатади.

Инсон тинимсиз ўзгарувчан мавжудот бўлгани учун ҳам Аллоҳ бир кунда беш маҳал намоз ўқишни буюргандир, балки?

Инсон тинимсиз ўзгарувчан мавжудот бўлгани учун ҳам Аллоҳ бир кунда қирқ бора Фотиха сурасини ўқиттирас?

Инсон тинимсиз ўзгарувчан мавжудот бўлгани учун ҳам Аллоҳ кунда икки юздан ортиқ “Аллоҳу акбар” дейишга ундар?

Руҳий дунёимизни иншо этиш учун илмий жиҳатдан исботлашга мажбур эмасмиз, албатта. Тилда ифода-

лашнинг имкони бўлмаган, юракдан ҳис қилинадиган туйғулар бор. Ишлари яхши бўлмаган, олчоқлар томонидан ҳаддан ортиқ азият кўраётган бир танишим юраги сиқилганида “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” деса, хотиржам бўлишини айтганди. Буни айта туриб, аслида араб тилини билмаслигини, буни унга бирор ўргатмаганини, фақат кун давомида ўн мартача шу жумлани такрорласа, тинчланиб олишини тушунтиришга ҳаракат қилди.

Танишим менга буларни тушунтиришга уринар экан, унга қўйидаги мақолани ўқиб бердим.

### **“Аллоҳ” сўзининг ақл бовар қилмас сирлари**

Нидерландиялик психолог Вандер Ховен Қуръон ўқиша “Аллоҳ” сўзини такрорлаш бемор ва соғлом инсонларга қандай таъсир қилишини кашф этганини эълон қилди. Профессор уч йилда бир қанча бемор устида тадқиқотлар олиб бориб, ҳайратланарли хulosаларга эришди.

Беморларнинг баъзилари мусулмон эмаслигини, айримлари мусулмон бўлса-да, араб тилини билмаслигини таъкидлаган Ховен касалларига “Аллоҳ” сўзини ўргатганини айтади. Натижка эса ниҳоятда мукаммал бўлганини, айниқса, руҳий зиклик ва қон босими кўтарилиши (хафақон) билан оғриганларда яхши натижага эришгани маълум бўлади.

Бемор тўшагида дард тортаётган инсоннинг “Аллоҳ!” дея инграганига кўпчилигимиз гувоҳ бўлганмиз. Бирор мусибатга йўлиққан инсоннинг “Аллоҳим!” дея хитоб қилганини эшитмаганлар бўлмаса керак.

Тутадиган шохи қолмаса, боши берк кўчага кирса, кўл узатадиган инсони қолмаса, banda “Аллоҳ” дея тинчланади. “Аллоҳ” сўзи ҳаётимизнинг асосига айланиб кетганидан, ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ деймиз.

Тўгри йўлни топиш, яхшиликка эришиш учун “Ё Аллоҳ” деймиз.

Шайтондан қочиб, Аллоҳдан паноҳ истаганда “Аъузу биллаҳ” деймиз.



— дея жавоб қилишган экан. Демак, ҳеч қандай ғами бўлмаган, дардсиз кўринган, баҳтиёрикдан наъра тортаётган инсон тўғри-тузук инсон эмас!..

Ҳар доим ташвишларни ўйлаш, мудом муаммолардан гапириш баъзи инсонларнинг касаллигига айлангандек. Қачон учратиб қолсангиз, муаммоларидан гап очишиди. Арзимаган нарсаларни муаммо қилишади. “Эй, мен нималарни кўрмадим!” дея гап бошлиса, ўйлайсизки, бу бечора дард ичида тугилганими деб?! Ундейларга учраганингизда бир оғиз гапиринг: “Аллоҳ бор! Аллоҳ – буюк!”

### **Севгилингиз сизни кўриб турибди!**

Бир неча йилдан бери Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табризий ҳақида ўқияпман. Ўқиш жараённида утарни жуда кеч таниганимдан ўқиндим. Шамс шахартарда кезиб юрганида бошидан ўтказган бир вокеани гапириб беради: “Урфада бир одамни учратдим. Қаттиқ қамчилangan эди. Қанча қамчиланса-да, овози чиқмасди. Ортидан бордим ва нега калтакланганини сўрадим. Оғриқдан кўзлари қизарган одам менга тикилди: “Бир аёлга ошиқ бўлган эдим, шунинг учун бу ахволга тушдим”, – деди. “Шунча оғриқдан кейин ҳам нега овозинг чиқмади?” дея сўрадим. У менга шундай жавоб қилди, ўша лаҳзада дард, ишқ, сабр кабиларни танитадиган нимаки билсан, бари хаёлимдан учди-кетди: “Севгилим менга қараб турган эди”, – деди у. Шунда унга “Буюк Аллоҳ сени кўриб турганини билсанг эди!” деганимда, ҳайқириб ерга йиқилди”.

Яратган ҳар қандай ҳолатда кузатиб турганини ҳис қилиб яшаш кераклигини мана шундай ибрат билан англатади Шамс Табризий. Тушкунликка тушганда, ҳаёт маъносиз туюлганда, аламлар битмас-туганмас-дек кўринганда юқоридаги ҳикматли ҳикоятни эслаш кифоя. Бундай ҳолатларда Қуръони Каримни тафаккур билан ўқиш инсонга малҳам бўлади.

**Унутманг!**

**Севгилингиз сизни кўриб турибди!**

Б  
ўқи  
кои  
кил  
ҳак  
ғағ  
им  
до  
Ҳ  
Ҳ

## СҮНГСҮЗ ҮРНИДА

*Кимки билганига амал қилса,  
Аллоҳ унга билмаганини билдиради.*

Бетоб бўлганда доктор ёзиб берган йўриқномани ўқиб соғаймайсиз. Ҳеч қачон! Йўриқномада кўрсатилган қоидаларга уйғун шаклда дори-дармонларни қабул қилишингиз керак. Маълумотлар қоғоздан чиқиб ҳақиқий ҳаётга кўчмагунича фойда бермайди. Ҳеч қачон ғам-қайғу кўрманг, демайман, чунки бунинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Ғам-қайғулар, ташвишлар олдида ҳар доим кучли ирода, мустаҳкам иймон билан тик туриңг. Ҳар бир муаммони улғайиш сабоги деб қабул қилинг. Ҳаётингиз ҳикматга тўла бўлсин!

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Муаллиф ҳақида.....                             | 3  |
| Умидсизликка тушганинг иймони шубҳалими? .....  | 5  |
| Хом здим, ёндим, етилдим.....                   | 7  |
| Замонавий психологиянинг ахволи .....           | 8  |
| Ҳаловатни қаердан топиш мумкин? .....           | 12 |
| Бу ер дунё, бунда роҳат йўқ.....                | 13 |
| Ҳаёт қаҳвага ўхшайди .....                      | 13 |
| Қувват дарахти .....                            | 14 |
| Психолог Мавлонодан нажот истади.....           | 15 |
| Таваккул малҳами.....                           | 17 |
| Таслим бўлманг.....                             | 17 |
| Дорихоналардан топилмайдиган малҳам.....        | 23 |
| Ҳикоя: “Сен ўн иккинчи кишисан...” .....        | 26 |
| Дунё ҳаёти тушга ўхшайди.....                   | 27 |
| Дунё ҳаёти гўё рўёдир .....                     | 28 |
| Инсон қандай синалади?.....                     | 28 |
| Ҳаромга элтувчи йўлга тўсиқ қўямиз .....        | 29 |
| Ижтимоий тармоқлардаги муносабатлар .....       | 31 |
| Бу ҳам ўтади .....                              | 32 |
| Шошилинч қарор қилманг .....                    | 34 |
| Билгилки... .....                               | 37 |
| Синаганинг учун шукр, Аллоҳим.....              | 37 |
| Финжон.....                                     | 38 |
| Машаққатлар инсонни тоблайди.....               | 40 |
| Мусибатда яширин армуғон .....                  | 40 |
| Сукут қил, кўнглим .....                        | 41 |
| Тушкунликка тушганинг иймони шубҳали...ми? .... | 43 |
| Нега бунча тушкунсан?.....                      | 45 |
| Ҳикмат.....                                     | 47 |
| Дуога жавоб .....                               | 48 |
| Ҳикмат.....                                     | 48 |
| Дурадгор.....                                   | 48 |
| Дуо муолажага қандай таъсир қиласи? .....       | 49 |
| Ҳаётдан нималарни ўргандим? .....               | 51 |
| Комилликнинг қирқ қоидаси.....                  | 53 |

Ғам  
Ибод  
Мўм  
Ҳаёт  
Пул  
Бер  
Кўп

Ил  
Ка  
Не  
Ш  
И  
Ҳ  
Б  
К  
Р  
Ў  
І  
Ј

|   |     |
|---|-----|
| Иймон ва хузун .....  | 127 |
| Гам чекиш хасталикми? .....                                 | 55  |
| Ибодат .....  | 58  |
| Мўмин учун хотиржам ҳаёт асослари .....                     | 61  |
| Ҳаётимизни бошқарадиган етти қоида .....                    | 63  |
| Пул баҳт берадими? .....                                    | 64  |
| Бермаса Маъбуд.....   | 75  |
| Қўшнингиз муҳтоҷ бўлса, иймонингизни<br>тафтиш қилинг ..... | 77  |
| Илохий танбех.....  | 82  |
| Қалбингиз ва руҳингизни қувватлантиринг.....                | 82  |
| Нега қалбимда намозга муҳаббат йўқ.....                     | 87  |
| Шарқ ҳикоятлари ёрдамида руҳиятни даволаш .....             | 89  |
| Ички хотиржамлик .....                                      | 94  |
| Ҳаёт завқи .....  | 97  |
| Буларни ҳаёт ўргатди .....                                  | 98  |
| Капалак бўлишни, учишни истайсанми? .....                   | 102 |
| Ахволингни сўрамайман, чунки.....                           | 102 |
| Ўқинма.....   | 108 |
| Нега менинг имтиҳоним бунчалар оғир? .....                  | 110 |
| Ё ибрат бўласиз, ёки ибрат оласиз.....                      | 114 |
| Машғуллик муолажаси .....                                   | 115 |
| Таваккул малҳами.....                                       | 116 |
| Инсон Хизр билан бирга юрган Мусо каби .....                | 117 |
| Аллоҳ деймиз ва ҳаловат топамиз.....                        | 120 |
| Севгилим менга қарайпти.....                                | 123 |
| Сўнгсўз ўрнида.....   | 125 |

*Маърифий нашр*

**Сайд Чамлижа**

# ИЙМОН ВА ҲУЗУН

*Муҳаррир:*  
**Абдуғафур Искандар**

*Техник муҳаррир:*  
**Файзулла Азизов**

*Дизайнер:*  
**Василий Бурцев**

*Мусаҳҳиҳ:*  
**Муқаддас Оқмаматова**

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АI № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2021 йил 09 июлда берилди.


Босишга 2021 йил 02 августда рухсат этилди.  
Бичими: 84x108 1/32. “PT Serif” гарнитурасида  
оффсет босма усулида оффсет қоғозида босилди.

4 шарт. б.т. 6,52 ҳисоб нашр. таб.

Адади 3000 нусха. 101-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.  
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзеи,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru

Ер юзида баҳтли ва ҳаловатли  
яшашни истаганлар Яратган билан  
муносабатларини мустаҳкам қуришлари  
керак. У зот билан муносабатларини  
мустаҳкамламаган ёки умуман ҳеч  
қандай алоқаси бўлмаганларга ер юзи  
тор келиши аниқ.



Taskin kitoblar



Taskin kitoblar



ISBN 978-9943-7407-1-6

